

НАРЗУЛЛА АҲМЕДОВ

**АМИР ТЕМУР
РИВОЯТ ВА ҲАҚИҚАТ**

Қомуслар Бош таҳририяти
Тошкент

Мазкур асарда Туронзаминнинг буюк ҳукмдори Амир Темурнинг болалиги, яқка ҳукмронлигининг ўрнатилиши, қудратли темурийлар давлатининг вужудга келиши, ҳарбий юришлари, ташқи ва ички сиёсати, маънавияти ва унинг ҳозирги кундаги аҳамияти ҳақида ҳикоя қилинади. Асар кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир –
тарих фанлари доктори, профессор Фани АБДУСАТТОРОВ

Такризчилар:
Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси,
профессор Азиз ҚАЮМОВ;
тарих фанлари доктори, профессор Нурбой АБЕРҚУЛОВ;
тарих фанлари номзоди Амриддин БЕРДИМУРОДОВ.

ИБ № 144

0503000000
Г 358 96
5 89890 114 0

© Қомуслар Бош таҳририяти, 1996.

СЎЗ БОШИ

*БИЗ БУГУН УЗОҚ ДАВОМ
ЭТГАН ҒАФЛАТ УЙҚУСИДАН
УЙҒОНДИК. ТАРИХИМИЗНИ,
МАДАНИЯТИМИЗНИ, ЎЗЛИ-
ГИМИЗНИ ТАНИДИК ВА ТИК-
ЛАЙ БОШЛАДИК.*

ИСЛОМ КАРИМОВ

Ўзбекистон мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш унинг умумбашарият тан олган маънавиятини тиклаш ва янги давр талаблари асосида юксак даражага кўтаришни талаб қилади. Бу эса мустақил Ўзбекистон тарихининг барча даврларини чуқур ўрганиш, тарихий ҳақиқатни юзага чиқаришни тақозо этади. Дийримиз тарихининг ана шундай даврларидан бири – жаҳон тарихида муносиб из қолдирган Амир Темур ва темурийлар давридир. Амир Темур Туронзаминнинг ўз халқига ҳар томонлама бой мерос қолдирган буюк фарзанди, бутун жаҳон эътироф этган давлат арбоби, буюк саркарда ва ажойиб инсон эди. "Биз яшаб турган шу муқаддас заминда, – деган эди И. Каримов, Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанали йиғилишда, буюк бир давлатга асос солган, оламни тебратган, номи етти иқлимда машҳур бўлган улўф бобокалонимиз Амир Темур ... ёшлигидан бошлаб ўз олдига она юртини мўғул басқинчиларидан озод қилиш мақсадини қўйди, ер юзида буюк салтанат соҳибан сифатида эл ва элатларнинг бошини қовуштирди. мамлакат қудратини ҳар соҳада юксакликка кўтариб, дунёга машҳур қилди"¹.

Амир Темур даврини, темурийлар давлати тарихини ўрганиш бўйича хорижий мамлакатларда кўп ишлар қилинди. Овropaда XVI асрдан бошлаб Амир Темур фаолиятига оид турли адабиётлар мунтазам нашр этилиб келинмоқда. Чунончи, "Темур

¹ И.А.Каримов. Соҳибкирон Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантананада 1993 йилнинг 31 августида сўзлаган нутқи. "Ўзбекистон овози", 1993 йил, 1 сентябрь.

тузуклари" 1787 йили машхур француз шарқшуноси Л. Лянглэ томонидан француз тилида чоп қилинди. Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома"си, Испания элчиси Рюи Гонзалес де Клавихонинг "Самарқанддаги Амир Темур саройига саёхат (1403–1406 й.) кундалиги" каби илк манбалар бир неча хорижий тилларда қайта-қайта нашр этилди. Францияда машхур шарқшунос Люсьен Кэрэн президентлик қилаётган "Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганувчилар ҳамда ўзбек-француз маданий алоқалар иттифоқи" бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатиб, жаҳон тадқиқотчиларининг диққатини тортадиган эътиборли ишларни бажармоқда.

Хорижий мамлакатларда чоп этилган адабиётларда Соҳибқирон фаолиятига чуқур ҳурмат, иззат-икром билан қаралади, инсоф, иймон, диёнат, инсонийлик нуқтаи назаридан холисона ёритилади. Бу жараён давом эттирилиб, Соҳибқирон ва унинг фарзандлари фаолиятига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. 1994 йилда Мирзо Улуғбек таваллуди 600 йиллигининг ер юзида кенг нишонланиши бунга яққол мисол бўла олади.

Эндиликда батамом парчаланиб кетган собиқ Совет империяси даврида Амир Темур фаолиятига муносабат батамом бунинг акси бўлди. Энг аввало "СССР тарихи" "Россия тарихи" сифатида ўрганилиб бошқа халқларнинг тарихига панжа орасидан қаралди. Ҳатто жаҳон тарихида муносиб из қолдирган буюк сиймолар, тарихий шахслар фаолиятларига бир томонлама ёндашилди. Улар фаолиятлари марказнинг бевосита кўрсатмаси асосида ёритилди ва баҳоланди. Амир Темур фаолиятига ҳам худди ана шу нуқтаи назардан ёндашилди. Бошқача муносабатнинг бўлиши асло мумкин эмасди. "СССР тарихи"дан "Амир Темур давлати" деб аталган бўлим олиб ташланган эди. Аксинча Амир Темурга "қонхўр", "каллакесар", "золим", "босқинчи", "талончи" деган айблар ёпиштирилди. Мана шу айблар фош бўлиб қолинишининг олди олинди, Амир Темур фаолияти, тарихи учун муҳим аҳамият касб этган илк манбалар ўзбек тилида чоп эттирилиб оммага етказилишига йўл берилмади.

Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши диёримиз тарихини қандай бўлган бўлса шундайлигича ёритиш, тарихий ҳақиқатни айтиш учун тўлиқ имкониятларни юзага келтирди. Буюк бобокалон фаолияти, тарихига тааллуқли бўлган илк манбалар ўзбек тилида нашр этила бошланди. Турли жанрлардаги асарларда Соҳибқирон фаолияти холисона ёритилиб бор ҳақиқат юзага чиқмоқда. Ушбу иш ҳам Соҳибқирон даври тарихига заррача бўлса ҳам ҳисса бўлиб қўшилар деган умиддамиз. Китоб ҳақидаги мулоҳаза, истак ва таклифларни муаллиф миннатдорчилик билан қабул қилади.

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИ

Шундай Соҳибқирон шуҳрати билсанг,
Насаби ҳақида гар суриштирсанг.
Отадан отага то Одам-ато
Бори шоҳлик тахти узра қўймиш пой

ШАРАФУДДИН АЛИ ЯЗДИЙ

1336 йил, 9 апрель. Бу сана эндиликда кўпчиликка маълум. Ўша кун Амир Темур ибн Муҳаммад Тарағай баҳодир таваллуд топганлиги барчага аён. Бу кун, ой ва йил ҳақида турли-туман қарашлар мавжуд. Чунончи баъзи адабиётларда 1333, 1335 йил деб кўрсатилса, баъзиларида 1336 йил 9 апрель деб қайд этилади. Амир Темур Кўрагоннинг "Таржимаи ҳол"ида у таваллуд топган. Соҳибқироннинг 736 ҳижрий – 1336 милодий йилда таваллуд топганлиги ҳақидаги маълумот келтирилади. Хуллас, буюк бобокалоннинг таваллуд топган йили, ойи, куни, жойи хусусида мунозаралар давом этмоқда. Бунинг боиси шуки, Амир Темур битикларида, жумладан, "Таржимаи ҳол"ида ҳам унинг илк болалик йиллари ҳақида маълумотлар етарли эмас.

Амир Темурнинг болалик, ўспиринлик йиллари ҳақида Низомуддин Шомий, Али Яздийларнинг "Зафарнома"лари, Ибн Арабшоҳнинг "Амир Темур тарихи" номи билан машхур бўлган "Ажойиб ал-мақдур фи-тарихи Таймур" (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) каби тарихий асарларида ва бошқа манбаларда қимматли ва аниқ маълумотлар учрайди. Чунончи, Ибн Арабшоҳ асарининг биринчи китобида Темурнинг насл-насаби, ўспиринлик йиллари ва дастлабки фаолиятига оид маълумотлар келтирилса, Низомуддин Шомий, Али Яздийнинг "Зафарнома" ларида Соҳибқироннинг аждодлари, болалиги ҳақида баъзи маълумотлар баён этилади. Шунингдек, В.В.Бартольд, А.Ю.Якубовский, Т.Н.Грановский, Бўрибой Аҳмедов, Ашраф Аҳмедов сингари шарқшуносларнинг асарларида Амир Темур ибн Муҳаммад Тарағай баҳодир ўғли 736 сичқон йили, шаъбон ойининг 25-кунида

(милодий 1336 йил 9 апрель) Кешдан ўн чақирим (тахминан 13 км) бўлган Хўжаилғор қишлоғида таваллуд топганлиги айтилади.

Кеш Марказий Осиёнинг қадимий шаҳарларидан бўлиб, араб географи Ёқубийнинг ёзишича, у VII асрда барпо этилган. Хитой солномаларида келтирилишича Зарафшон, Қашқадарё ва Амударё бўйларида Самарқанд, Маймуғ, Кеш, Нахшаб, Иштихон, Кушон, Бухоро, Амул ва Андхой сингари тўққизта мустақил ҳокимлик бўлган. Ўша манбаларда Маймуғ ва Андхой, Кеш, Кушон, Бухоро ва бошқа ҳокимликлар айниқса кучли ҳарбий салоҳиятга эга бўлганликлари қайд этилади. Ҳатто Хитойга борган элчилар орасида уларнинг вакиллари бўлган. Бу Кешнинг қадимдан ўз мавқеига эга бўлган кўҳна ҳокимликлардан бири эканлигини кўрсатади. XIV асрдан бошлаб Кеш Шаҳрисабз деб аталади. Рус шарқшуноси В. В. Бартольднинг гувоҳлик беришича, Ибн Арабшоҳдан бошқа ҳеч ким Соҳибқирон таваллуд топган жой номини кўрсатган эмас. Хўжаилғор қишлоғи ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, Шаҳрисабздан 13 чақирим жанубий-ғарбда, ҳозирги Яккабоғ тумани худудида жойлашгандир.

"Темур ибн Тарағай ... туғилган жой, – дейилади Ибн Арабшоҳ асарида, – Хўжаилғор деб аталадиган қишлоқдир. Хўжаилғор Кешга қарашли жойлардандир...

Кеш Мовароуннаҳр шаҳарларидан (бири) бўлиб, Самарқанддан тахминан ўн уч фарсах масофададир". Сўнги йилларда нашр этилган баъзи адабиётларда бу тарихий манбалар эътиборга олинмай, Амир Темурнинг таваллуд топган жойи хусусида ҳар хил фикрлар билдирилмоқда.

Бизнингча бу масалада Соҳибқирон битикларига, у туғилган жойни аниқ кўрсатган Ибн Арабшоҳ хулосаларига асосланиш мақсадга мувофиқдир. Бу хулосанинг тўғрилигини тарихий воқеалар ҳам исботлайди.

Соҳибқирон таржимаи ҳоли ва фаолияти шубҳасиз ҳаммани қизиқтиради. Унинг отаси Муҳаммад Тарағай ва онаси Тегина бегимнинг турмуш қуриши, улардан ўғил фарзанд туғилиши, гўдакка аввалдан Соҳибқирон¹ деб ном берилиши, ҳаёт йўли борасида турли ҳикоятлар ривоятлар ҳам кўп. Улар асрлар оша оғиздан-оғизга кўчиб, халқ орасида кенг тарқалиб келмоқда.

1. Соҳибқирон-Амир Темурнинг лақаби: "соҳиб"-эга, "қирон"-илми нужумда икки шарофатли сайёра, Зухра (Венера) ва Муштарий (Юпитер) ўз ҳаракатида бир-бирига яқинлашган ҳолатни "қирон буржи" деб атаб, уни бахт-саодат аломати деб баён қилинган. Соҳибқирон-мазкур икки сайёра бир-бирига яқинлашган пайтда туғилган бахтли подшоҳ.

Соҳибқироннинг тўлиқ исми шажараи-шарифи Али Яздийнинг "Зафарнома" асарида келтирилганидек, султонлар султони Амир Темур кўрагон ибн амир Тарағай – нўён ибн амир Буркул ибн амир Илангиз-нўён ибн амир Ийжил-нўён ибн амир Қарачор-нўён ибн амир Суғу-сичон (Чечан) ибн амир Эрдәмчи-нўён ибн амир Қачулой-нўён (Қочули) ибн Туманойхон (Туманохон) ибн Бойсунғурхон ибн Қайдухон ибн Дутумманихон ибн Буқохон ибн Бўдончархон (Бўзунжархон) ибн Алонкуво бўлиб, туғилиши 736, милодий 1336 йил шаъбон ойининг 9-кунига тўғри келади.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Зухра ва Муштарий юлдузларининг буржида ўзаро яқинлашиши камдан-кам учрайдиган ҳодиса бўлиб, ҳар саккиз юз йилда бир марта содир бўлар ва тарихда албатта бирон сезиларли из қолдирар эмиш. Жумладан бу вақтда улуг инсонлар туғилар эмиш. "Зафарнома"да таъкидланишича, уч чақалоқ – яъни ҳазрат Искандари Зулқарнайн (Александр Македонский), Муҳаммад Мустафо алайҳиссалом ва Амир Темур худди ана шундай пайтда дунёга келган эмишлар. Шу ўринда Салоҳиддин Тошкандийнинг "Темурнома" – "Амир Темур Кўрагон жангномаси" асарида куйидаги ихтибосни келтириш ўринлидир.

"Айтубдурларким, – дейилади унда, – уч ўғил шу соатда туғилди. Аввал Искандар Зулқарнайн ҳазратлари афандимиз, иккинчи Муҳаммад расул ақрам саллаллоху алайҳи вассалом саййидларимиз, учинчи Амир Темур Кўрагон хонимиз ва бегимиздур, дерларким, таваллуди Искандардин таваллуди Расул алайҳиссаломгача саккиз юз йил, таваллуди Муҳаммад алайҳиссаломдин таваллуди Амир Темургача саккиз юз йил. Ҳар саккиз юз йилда кавокиб жади даражасида бўлгандурлар. Аммо соҳибқирон Амир Темурни оналари Тегина бегим моҳ дерларким, таваллуд маҳалида заҳмат ва машаққат сира кўрмадим ўзга хотунлардек".

Бундай ривоятлару ҳикоятлар асрлар давомида оғиздан-оғизга ўтиб, сайқал топиб келмоқда. Уларнинг асосида қандайдир ҳақиқатлар мавжуд эканлиги эндиликда тобора равшанроқ кўзга ташланмоқда. Эндиги вазифа шу ҳикоятлару-ривоятлар хусусида илм-фан заҳматқашлари томонидан асосли хулосалар билдиришдан иборатдир.

Амир Темурнинг ота-онаси ҳақида гап кетганида, отаси Муҳаммад Тарағайни Чингизхоннинг ҳарбий саркардаларидан бири Қарачор нўённинг невараси Буркулнинг ўғли дейдилар. Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, Чингизхон ҳарбийларининг кўп

қисми туркийлардан эди. Жумладан унинг ҳарбий бошлиқларидан бири Қарачор нўён ҳам. Баъзи бир тадқиқотчилар манбаларни аниқ билмаганликлари сабабли буни чалкаштириб келдилар. Унинг невараси Буркулнинг икки ўғли, яъни Муҳаммад Тарағай билан амир Болта эди. Буркул ҳеч қандай мансабда бўлмади, оддийгина ҳаёт кечириб келарди. Бу хусусда Али Яздийнинг "Зафарнома" сида битта тўртлик бор:

Мирлигу шоҳликка майл қилмади,
Дин йўлини танлаб гушанишин бўлди.
Кеш худуди эди унинг маскани,
Барча ўлкалардан хуш топди уни.

Муҳаммад Тарағай амир Буркулнинг ўғли бўлганлиги туфайли ҳам Ибн Арабшоҳда "Темур ибн Тарағай ибн Абағай" деб берилади. Амир Болта тўғрисида манбаларда ҳеч қандай маълумот учрамайди. Амир Темурнинг тўла исми шарифи берилган шажарасидан ҳам аён бўлиб турганидек, Муҳаммад Тарағай оиласи нуфузли, эътиборли, ўзига тўқ оилалардан бўлгани кўриниб турибди. Бу ҳақда Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро" ("Шоирлар бўстони") номли асарида шундай дейилади:

"... Унинг (Амир Темурнинг) асли Кеш вилоятидан бўлиб, у барлосларнинг улуғ амирларидан (бўлган) амир Тороғойнинг ўғлидир. Чингитой улусида асиллик ва баланд мартабаликда барлослардан бошқа қабила бўлмаган. Ва амир Тороғой Чингизхоннинг улуғ амирларидан Қарожор нўённинг набирасидир".

Соҳибқироннинг бешинчи бобоси Қарачор нўён ҳақида гап кетганда Низомуддин Шомийнинг "Зафарнома"сидан қуйидаги матнни келтириш жоиздир:

"... Унинг (Амир Темурнинг – Н. А.) улуғвор насабига келсак, Комрон подшоҳ, яъни Чингизхон ўз фарзандларини оёққа турғизган вақтида ёсоқ (бу ерда ҳарбий ишлар маъносида – Н. А.) ва йўсин (қонун, қоида, одат – Н. А.) (боб)ида бошқа фарзанларидан мумтоз бўлган иккинчи ўғли Чингитойни махсус мурувват билан тақдирлади; ўз лашкарининг сарасидан бир қисмини танлаб (унга тақдим этди). Бу қисм сардори барлос қавмидан бўлган Қарачор эди, унинг тўғри фикрлиги, етуклиги, сиёсати ва шижоатига (Чингизхоннинг) тўла ишончи бор эди. (Шунинг учун) ул комкор подшоҳ мамлакат ишларини бошқаришни, сиёсату қонун-қоидаларни юргизишни унинг донишмандлиги ва ақлу заковатига ҳавола қилди. Ана шу киши Амир Соҳибқироннинг бобоси эди".

"Темур тузуклари"да: "амир (Туғлуқ Темур назарда тугилмоқда – Н. А.) Қарачор нўённинг Мовароуннаҳрдаги туманини ҳам менга топширди", – дейилади. Ҳатто икки ўртада, яъни мўғул ҳукмдори билан Қарачор нўён авлодлари ўртасида аҳднома ҳам тузилган бўлиб, унда "хонлик Қобулхон авлоди қўлида, сипоҳсоларлик эса, Қочули баҳодирхон болаларида бўлсин, улар бир-бири билан ёвлашмасин", – деган сўзлар битилган экан.

Буни Соҳибқироннинг "Таржимаи ҳол"идаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Хоқон Туғлуқ Темур, – дейилади унда, – "Мовароуннаҳрда хонлик унвони ёрлигини ўзининг ўғли Илёс Хожа номига берди, мени эса хондан кейин биринчи шахс этиб тайинлади. Туғлуқ Темур бизнинг қадимги аجدодларимиз Қочули Баҳодур ва Қобулхон ўртасидаги шарт битилган пўлат тахтани менга кўрсатди. Бу шартга кўра, Қочули Баҳодурнинг авлодлари васият бўйича аскарларнинг бош беги унвонини олиши керак эди. Қобулхоннинг авлодлари эса отадан болага мерос сифатида хонлик унвонини олиши керак эди...".

Али Яздийнинг "Зафарнома" сида Соҳибқироннинг отаси ҳақида ибратли мисоллар берилган. "...Амир Тарағайнинг, – дейилади бу тарихий асарда, – бутун эътибори мусулмончиликни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга қаратилганлиги учун давлати худуди доим уламо-ю фузало ҳожатларининг (адо этиш) қибласи ва олий мажлиси солиҳлару ҳамда фуқаро (аҳдининг) йиғингоҳи бўлди".

Академик В.В.Бартольд барлос қабиласининг Туронзаминда муҳим ўрин эгаллаганлигини қайд этиб, унинг асосан Қашқадарё воҳасида жойлашганлигини, Амир Тарағайнинг мана шу қабиланинг бошлиғи сифатида Кеш беги бўлганлигини таъкидлайди. В.В.Бартольднинг таърифлашича, Кеш беги Муҳаммад Тарағай қорамағиздан келган, паҳлавон келбатли эди. Яна художўй, тақводор мусулмон киши бўлиб, илм-фан жонқуярлари ва ижодкорларини ҳар томонлама кадрларди. Шайхлар, дин пешволари, дарвешлар билан доимо мулоқотда бўларди. Улар учун ҳар доим эшиги очиқ эди.

Соҳибқироннинг онаси Тегина бегим Моҳ бўлиб, бу мўътабар аёл хусусида маълумотлар деярли йўқ ҳисоби. Ривоятларга кўра, Тегина бегим чингизийлардан бўлиб, эътиборли, нуфузли, ўқимишли хонадонда вояга етади. У Муҳаммад Тарағайнинг иккинчи хотини эди. Муҳаммад Тарағай билан Тегина бегимнинг турмуш қуриши, улардан жаҳонгир Амир Темурнинг таваллуд

топиши хусусида Салоҳиддин Тошқандийнинг "Темурнома"сида, ёзувчи Евгений Березиковнинг "Темур ўғлоннинг туғилиши", Поён Равшан ва Жума Курбоннинг рисоласида ва бошқа асарларда диққатни жалб этадиган ва мулоҳоза юритишга ундайдиган ўринлар мавжуд.

Ҳикоя қилишларича, ўша замонлар Бухорода Садр аш-шариа деган мулла (олим) яшарди. У "Шарҳи Вақое" деган китоб битган. Бир куни Садр шогирдлари даврасида дарс ўтиб турганида бир мусофир келди ва унга қараб: "Қизингни эрга бер, ундан жаҳонгир фарзанд туғилади",-деди. Мулла Садр ишонмай: "Эй, девона, сен қаердан биласан!"-деди. Мусофир айтди: "Ғойиб сирлари менга аён". Садр аш-шариа уни тошхонага боғлаб қамаб, ўзи хон ҳузурига бориб, воқеани айтди. Хон: "Мусофирни олиб келинглари"-деди. Хоннинг одамлари бориб қарашса, тошхонада мусофир йўқ, унинг ўрнига қўл-оёғи боғланган ҳолда мулланинг қизи ётганмиш. Гап сўрашса, телбаларча жавоб қилибди. Қори-домлалар ҳарчанд дуолар ўқишса ҳам уни ўзига келтира олишмасди. Ниҳоят, қизни шайхул аълам қошига олиб боришибди. Эшон уни хушмуомалалик билан кутиб олиб: "У мусофир дарвеш ҳазрат Хизр эдилар, чиндан ҳам бу аёлдан манзур ва машҳур фарзанд туғилади",-дебди. Эшоннинг гапини эшитган заҳоти қизнинг ҳуши жойига келибди. Эшон: "Буни ўзим турмушга узатаман",-дебди. Садр аш-шариа: "Майли, ҳазратим, дея ихтиёрни унга топширибди. Эшоннинг башоратини эшитган амалдору алломалар унинг уйига совчилар юбора бошлайдилар. Лекин шайх: "Ҳали бу қизнинг куёви Бухорога келгани йўқ",-деяверибди. Ниҳоят одамлар совчи юборишни бас қилиб, " унга эшонимизнинг ўзлари уйланармишлар деган гап чиқарибдилар".

Энди гапни Тўрғай баҳодирдан эшитинг: баҳодир Шаҳрисабз чўлида кийик овлаб юрган экан, унинг олдидан бир оху ўтиб, ўзини қўйлар тўдасига урибди. Тўрғай баҳодир қараса, бўри бир қўйни ёриб ташлабди. Унинг жаҳли чиқиб ухлаб қолган чўпонни ура кетибди. Шунда чўпон: "Мени урма, сен учун яхши бир туш кўрдим",-дебди. Баҳодир: "Нима туш кўрдинг"-дебди. Чўпон: "Тушумда яшил кийимли бир киши кўринди, у менга: "Хожанга айт, у шайхул аълам қошига бориб, Садр аш-шарианинг қизига уйлансин, зеро улардан жаҳонгир туғилади",-дебди. Баҳодир: "Алдаяпсан"-деб чўпоннинг гапига ишонмай, уни яна ура бошлабди. Шу пайт чўпоннинг ити бир сапчиб, алланима дегандай хура бошлабди. Баҳодир: "Ит нега хураётди"- деб сўрабди. У жавоб берибди: "У рост гапирётганлигимни тасдиқляпти". Шундан

сўнг баҳодир унинг гапига ишониб, Бухорога қараб йўл олибди... Шундан сўнг Тўрғай баҳодир жуфти ҳалоли Некия бегимни Шаҳрисабзга олиб келибди.

Яна бир манбада Амир Темурга Соҳибқирон лақаби ўша пайтда Сайфиддин шайхул аълам томонидан берилганлиги айтилади. Соҳибқироннинг отаси Муҳаммад Тарағай билан онаси Тегина бегим ўртасидаги никоҳ 1334 йилда бўлиб ўтади.

Хуллас, Амир Темур таваллуд топган йил, жой, оила, унинг отаси Муҳаммад Тарағай, онаси Тегина бегим Моҳ, уларнинг насл-насаблари ҳақида чалкашликларга йўл қўймай хулоса чиқариш учун етарли маълумотлар ҳар ҳолда йўқ эмас. Бундай пайтда илк манбалар, ўша даврга оид асарлар ва алломаларнинг хулосаларига таянмоқ керак.

АМИР ТЕМУРНИНГ БОЛАЛИГИ

Амир Темурнинг таваллуд топиши, ёшлик даври ҳақида ҳам қизиқарли, шу билан бирга қарама-қарши, ҳатто бир-бирини инкор этувчи, баъзан Соҳибқиронни ёмон отлик қилиш, фаолиятига атайлаб салбий тус бериш ниятида тўқилган ривоятлар ҳам йўқ эмас. Бир ривоятга кўра Амир Темур таваллуд топган кунда Ҳисор тоғлари қаттиқ силкиниб, даҳшатли бўрон турган ва ҳатто бинолар қулаганмиш. Донолар бу воқеани шарҳлаб, мамлакатга ҳукмронлик қилувчи шарофатли бир зот дунёга келишини башорат қилган эканлар.

Ибн Арабшоҳ асарига кўра, Темур туғилган кечаси ҳавода темир қалпоқчага ўхшаш қандайдир бир нарса пайдо бўлгану, у кенг бўшлиққа тарқалиб, ер юзига ёйилиб кетган эмиш. Атрофга чўғ ва учқунга ўхшаш нарсалар сачраб чўлу саҳроларни тўлдириб юборган эмиш.

Кеш беги бўлган Муҳаммад Тарағай ғоятда фозил, инсонпарвар киши бўлиб ўз даврининг эътиборли кишилари, дин пешволари, уламолари, дарвешлар, илм-фан аҳлларига ўта хайрихоҳлик қилар, уларга доим иззат-икром, ҳурмат кўрсатарди. Шу боисдан Кеш Қашқадарё воҳасининг маркази бўлиш билан бирга исломнинг машҳур уламою фузалолари, пешволари йиғиладиган муқаддас масканга ҳам айланган эди. Шу боис унга "Қуббат ал-илм ала-адаб" ("илму адаб қуббаси") дейилган ном берилган эди. Ўша даврнинг улуғ авлиёларидан бири саналган шайх Шамсуддин Кулолни Соҳибқирон ва унинг отаси Муҳаммад Тарағай пир тутганлиги ҳам бежиз эмас.

Муҳаммад Тарағай фарзанди Амир Темурни шайх Кулол суҳбатлари, илм-маърифати, панд-насихатларидан доим баҳраманд қилиб турди. Аслида Амир Темурдек буюк инсоннинг дунёга келишини ҳам, жаҳонга ҳукмдор бўлишини ҳам илк бор авлиё шайх Кулол башорат қилган эди. Соҳибқироннинг исмини ҳам худди ўша улуг зот кўйганди.

"Мен ёшлик кезларимда, – деб эслайди Соҳибқирон, – отам амир Тарағайдан у кўрган бир ажиб туш ҳақидаги ҳикоятини эшитган эдим:

У айтган эди:

– Бир куни менга уйқумда бир рўё кўриниб, унда менинг ёнимга бир ёш, чиройли, юзидан арабга ўхшаш йигит келиб менга қилич берди. Мен қилични қўлимга олиб, уни ҳавода ўйната бошладим. Пўлат қиличнинг ялтирашидан жумла олам ёришди.

Мен амир Кулолдан бу тушимнинг таъбирини айтишини илтимос қилдим. Амир Кулол "бу тушинг пайғамбарона туш, Оллоҳ сенга бир ўғил беради. У бутун дунёни забт этиб, ҳаммани таслим қилади, дунёни ҳар хил янгиликлар зулматидан ва адашишлардан халос қилади" – деди. Туш ҳақиқатан тўғри келди; ўғлим 733 йили Оллоҳ сени ато қилди. Ақиқа вақтида сени шайх Шамсуддиннинг олдига олиб кирганимда у Қуръондан ушбу оятни ўқиётган эди: "амантум ман фи-с-сама ан йухифа бикума-л арда фа иза хий тамуру". Қуръоннинг бу оятида "Тамуру" сўзи бўлганлиги учун биз сенга Темур исмини бердик".

Шайх Кулол билан Амир Темур ўртасида Муҳаммад Тарағай ташаббуси билан бошланган учрашувлар унинг ҳаётлиги даврида мунтазам бўлиб турди. Шайх Кулол Тегина бегимга ҳам Темурнинг келажаги тўғрисида башорат қилган эди. Соҳибқироннинг ўзига доим йўл-йўриқлар кўрсатиб, уни ислом динига қатъий амал қилиш руҳини сингдирди. Темур буларни ўрганиб, ниймон йўлида собитқадам бўлди. Даво қуруқ бўлмаслиги учун яна "Таржимаи ҳол"га мурожаат қиламиз. Унда қуйидагиларни ўқиш мумкин:

"... Унинг (Кулолнинг – Н. А.) олдига келиб амирнинг уйидаги обрўли одамлар орасида ўтирдим. Амир Кулол дарҳол менга нигоҳ ташлаб ёнида ўтирганларга, гарчанд мен кўринишдан бечораҳол ва нодонга ўхшасам ҳам аслида жуда бадавлат эканлигимни айтди. Амир бошини эгиб бир муддат жим қолди. Сўнг бошини кўтарди-да, олдидаги нон ва ҳолвалардан еттита нон билан бир қисм ҳолвани менга бериб деди:

– Мана шу еттита нонни егин, шунда сен ернинг етти иқлимига, бутун дунёга ҳоким бўласан.

Мен бу сўзлардан ҳайратландим, ўтирганлар ҳам ҳайрон бўлишди.

Амир Кулолдан олган еттита нонни отам амир Тарағайга юбордим, лекин у нонларни олмасдан ўзимга қайтариб юборди ва амир Кулол авлиё, унинг айтганлари албатта амалга ошади, деди...

Бир кун отам Тарағай амир Кулолнинг олдига борган эди, у отамга дебди:

– Оллоҳ сенга Темурдек ўғил бергани билан сени муборакбод этамиз.

Кейин у отамга бир ҳовуч буғдой билан майиз берибди. Отам уларни санаса ҳаммаси уч юз етмиш дона экан. Амир отамга дебди:

– Ана шу сон сенинг амалдорларингнинг сонини билдиради.

Авлиё амир Кулол отамга берган донларни ҳам беркитиб қўйди; менинг бойлигим орта борди. Шу воқеаларнинг ҳаммасини онамга айтдим. Онам Оллоҳга шукур этиб, ўзи амир Кулолнинг олдига борди. У онамга айтибди:

– Эй хотун Сенинг ўғлунг дунёга ҳоким бўладур, уч юз етмиш авлоди қудратли бўладур, шундан етмиши подшоҳлик қиладур. Агар у Расулulloҳ шариати бирла иш тутса ва унинг руҳини озурда қилмаса, подшоҳлар кўпроқ бўлиши ҳам мумкин.

Онам қайтиб келганидан сўнг авлиё амир Кулолдан эшитган барча нарсаларини менга айтиб берди, мен ҳам умр бўйи шариатнинг барча шартларини қатъий бажаришга қарор қилдим...

Бир куни мен амир Кулолга садақа қиламан деб йигирма қўйни олиб йўлга чиқдим. Лекин йўлда қаттиқ жала қуйиб қолди, мен ҳамма қўйларни йўлда ташлашга мажбур бўлдим ва йўлнинг давомига бир ўзим кетдим. Мен амир Кулолнинг ҳузурига икки кундан кейин етдим; лекин, во ажабо, қўйларимни авлиё амир Кулолнинг уйида кўрдим. Бу мўъжиза учун Оллоҳга шукур этдим. Амир Кулол менга қараб:

– Бу турк Оллоҳнинг бутун ерларига ҳоким бўлади, деди.

Бу сўзларидан сўнг шайх Кулол намоз ўқиди, кейин яна мени буюк ҳоким бўлишимга ишонтира бошлади ва бутун кучини дунёда исломни тарқатишга сарфлашимни сўради..."

Соҳибқироннинг "Таржимаи ҳол"ида яна бир ибратли маълумот келтирилади. Бу Амир Темур билан Туғлуқ Темур

ўртасидаги муносабатнинг бузилишига бевосита боғлиқ. Маълумки, 1360 йили Туғлуқ Темур Мовароуннахрга бостириб киргандан сўнг, Темур ҳузурига бориб ишончига кириб олди ва шу тариха Кеш ҳокимлигини қўлга киритди. унга Мовароуннахрга ҳоким бўлиш хусусида ёрлик ҳам берилди. Бир йил ўтгандан сўнг у қайтиб келиб, ёрликқа зид равишда мамлакатдаги олий ҳокимликни ўғли Илёсхожага топширди. Амир Темурни эса лашкарбоши этиб тайинлади. Бу Соҳибқиронда норозиликни вужудга келтирди. У Туғлуқ Темурнинг бу ишидан ғоят ғазабланди. Ифвогар душманлар бундан фойдаланиб, икки ўртада қарама-қаршилик вужудга келтириб Соҳибқиронни батамои йўқотиш пайига тушдилар ва Туғлуқ Темурнинг уни қатл қилиш тўғрисида фармон қабул қилишига эришдилар. Бу фармон уч сирада ҳам Соҳибқироннинг қўлига тушади. Натижада у Самарқандни тарк этишга мажбур бўлади. Шундан сўнг бу оғир вазиятдан қутилиш ниятида шайх Кулолга мурожаат қилади.

"Шу вақтнинг ўзида, – дейилади "Таржимаи ҳол"да, – ҳоқон Туғлуқ Темур мени қатл қилиш буйруғи билан яна бир ёрлик юборди. Шу сабабли авлиё амир Кулол менга тезда Хоразмга кетишни маслаҳат берди. "Ҳар доим душманнинг сен эплай олмайдиган даражадаги ортик кучларидан чап бериш ва беркинниш керак", – деди амир Кулол".

Хуллас, Муҳаммад Тарағай ҳам, Соҳибқирон ҳам шайх Кулолга ҳар доим ихлос билан қарар ва зўр эътиқод билдиришарди. Бундан шундан ҳам билиш мумкинки, Муҳаммад Тарағай вафотидан олдин (1360) ўғли Темурга "агар мен бу фоний дунёдан дунёи бақога рихлат қилсам, пиримнинг оёғи остига кўминглар. Негаки одамлар мени босиб ўтиб пиримнинг олдиларига борсинлар" деб васият қилган экан.

Бу васият Соҳибқирон томонидан бажарилди. Манбалар ва В. В. Бартольднинг "Улуғбек ва унинг даври" номли асарида кўрсатилишича, 1373-1374 йиллари Кешда алоҳида масжид қурдириб, отасининг қабрини кўчиртириб келиб, худди падари бузруквори васиятидек қилиб шайх Кулол қабри ёнига кўмдиради. Шунинг билан бу мақбара Темур учун бир умр зиёратгоҳ бўлиб қолади. Соҳибқирон ҳарбий юришларидан қайтиши биланок отаси ва пир қабрини зиёрат қилар, дуо ўқирди. Мақбара ҳозир "Шамсуддин Кулол" мақбараси деб аталиб, Шаҳрисабздаги муҳим зиёратгоҳлардан бири ҳисобланади.

Мана шуларнинг ўзи ҳам Муҳаммад Тарағайнинг ўз фарзандига ёшлигидан жиддий эътибор берганлигидан, унинг ҳаёт мактаби

сабоқларини мукаммал эгаллаб олиш йўлида доим ҳаракат қилиб келганлигидан ва шу билан бир қаторда ноёб ақл-заковат, истеъдод, қобилиятга эга бўлган ёш Темурнинг ўзи ҳам тез улғайиб борганлигидан далолат беради.

Темур ёшлигиданоқ ҳарбий ўйинларни яхши кўрарди. Шу боис у тенгқурлари билан уруш-уруш ўйнашда тиним билмас, ҳеч қачон зерикмасди. "Унинг ўйинлари, – дейилади француз шарқшуноси Л. Лянглэнинг "Темур ҳаёти" номли асарида, – гўё жанг майдонларидагидек ўтарди. Унинг танаси кун сайин мустаҳкамланиб, онги ҳам ниҳоят даражада тараққий этиб борди, унда муҳим лойиҳалар вужудга кела бошладики, бу дўстларини ҳаяжонлантирар эди".

Ёшлигиданоқ у қиличбозлик, найзабозлик ва ов қилишда ҳам ҳеч кимдан қолишмасди. "Кўчада мен болалар билан ўйнардим. Болалар билан уруш-уруш ўйнаб, ўзимни амир этиб тайинлардимда, ўйинни бошқардим ва болаларнинг бир гуруҳини иккинчи гуруҳи билан уруштиришни машқ қилардим... Ўн беш ёшга тўлганимда от миниб овчилик қилишни жуда севиб қолдим ва бу ишда маҳоратим камолатига етди", – деб хотирлайди ўзининг "Таржимаи ҳоли"да.

Соҳибқироннинг ёшлик даври Али Яздийнинг "Зафарнома"сида айниқса оддий, содда ва жозибали қилиб тасвирланади. Унинг шеърый усулда берилиши айниқса киши эътиборини тортади. Унда бу хусусида қуйидагиларни ўқиш мумкин:

Ўйин бўлсада иши унинг фақат,
Лекин нияти эди тож ила тахт.
Буюрмоқликка эди у тетик рух,
Ёнида болалар бир неча гуруҳ.
Бир бола сипоҳига эди амир,
Бошқаси тайинланган эди вазир.
Чўп ва қамишдан бир одам ясарди,
Ўзи ҳар томонга қараб чопарди.
Фаразда у бажармади фармони,
Деб, бошда сўроққа тутарди уни.
Оз бўлсада гуноҳи бўлгач аён,
Бошин чопиб найзага илар шу он.
Кичиклар учун шул эрур, дер жазо,
Катталар сўзидан чиқмасин асло.
Жиддийга ўшарди ўйини унинг,
Ўйинда банд бахтиёрлиги унинг.

Ибн Арабшоҳ асари Амир Темур ва темурийлар даври тарихи учун муҳим манба ролини ўйнаши шубҳасиздир. Жумладан, Соҳибқироннинг ёшлиги, ота-онаси, тенгқурлари хусусида умумий бўлсада керакли маълумотлар мавжуд. Чунончи, "У, – дейилади Ибн Арабшоҳ асарида, – ёшлигидан ақлли, очиқ кўнгил, журъатли, қатъий, кучли ва қобилиятли бўлиб ўсиб, тенгқурлари – вазирларнинг ўғиллари билан суҳбат қурар ва амирларнинг ўғилларидан ўзига ўхшашлар билан вақтини ўтказарди".

Лекин шунинг билан бир қаторда Ибн Арабшоҳ асарида хушёр илмий мушоҳада юритишни, бошқа манбалар билан қайта-қайта солиштириб кўриб эҳтиётлик билан хулоса чиқаришни талаб қиладиган жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Бунинг сабаби шуки Темур Ибн Арабшоҳни 12 ёшида Дамашқдан Самарқандга тутқун сифатида олиб келган эди. Шунинг учун ҳам унда баъзи бир маълумотларни баён этишда ғаразғўйлик оҳанглари йўқ эмас.

Ибн Арабшоҳнинг чалкаш мушоҳадалари Соҳибқирон душманлари учун жуда қўл келганди. Улар Ибн Арабшоҳ мушоҳадаларидан Амир Темурни қоралаш мақсадларида бекаму кўст фойдаландилар. Бундан ҳатто В. В. Бартольд сингари машҳур шарқшунослар ҳам қуруқ қолмадилар. Чунончи, у "Чингизхон умрининг охиригача мўғул тилидан бошқасини билмади. Темур эса ҳам она тили – турк тилидан ташқари форс тилини яхши билар эди", – деб ёзган эди. Фарзандида Оллоҳ инъом этган ақл-заковат, истъод, қобилият, куч-қувват каби сифатлар борлигини кўрган Муҳаммад Тарағай уни саводли, билимдон қилиб тарбиялашга эътибор бермай кўйиши сира мумкин эмас эди. Бунинг учун маълум бўлганидек, оиласида ҳам, Кешда ҳам ҳамма шарт-шароитлар мавжуд эди.

Кешнинг ўша даврдаги мавқеи борасида Амир Темур ва темурийлар даври учун муҳим илмий аҳамиятга эга бўлган Али Яздийнинг "Зафарнома"сида шундай дейилади:

"... Баъзи бир тарихий китобларда айтилишича, Кеш шаҳри қадим айёмларда исломнинг буюк уламолари йиғиладиган жой бўлган. Таниқли муҳаддислардан уч мўътабар имом: Абу Муҳаммад Абдаъ ибн Ҳамид ибн Наср ал-Кеши, Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Дорамий ас-Самарқандий ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, – Оллоҳ улардан рози бўлсин, шу диёрга келиб Ватан қилган эдилар. Ўша даврларда илм аҳли уларнинг билим ва фазилат нурларидан баҳраманд бўлмоқ учун мана шу муборак шаҳарга чор атрофдан, турли ўлкалардан йўл олардилар. Жумладан, Абул Ҳусайн Муслим

ибн Хажжож ал-Кушарий ан-Нишобурий бу ерга ташриф буюриб, Абдаъ ибн Ҳамид ал-Кешийдан (билим) истиъфода қилган эди. Имомлар ва фозил кишилардан кўплари шу ерда жам бўлган эдилар. Уларнинг барчасига ҳам дарс ва ифода ўтишлари учун жой ажратилганди. Шунинг учун ҳам Кеш шаҳрига "Қубат-ул-илм ва-л-адаб" (Илму адаб қуббаси) деб лақаб берилган".

Бунда Муҳаммад Тарағайнинг ҳам саъй-ҳаракати, улуши катта бўлганлиги шубҳасиз. Бундан ташқари шахсан унинг оиласи Кеш беги сифатида ҳам нуфузли, бой-бадавлат, мол-мулкка, ҳатто ҳарбий салоҳиятга эга бўлган обрўли оилалардан бири эди. Бу эса Соҳибқиронга тарбия бериш, уни саводли, ўқимишли, билимдон, замонасининг етуқ кишиси қилиб тарбиялаш учун катта имкониятлар мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Буларни исботлаш учун "Таржимаи ҳол"га мурожаат қилайлик. Унда жумладан шундай дейилади:

"Ўн олти ёшга тўлдим. Отам Тарағай мени масжидга олиб келди ва ота-боболаримдан қолган одат бўйича аскарларга бошчилик қилиш ҳуқуқи шу кундан менга ўтишини эълон қилди". Масжидда намоз тугагандан сўнг Муҳаммад Тарағай шундай деганлиги бошқа манбаларда ҳам қайд қилинади:

"Мен ким амирзода амир Тарағай...шунини маълум қиламанким, ўғлим Темур кўлига қилч тутадиган, қўй-қўзи ва ерга эгалик қилса арзирлик ёшга чиқди. Аҳли мўмин хабардор бўлсинким, мен ким амир Тарағай, амирзода...ўз мулки-амлокимнинг барини ўғлимга мерос қолдираман. – Азроил танамдан жонимни оладиган кунга қадар ўғлим менинг иссиқ-совуғимдан хабардор туради. Ушбу жойда ҳозир бўлганларга шунини таъкидлаб қўймоғим жоизки, ўғлим Темур ҳақиқатан ажойиб инсон бўлиб етишди...". "Таржимаи ҳол"да бу хусусда шундай сўзларни ўқиш мумкин:

"...Отам амир Тарағайнинг, ҳамда унинг хусусидаги одамларнинг барчасида экинлар мўл ҳосил берди, қорамоллар ҳам кўп туғди. Мен ўз хўжалигимни тартибга солишга киришдим. Ҳар ўн хизматкор орасидан каттасини ажратдим, ҳар йигирма беш йилқини бир тўдага ва ҳар ўн тўдани битта хизматкорга топширдим. Ҳар ўнта туя билан минг қўйга қараб туриш учун ҳам хизматкор ажратдим. Бутун мулкимни бошқариб боришни эса алоҳида ишончга сазовор хизматкорга топширдим". Ривоятлардан бири амир Тарағайнинг ҳарбий кучлари хусусидадир. Унда амир Тарағай ўғилларим улус амири бўлишган, шунинг учун ҳам Қозоғонга қарши жанг қиламан, деб айтади. Амир

қўшини отлик, амир Тарағай қўшини эса пиёда эди. Амир Қозоғон қора от минган, кийими қизил, байроғи оқ эди. Амир Тарағай эса оқ отда, кийими яшил, байроғи ҳам яшил эди. Яна бир ривоятда ҳикоя қилинишича, Бухоро ҳокими Баёнқулихон Шахрисабз беги амир Тарағайга хат билан чопар юбориб, барлослар ва каррайлардан лашкар тўплаб исёнчиларни бостириш учун Қашқарга йўл олсин деб амр қилди. Амир Тарағай бу хабарни эшитиб, қилич-камарни боғлаб, хон амрини бажаришга отланди, – дейилади.

Кешда минг ҳужрали мадраса ҳам бор эди. Мадрасаларда таълим-тарбия ишлари ҳамма вақт яхши, уларда керакли имкониятлар муҳайё қилиб қўйилган эди. Талабалар вақф жамғармасидан таъминланардилар. Шунинг ўзиёқ Амир Темурни ўқимишли қилиб тарбиялаш учун ҳамма шарт-шароитнинг мавжудлигидан далолат беради. "Таржимаи ҳол"даги маълумотларга асосланиб, Соҳибқироннинг саводини чиқаришга туркийлар удуми асосида беш ёшга тўлганидан бошлаб киришилган деган хулоса чиқариш мумкин. Шундан сўнг у мадрасаларнинг бошланғич тизимида таҳсил олади. унга муборак ҳаж сафарини адо этган, кўпчиликнинг ҳурматини қозонган мошгуруч соқолли етук мулла – мударрислик қилади. В. Череванскийнинг айтишича, "Амир Тарағай халқ таомилига кўра ҳатто "эти сизники, суяги бизники", дейишни ҳам унутмайди. Бироқ бола илк кунларданок сабоққа бўлган ихлосининг баландлиги билан тенгқурлари орасида шу қадар ажралиб кўринадики, унинг боши узра устознинг узун хипчинини сермашга ҳожат қолмайди".

Бу фикрнинг асослигини "Таржимаи ҳол" ҳам тасдиқлайди. Бу ҳақда шундай матнларни ўқиш мумкин:

"... Етти ёшга тўлганимда мени мадрасага топширишди ва қўлимга сўзлар жадвалини тутқазишди; мен ўқий бошладим ва эришган муваффақиятимдан ғоят севинчга тўлдим.

Мен тўққиз ёшга тўлганимда беш вақт намозни ўргандим ва мактабдаги барча ўқувчиларга бошлиқ бўлиб олдим".

Булардан шу нарса маълум бўладики, Темурнинг саводини чиқаришга мадрасага боришдан анча олдин киришганлар. Бунинг ҳаққонийлигини туркий қабилаларнинг қадим-қадимий удумлари ҳам тасдиқлайди. Эрамизнинг 605–617 йилларида Самарқандда бўлган Хитой элчиси Вей-Цзенинг шохидлик беришича, туркийларда ўғил болаларга беш ёшга тўлганидан бошлаб савод ва ҳисоб ишлари ўргатиш одат эди. 20 ёшга етганлари савдога ўрганиш учун чет мамлакатларга юбориларди. Мадрасага келган

талаба сўзлар жадвалининг фарқига бориши, уни ўқий бошлаши, сабоқдошларига бошлиқ бўла олишининг ўзи ҳам Темурга ана шу удум асосида иш тугилганлиги кўриниб турибди.

Шохрух Мирзо ва Ҳусайн Бойқаро даврида яшаб ўтган муаррих Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро" асарида шундай дейилади: "Дейдиларки, Соҳибқирон етти ёшлигида отаси билан бир қариндошиникига борди. Ул киши бадавлат, нуфузли киши эди ва фаровонлик билан кун кечирарди. (Унинг) етмишта турк ва ҳинд қули бор эдики, унинг молларини шундан билса бўларди. Ўша киши Соҳибқироннинг отасига шикоят қилди: "Худо менга молу давлат берди, лекин уни сақлашга (тамоман) ожизман. Қулларимиз сабру тоқатли эмаслар, фарзандларим (эса) салоҳиятсиз. Шу сабабдан молу дунёмга нуқсон етмаса деб қўрқаман". Соҳибқирон гапга аралашди ва деди: "Эй ота фарзандларингга молларингдан бўлиб бер ва ундан сўнг уларни ўз молу мулкига доҳил қилгинким, (улар) ўз-ўзи билан овора бўлсин. (Сўнг) турк қулларни ҳинд қулларнинг тепасига қўйгинки, ҳиндларни ўз амри фармонига бўйсундирсинлар. (Кейин) ҳар уч қулни улардан ақллироқ бир қулнинг ихтиёрига топшир. (Сўнг) уларнинг ҳар бирини еттитадан қулнинг амири қил. (Кейин) етмиш қулга бош бўлган (ана шу) еттита қулни бир-бирининг таъзим ва ташрифига буюр. Уларни кўздан қочирма, (чунки) бир-бирлари билан кўп суҳбатлашадилар". Ўша киши дарҳол амир Тарағайга деди: "... сенинг бу фарзандинг жаҳонга подшоҳ бўлади, чунки буни (унинг) шу гапларидан фаҳмлаб турибман..."

(Сўнг) сиёҳдон, қалам ҳозирлади ва ўша мажлисда Соҳибқирондан хат (ёздириб) олдики, (бунда) унинг давлат қуши иқбол майдонини ўз қаноти остига олгач, бирор киши ўша киши, унинг фарзандлари, зурриёти ва яқинларидан хирож олмасин; уларнинг гуноҳларидан ўтсинлар, унинг қавми тархон қилинсин". "Ул қавм то шу замонгача Туркистон диёрида тархондирлар".

Мадрасанинг дастлабки босқичида талабалар ҳожи домла раҳбарлигида Қуръони каримни кунт билан ўрганиб, тўлик ўзлаштириб олдилар. Амир Темур ўта тиришқоклиги, қобилиятининг кучли эканлиги, дарсларни кунт билан бекаму кўст ўзлаштириб бориши ва ниҳоят тартиб интизомининг кучлилиги билан кескин ажралиб турарди. Темур ёш бўлганлигига қарамай, мулоҳазаларининг чуқурлиги, мазмундорлиги билан кўпинча тенгқурларини лол қолдирар эди.

Хуллас, Амир Темури мадрасанинг бошланғич тахсиллида Қуръони қаримни пухта ўзлаштирди. Ҳатто ҳожи домла унинг Қуръонни қироат қилишидан ҳайратланарди. Темури хатми Қурон қилганида Муҳаммад Тарағай мадраса атрофидаги мусулмонларга зиёфат беради. Унда Темури Қуръон сураларини қонун қондаларига рию қилиб, қироат билан тиловат қилиб одамларнинг олқишига сазов бўлади. Бу маросимда қатнашганлар Соҳибқироннинг истеъдодига таҳсинлар ўқийдилар ва унга тўн, белбоғ, салла ва ҳатто бир қуролсоз феруза дастали шамшир туҳфа қилади.

Амир Темури мадрасанинг бошланғич даврини муваффақиятли тамомлаганидан сўнг ҳам таълимни давом эттирди. Энди олий тизимда таҳсил ола бошлади. Бу ҳақда В. Череванский қуйидагиларни ҳикоя қилади:

"Темури шу ерда қурраи замин айланаси етти иқлим ва етти осмондан иборат эканлигидан хабар топади. Биринчиси – зумрад, иккинчиси – қумуш, учинчиси – марварид, кейингилари – ёқут, олтин... ва ниҳоят нур таратиб турган бир текис заъфаронлик. Мадрасада Темури Ислом таълимотининг тўрт манбаи ҳақида тушунча олади...

Олий маъҳадда уламои фозиллар боланинг истеъдодига тан берадилар. Темури бу ерда унча-мунча талабалар узок ўйга чўмиб муҳокама қиладиган масалаларни зумда ечимини топар эди...

Диний таълимотлар Темурнинг қалбини нечоғли ром этмасин, шунга қарамай, у ўз қобилияти ва фурсатини Қуръонга биноан ҳарбий ҳуқуқларни ҳамда фикҳ тафсирилари асосида урушни бошқариш қондаларини ўрганишга қаратади..."

Чунончи, ёшлигида "уруш-уруш" ўйнаган, бирғаликда ҳарбий машқлар ўтказган тенгдошлари қирқтача бўлиб, уларнинг аксарияти вазирлар, амирларнинг фарзандлари эканлиги қайд қилинади, баъзиларининг исм-шарифи келтирилади. Улар қаторида амир хожа Сайфиддин, Умар Аббос, Жоқу Барлос, Идуки Темури, амир Сулаймон, амир Довуд Барлос, амир Муайяд Арлот ва бошқалар номи санаб ўтилади. Салбий жиҳатдан бўлсада, Ибн Арабшоҳ асарида ҳам бу ҳақда маълумотлар берилади.

Тарихдан маълумки, Соҳибқироннинг бу тенгқурлари ўз навбатида ваъдалари асосида Амир Темурга ҳокимиятни қўлга олиш, уни мустаҳкамлаш, қудратли марказлашган давлат бунёд этиш ва унинг шон-шухратини жаҳон миқёсига кўтаришга ҳиссаларини қўшиб, Соҳибқирон салтанатида садоқат билан юқори лавозимларда фаолият кўрсатиб, иззат-ҳурмат топдилар.

Амир Темури ҳақида турли адабиётларда билдирилган мулоҳазалар, маълумотлар, фактларни "Темури тузуқлари" ва

ўша давр учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа манбаларга, тарихий воқеаларга солиштириш, бир-бирига қиёслаш орқали ҳолисона баҳолаш мумкин. Амир Темури саводи борасидаги фикрларга ҳам ана шундай мезонда ёндашмоқ зарур.

Амир Темури фаолиятининг бошқа соҳаларида ҳам бунга етарлича далиллар бор. Чунончи, Амир Темури бирор мамлакатга юриш қилиш арафасида тирик гувоҳлардан ташқари ўша мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид ҳолатларни, ёзма манбаларни шахсан ўрганиб, турли маълумот ва ҳужжатларни аниқ билиб тегишли ҳулосалар чиқарганлиги кўп жойда айтилади. Чингизийларнинг "Ясоқ" ва "Мангу ёрлиғи" сингари давлат аҳамиятга эга бўлган қомусий ҳужжатлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари Амир Темури чет давлатлар элчиларини кўплаб қабул қилиб, улар билан суҳбатлашиб, айримларига шахсий хатлар бериб, ҳукмдорларига етказувини сўрагани ҳам ана шундай манбалардан ҳисобланади.

Темури жаҳон воқеаларини, подшоҳлар, уларнинг сулолалари тарихини, диний афсоналарни ҳам яхши билган.

"Темури, – дейилади Ибн Арабшоҳ асарида, – тарих (китоб)лари, худонинг раҳмати ва саломи бўлғур анбиёлар қиссаларини, подшоҳлар сийратлари ва ўтган салафлар ҳақидаги ҳикояларни доимо – сафарда ҳам, хатарда ҳам ўқитиб, қунт билан тинглар эди. Буларнинг ҳаммаси форс тилида эди. Ушбу ҳикоятларнинг қайта-қайта такрорланиб ўқилиши, улар нағмаларининг унинг қулоғига муттасил чалиниши натижасида Темури у (ҳикоят)лар жиловини қўлига олиб, батамом ўзлаштириб, гўё ўз мулки мисоли қилиб олган эди. Бу шу даражага бориб етгандики, агар ўқийдиган киши бирор хатога йўл қўйса, Темури унинг хатосини тузатиб, саволга солар эди". И. Мўминов Али Яздийнинг "Зафарнома"сига таяниб, "Темури бош девонида: "Манзумаи турк" асарининг тузилганлиги ҳақида маълумот беради. "... Ушбу асар ёзилаётганда, – дейилади И. Мўминовнинг рисоласида, – унинг парчаларини Темури неча марта лаб ўқиб чиққан; баъзи жойларини тузатган, таҳрир этган, қўшимча далиллар зарур бўлиб қолганда ўша воқеа содир бўлган ерларга одамлар юбориб аниқлаттирган; воқеаларнинг доимо тўғри, хронологик тартибда ҳамда тарихий ҳақиқатга мос равишда ёритилишини талаб қилган".

Ҳерман Вамбери Соҳибқироннинг ўзи тиниқ ва очиқ турк шеvasида ёзганлигини айтиб, "Темури тузуқлари"ни мисол келтиради. Дарҳақиқат, "Темури тузуқлари" Соҳибқироннинг

билим ва саводнинг ўта юқори бўлганлигидан гувоҳдир. Буларни шундан ҳам билиш мумкинки, қомусий битикларнинг ўзида ҳам бу хусусда маълумотлар мавжуддир. Жумладан, "Темур тузуклари", "Амир Темур ўғитлари"да Соҳибқироннинг амир Хусайнга туркийча битта байт битганлиги хусусида маълумот берилади. У амир Хусайнга шундай бир байтни ёзиб юборганлиги Соҳибқирон битикларида қайд этилган:

Ёрга еткур сабо, ким макр қилмишидир манга,
Қилди эрса кимга макрин, қайтадур бир кун анга.

Буюк Алишер Навоийнинг "Мажолисун-нафоис" (нафис мажлислар) номли асаридан олинган мана бу лавҳа ҳам шу фикрнинг исботидир: "Темур Кўрагон...агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқугони минг яхши байт айтқонча бор. Табаррук ҳасиятидинким, ул ҳазратнинг муборақ исми бу мухтасарда бўлғай, ва ул латоифдин бири била ихтисор қилилур".

Темур ҳақида асрлар оша оғиздан-оғизга кўчиб келаётган ҳикоят ривоятлар ҳам оз эмас, уларда Соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолияти, салтанати ва салоҳияти, ёшлигиданоқ хушёр, ўта билимдон зукко бир инсон эканлиги ҳақида ниҳоят қизик, ҳатто афсонага ўхшаб кетадиган ҳақиқатлар ҳикоя қилинади. Фикр исботи учун журналист Аҳмад Нарзикул ўғлининг шундай ривоятлар асосида ёзилган "Сухбатул ҳақойик" номли ҳикоясидан парча келтирамиз:

"...Айтишларича, Амир Темур ёшлигидан ниҳоят зийрак, чаққон, тиниб-тинчимас ва довюрак бола бўлган экан. Қўрқиш ёки бирор даҳшат олдида тап тортиш унга бегона экан. Бир куни у тоғдаги дарахт соясида ухлаб қолиб, вишиллаган даҳшатли овоздан чўчиб уйғонибди. Қараса каттакон заҳарли илон ёнгинасида ҳамлага тайёр турганмиш. Қимирлаш ёки қиличга қўл чўзишнинг иложи йўқ. Саккиз яшар бола ўйланиб-нетмай илоннинг бўйнидан даст тутибдию, бошини тишлари билан шартта узиб ташлабди...".

Отаси Муҳаммад Тарағайнинг топшириғи билан минг кўйни дўсти Али Ўткин (ҳикоядаги бадий тимсол) образ (Н. А.) билан Бухоро бозорига ҳайдаб минг тиллага сотибди. Қайтаётганларида гаройиб бир ҳодисага дуч келибдилар: "Қарасалар йўл четидаги тепаликда нуруний бобо турибди. Қўлида ўроғлик бир парча қоғоз.

– Ким олади, ким олади!, – деб қичқирармиш у ҳалиги қоғозни кўрсатиб. Йўловчилар нарҳини сўраб, кўплари индашмай ўтиб кетаверишибди. Темурбек ҳам қизиқибди.

– Қоғознинг баҳоси қанча? – сўрабди у.

– Минг танга!

– Нима дейсан, Али оламизми?

– Майли оламиз! – дангал жавоб берибди Али. Темурбек минг кўйнинг пулини ҳамёни билан чолга узатибди.

– Мана, минг танга!

– Балли, ўғлим! – қоғозни узатаётиб дебди бобо, – шарти шуки, орқанга ўгирилмай ўн қадам юргач, қоғоз қатини оч!

Икки дўст ўн қадам юргач, қарасалар тепа узра ўзларидан бўлак ҳеч кимса йўқ. Бобо аллақачон ғойиб бўлибди. Қоғозда эса атиги "Подшоҳ бўласан" дейилган икки сўз бор экан, холос.

– Тўхта! – Шу заҳоти Али Ўткин Темурбекнинг гирибонидан тутибди. Хўш, қани айт, подшоҳ бўлганингда мени не амалга тайин қилурсен.

– Сеними, бош вазир тайин қилурмен.

– Оғзаки гапни кўй, Темур! Ҳозир тилхат ёзиб бергайсан.

Пайти келганда ваъдангдан тонурсан, йўқсам, тез бўл!

Темурбек, ўша қоғозни иккига бўлиб тилхат ёзибди. "Подшоҳлик тахтига ўтирсам, Али Ўткин бош вазир бўлғай...".

Бундай мисолларни аксарият манбаларда, ривоят ҳикоятларда турли формаларда учратиш мумкин. Улар Темурнинг ёшликдан ўқимишли, билимли, одобли қилиб тарбияланганлигидан, жаҳоний маърифат эгаси бўлганлигидан далолат беради. Бунга тарихнинг ўзи гувоҳ. Соҳибқироннинг бутун ер юзи эътироф этган жаҳоний салтанати – унинг ёшлигидан олган жаҳоний билими натижаси эканлигининг гувоҳи тарихнинг ўзи.

АМИР ТЕМУР ЯККА ҲУКМРОНЛИГИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ

Иймон – ул инсонни барча жонлилардан фарқлантириб тургувчи хусусиятдир. Иймонли одам хиёнат қилмайди, қариндош-уруғлари, элу халқнинг ор-номусини ҳимоя қилади, ҳалоллик ва покликни фазилат билади.

АМИР ТЕМУР

Амир Темурда ҳокимият, ҳукмронлик, тахтни эгаллаш истаги жуда эрта пайдо бўлди. Буни илк бор илғаган шайх Кулол ва Мовароуннаҳр ҳукмдори Қозоғонлар эди. Уларнинг Муҳаммад Тарағай, Тегина бегим Моҳ билан, ҳатто Соҳибқироннинг ўзи билан бўлган учрашувларда шу хусусда фикрлар бўлиб турарди. Соҳибқироннинг ота-онаси бу борада ошқора гапиришмасаларда, Ибн Арабшоҳ асариди таъкидланишича, бувиси сўз очиб турарди. Шу боисдан бўлса керак Соҳибқирон "уруш-уруш" ўйнаган, бирга ҳарбий машқлар ўтказган тенгқурларига "мен ҳокимият талабгориман ва дунё подшоҳларини ҳалокат булоқларига келтирувчиман" – дея экан.

Қисқаси, Муҳаммад Тарағай пирлари ва амир Қозоғоннинг башорати боис Соҳибқиронни ҳар томонлама саводли, билимдон қилиб вояга етказишга астойдил ҳаракат қиларди. Шунингдек уни олиму фозиллар, ахлоқли, тарбияли, кўпни кўрган кишилар, авлиёлар суҳбатларига қатнаштириб ҳаёт мактаби сабоқларини ҳам сингдирарди. Кўҳна тарих, ўтмиш, умуман ҳаёт мактабининг барча учун, айниқса ҳукмдорлар учун катта аҳамиятга молик эканлигини чуқур ҳис қиларди. Донишмандлар "халқни билмоқ учун ҳокон бўлмоқ, ҳоконни яхши ағламоқ учун халққа мансуб бўлмоқ зарур" деб бежиз айтмаганлар. Ҳатто Тегина бегим ҳам аёл киши бўлишига қарамай, шайх Кулол сингари авлиёлар билан учрашиб, маслаҳатлар олиб турганлигининг ўзи бунга яққол мисолдир. Амир Темур ота-она ва пирлари мададида оддий халқ ҳаёти сирларини синчковлик билан ўрганиб борди. Теран фикр мулоҳазалар юритиш борасида тенгқурларидан ўзиб кетади ва алоҳида қобилият эгаси эканлиги билан ажралиб туради.

Бунинг устига ёшлигиданоқ феодал давлатлар, амирлар, беклар ўрталарида тез-тез бўлиб турадиган урушларнинг гувоҳи бўлиб айримларида ҳатто иштирок этиб анчагина тажриба ҳам орттиради. Академик В. В. Бартольднинг эътирофи этишича,

1360–1370 йилларда Амир Темур ҳарбий машқларда мунтазам қатнашади. Бундай пайтларда ўзи мансуб бўлган барлос қабиласидан кўпроқ ҳамроҳлар тўплайди. Амир Тарағай буларни кўриб, ўглининг қилч яланғочлашига шайланаётгани, умуман унда баҳодирона жанговарлик кучаяётганлигини сезар ва хурсанд бўлардиқо ўғлига тобора масъулиятли вазифаларни топириб боради.

М. Иваниннинг "Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур" номли асариди кўрсатилганидек, Темур 12 ёшидан отаси билан жангларда қатнаша бошлайди. Турли жанговар машқлар билан шуғулланиши натижасида катта тажриба орттиради ва баҳодир жангчи бўлиб етишади. У йигирма ёшга тўлганида, Ҳ. Вамберининг айтишича, балоғатга етганлигининг аломати ўлароқ, ота-онаси унга махсус жой – КЕНТ ажратган эди. Буни шарқшунос Ашраф Аҳмедов ҳам ўзининг "Амир Темур ҳақида ҳақиқат" номли асариди тасдиқлайди. Уларнинг эътирофи этишларича, Муҳаммад Тарағай 758 (1356) йили ҳарбий муҳораба дарслари билан таништириш мақсадида ўғлини амир Қозоғон ҳузурига олиб бориб, унинг суҳбатидан баҳраманд қилади. Амир Қозоғон ҳам ўшанда Темурнинг туғма салоҳият ва ноёб ҳислатларини сезиб, порлоқ келажагини илғаган ва уни ўз ҳокимиятига яқинлаштириш, невараси амир Ҳусайн билан дўстлаштириш тадбирларини кўради. Амир Темур ўзининг қуролланган тенгқурлари билан амир Қозоғонга қарши кураш режаларини ҳам тузганлиги "Тузуқлар"да ҳам, "Таржимаи ҳол"да ҳам бор. Ўз навбатида амир Қозоғон Соҳибқиронни ўзига яқинлаштириш ва невараси билан дўстлаштиришни ўйлаган маҳалида шуларни ҳам эътиборга олганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Бундан ташқари амир Қозоғон невараси Ўлжой-Туркон оғони никоҳлаб бериб, Соҳибқиронни невари куёв қилиб олмоқчи, шу йўл билан қариндошлик ришталарни боғламоқчи ҳам бўлади. Унинг бу режаларидан невараси амир Ҳусайн ҳам хабардор эканлигини мана булардан билса бўлади. Темурни, – деб ёзади В. Череванский, – амирнинг элчиси ва суюкли набираси Ҳусайн қарши олади. Амир Темурни одатда улуснинг энг бообрў зотлари таклиф қилинадиган бош лочин овига марҳамат қилишини сўраган эди. Афтидан тенгдоши ва мадрасада сабоқдоши бўлган йигит билан сирдошлик истагида Ҳусайн гап орасида "Шикорга Ўлжой ҳам борур" деб кистириб ўтади. "Унга мен сиз ҳақингизда кўп гапириб берганман. Борди-ю шикорда йўлбарс отғудай бўлсангиз, унинг териси Ўлжой учун поёндоз бўлғай".

Қиз ниҳоят кўзга ёқимли назокати, тим қора сочлари ва ўтли нигоҳлари билангина эмас, балки ботинан бениҳоя бақувватлилиги билан ҳам ўта жозибали кўринар эди. Бобоси ўзини қуршаб олган кишиларнинг дўст ё душман эканлигини у қадар фарқламай яшагани боис қиз мудом ҳушёрликни қўлдан бермай муттасил душман билан жангга ҳозирлик кўраётгандек тутишга ўрганган эди. Шикор чоғидаги илк учрашувда ва кейинчалик сарой хиббонларидаги юзма-юз келган чоғларда Темур қизнинг руҳидаги шу қатъиятлар ва жонсарақлик аломатларини яққол кўрарди. Қизнинг йигитга қадалган нигоҳларида ҳам мутелик ёки тортинчоқлик эмас, балки мудом ва муттасил ғолиблик, сирли куч, журъат-жасорат аломатлари балқиб турарди.

Амир Темурнинг кутиб олиниши, саройда бўлиши, шикор воқеалари ва бошқалар икки ўртада қариндошлик ришталарини боғлашга интилиш Соҳибқиронни ҳокимиятга яқинлаштириш учун қилинаётган ҳаракатлар эканлиги сезилиб турибди. "Бу йигит, – деб ёзади рус шарқшуноси Д. Н. Логофет, – амирга шунчалик ёқдики, кўп ўтмай амир унга неварасини тўй қилиб берди. Уни мингбоши қилиб тайинлаб, ўзи билан Хуросон юришига олиб кетди. Бу юришда ёш саркарданинг ҳарбий қобилияти тўла очилиб маълум бўлди".

Ниҳоқ маросимида ҳамма расм-русмлар бажо келтирилади. Бир йил ўтгач Бахт бегим исмли қиз кўрадиладар. Хуллас Амир Темур билан Ўлжой ўртасидаги ниҳоқ Қозоғон кутган натижани берди. Қайнота-куёв бир-бирлари билан доим ҳамдард бўлдилар. Ўлжой Туркон ого Соҳибқироннинг барча иссиқ-совуқ, қайғули ва қувончли кунларида ҳам у билан бирга бўлди.

Шу тариқа Амир Темур Қозоғоннинг энг ишончли кишиларидан бири бўлиб қолди. Уни бир неча суиқасдлардан қутқариб қолди. Шу боис амир Қозоғон Темурга Шибирғонни инъом этди.

Қозоғон ҳукмронлиги даврида мамлакат нисбатан осойишта барқарор бўлсада, ўзаро келишмовчиликлар, баъзи низолар пинҳоний бўлсада мавжуд эди. Бундай ҳолатлар, хусусан ҳукмронлик учун зимдан интилишлар Қозоғон салтанатининг анча ночор эканлигини ҳам кўрсатарди. Кўп ўтмай, яъни 1358 йили Боёнқули билан Туғлуқ Темур ниҳоят Қозоғон ҳукмронлигига чек қўйдилар. Манбаларда кўрсатилишича, Қозоғонни дафн қилиш билан боғлиқ расм-русмлар Амир Темур бошчилигида амалга оширилган. Тахтни ўғли Абдулло эгаллайди. Кўп ўтмай унинг ҳам остига сув кетади. Шундан сўнг тахтга Ясур Темурхоннинг ўғли Темуршоҳ ўғлонни ўтказиб қўядилар.

Аслини олганда Қозоғоннинг васиятига кўра Мовароуннаҳр ҳукмронлиги Амир Темурга берилиши керак эди. Аммо ўзаро низо, келишмовчиликлар, тахт учун талашлар бунга йўл бермади. Кураш ва зиддиятлар анча давом этди.

Парокандалик авжига чиққан худди шу маҳалда Туғлуқ Темур Мовароуннаҳрга босқинчилик, талончилик юришини бошлайди. Бу даврда юрт вазияти, аҳволи, ҳукмронлик ва кучлар нисбати қандай эди? Булар ҳақида тўлиқ ва аниқ тасаввурга эга бўлмоқ учун Бўрибой Аҳмедовнинг асарига мурожаат қилишга тўғри келади. "У (Туғлуқ Темур), – деб ёзади Б. Аҳмедов, – 1360 йил февраль ойининг ўрталарида санокқа сигмайдиган лашкар билан Мовароуннаҳрга бостириб кирди. Сайрам мўғулга қаршилик кўрсатмай таслим бўлди, Туркистоннинг катта йўл устида жойлашган шаҳар ва қишлоқлари ҳам душманга бош эгишга мажбур бўлди. Бир ой ўтар-ўтмас Туғлуқ Темурхон кўшини билан Сирдарёнинг ўнг соҳилида пайдо бўлди. Мўғуллар бахтга қарши, дарёнинг сўл тарафидаги ерларда ҳам деярли қаршиликка дучор бўлишмади. Ўзини ҳокими мутлақ деб эълон қилиб, халқнинг нонини еб, отини миниб юрган улус беклари бир ёқадан бош чиқариб ва умумий душманга қарши кураш учун бирлашиб, эл-юртни муҳофаза қилмадилар, қилолмасдилар ҳам. Чунки бир-бирларининг устига узлуксиз босқин қилавериш, юз кўрмас бўлиб кетган эдилар. Ўша беклардан айримлари бўлса мўғул босқинини "худонинг етказган неъматини", деб ҳисобладилар ва мўғулларнинг қўли билан ўз рақибини маҳв қилмоқ ниятида бўлдилар. Яна шундай беклардан... Хўжанд вилоятининг ҳокими Боязид Жалоир мўғул лашкарларининг мангулоси (илғор қисми) узоқдан кўриниши билан ўз қавмини олиб душман тарафга ўтиб кетди ва рақибни Ҳожи барлосни бир ёқлик қилиш ниятида мўғулни Насаф (Қарши) билан Кеш (Шаҳрисабз) устига етаклади. Бекларнинг бир қисми, масалан, Ҳожи барлосга ўхшаганлар, бундан ҳам баттар иш қилдилар. Улар эл-юртини ўз ҳолига ташлаб, Амударёнинг нариги тарафига қочиб кетдилар".

Ватани – Туронзаминнинг бундай аянчли аҳволини, юртдошлари чекаётган қийинчиликлар ва азоб-уқубатларни кўрган Темур уларга бефарқ қараб тура олмади. У юртига бостириб келаётган душман истилосини бартараф этиш йўлларини излай бошлади.

Шу мақсадда шайхул ислом Зайнуддин Абу Бакр Тайободийга мактуб йўллаб, ундан маслаҳат сўради. Шайх Тайободий "... жавоб қилиб одамлар тангрининг қошига қочсинлар, – дебдилар.

Шунга ўхшаш сен ҳам ҳозир Туғлуқ Темурхоннинг олдиға қочгил ва кўлидаги ўқ-ёйни тортиб олгил", – деб ёзибди. Бу "хужумға кўтарил, қуролини тортиб олиб ўзига қарат" дегани эди. Шайхнинг бундай маслаҳати Амир Темурнинг кўнглини кўтарди, унга куч-қувват бағишлади ва Туғлуқ хоқон ҳузурига бориб хизматига киришга ундади. Қурьони карим тиловати ҳам Темур кўнглида шу туйғуни пайдо қилди.

Отасининг вафоти (1360) туфайли Темур дастлабки ёрликқа кўра Туғлуқ хоқон ҳузурига бора олмади. Иккинчи ёрликни олганда эса Соҳибқироннинг аёнлари бунга қарши чиқдилар. Соҳибқироннинг ўзи айна пайтда Туғлуқ Темурга қарши чиқиш фойдасиз эканлиги ва у билан жанг қилиб бўлмаслигини тушунтирди. Ниҳоят Туғлуқ хоқоннинг қўшини Ҳожи Муҳаммадшоҳ бошлигида келаётганлиги тўғрисида хабар келди. Дарҳол тўрт томонга чопарлар юбориб қимматбаҳо совға-саломлар тўплашга киришдилар. Шундан сўнг Соҳибқирон Ҳожи Муҳаммадшоҳ билан учрашиб, Туғлуқ Темурхон хизматига шошилаётганлигини билдиради ва инъомлар этиб фуқарони талон-тарож қилмасликка кўндиради. Икки кундан сўнг Туғлуқ Темур қўшинларининг илғор гуруҳлари, бекларини учрата бошлайди. Темур амирлар бошлиғи Мир Кичикбек билан ҳам учрашди. Унга катта инъомлар бериб, Туғлуқ хоқон номига хат ёздириб олади. унда хоқондан Темурга раҳмдил бўлиш сўралган эди. Хоқон Соҳибқиронни мамнуният билан кутиб олади. Соҳибқирон ҳам унга итоаткорона тавозе билан мурожаат қилди:

– Шоҳлар шоҳи, совғаларим ихчам бўлганлиги учун авф этгайсиз. Сизга аталган қимматбаҳо тортиқларнинг бир қисмини баъзи сардорларингиз тортиб олдилар. Ажойиб отларнинг саноғи бўлмасада, жонимизни хавф остига қўйиб бўлса ҳам бир қисмини, гўзал канизақлар ва музаффариятли юришларингизда мудом поёндоз бўлгулик гиламларни сақлаб қолдим. Хоқоним, хонадонларимизга устма–уст ўт балоси ёпирилаверганлиги сабабли аҳволимиз танг, муборак қадамингиз этиб келмагунча бу ўтти ўчирадиганлар топилмади.

Соҳибқироннинг бундай самимий сўзлари Туғлуқ хоқонни эркалантириб юборди. У ўзининг адолати ва улуғворлигини кўрсатиш мақсадида сардорларга олинган совға–саломларни қайтариш ҳақида фармойиш берди. Уларни қайтариб олиш учун махсус одамлар тайинланди. Кўп амирларга Мовароуннаҳр сарҳадларига кириш таъқиқланди. Очофат ҳукмдорларнинг баъзилари ҳатто мансабидан четлаштирилди. Уларнинг ўрнига Ҳожи Муҳаммадшоҳ Яссовурий бошлиқ қилиб тайинланди.

Бу Туғлуқ хоқон томонидан Мовароуннаҳрни талон-тарож қилиш учун юборилган Бекчик, Ҳожибек эркинт, Тўктемир керайит (эркинт, керайит-турк мўғул қабилаларидан – Н.А.) ва Жетенинг бошқа амирларидан иборат бўлган уч ҳарбий бўлинмалар орасида норозилик чиқишга сабаб бўлди. Негаки, улар ўз ўлжаларидан маҳрум бўлишни ва ҳамма бойлик очофат хоқонга қолишини истамасдилар. Шундан сўнг улар Туғлуқ хоқонга нисбатан душманлик байроғини кўтариб, хоқоннинг девонбеги ва асосий маслаҳатчиси Ўғлонхожани ҳам ўз томонларига ағдариб олдилар. Шу зайл алғов-далғов кўтарилиб шимоли-шарққа, яъни Жетелар томонга юзландилар. Бу пайт Дашти Қипчоқда ҳам хоқонга қарши исён кўтарилганлиги ҳақида хабар келди. Туғлуқ хоқон бундай мушкул аҳволда қолгач, ўзи хайрихоҳлик билдирган Амир Темурдан вазиятдан қутулиш чораларини излашда маслаҳат сўрайди. Соҳибқирон бу мушкул масалани хоқон раҳбарлигида ҳал қилингани маъқул деб маслаҳат беради. Маъқул тушгач, Мовароуннаҳр ҳукмронлигини Темурга топшириб ва аҳднома қолдириб, ўзи Жете томон йўл олишга мажбур бўлади. Шу тариқа Соҳибқирон Мовароуннаҳр ҳукмронлигини ҳақиқий бўлмасада қўлга киритди. Бутун ҳудуд аҳолисини мўғуллар талон-тарожидан сақлаб қолди. Бу воқеа Соҳибқироннинг обрў-эътиборини оширди, халқ уни қўллаб-қувватлай бошлади. Дастлабки ютуқ шундай қўлга киритилди.

"Темур тузуклари"да шундай дейилади: "Мен бутун Мовароуннаҳр вилоятига, то Жайхун дарёсининг соҳилларигача бўлган ерларга ҳукмрон бўлдим. Давлат ва салтанатимнинг бошланишида энг аввал қилган кенгашим шул эди. Мен тажрибамдан шуни билдимки, юз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин экан".

"Шу пайтдан бошлаб, – дейилади бошқа бир манбада, – менинг қудратим кундан–кунга орта борди, Мовароуннаҳрнинг ҳамма шаҳарларида ҳукминини ўрнатиб, ўзим Шаҳрисабзда яшадим. Мен у ерга келишим билан маҳаллий ҳокимлар, шайхлар, уламо ва саййидлар хизматимга келиб мени қутладилар ва менинг номимга салтанат хутбасини ўқидилар".

Амир Темур фаолиятининг мана шу даври ҳақидаги мавжуд манбалар таққослашиб таҳлил қилинганда бир-бирига тўғри келмайдиган, ҳатто бир-бирини инкор этадиган маълумотларга дуч келамиз. Бу эса изланишларни давом этдириб аниқ бир ечимга келишни тақозо этади. Афтидан Туғлуқ Темур қолдирган ёрлик ва аҳдномининг муваққатлиги аниқ бўлади. Шу маънода

В. В. Бартольд Амир Темур Туғлуқ Темурнинг ёрдами билан 25 ёшида Кеш ҳокими бўлди деб тўғри хулоса чиқарган. Бундан ташқари Соҳибқирон билан Қозоғоннинг невараси амир Хусайн ўртасидаги келишмовчилик ҳам шунга бориб тақалади.

Амир Хусайн ҳам бобоси Қозоғоннинг меросхўри сифатида Мовароуннаҳрга ҳоким бўлиш ниятида пинҳона ҳаракат қилиб, қулай вазият вужудга келишини кутмоқда эди. Хуллас, Мовароуннаҳрга ҳоким бўлиши учун бошқа ҳаракатлар ҳам анча авж олган эди. Бу Туғлуқ хоқонни тезда яна Мовароуннаҳрга 762 (милодий 1360–1361) йили қайта қўшин тортиб келишга мажбур қилди. Мовароуннаҳр ҳукмронлигини ўғли Илёсхожага топшириб, Темурни унинг ҳарбий сипоҳсолари, маслаҳатчиси қилиб тайинлади.

Мовароуннаҳр халқига етказилаётган жабр-зулм, ситам кундан-кун ортиб бораётган эди. Дашти қипчоқликлар зулми айниқса зўрая бошлаганди. Худуднинг ўзида ҳам ўзаро курашлар, ўзаро тортишув талашувлар вазиятни янада чигаллаштириб юбормоқда эди. Илёсхожанинг ўта лоқайдлиги ҳаммасидан ошиб тушаётган эди.

Соҳибқирон бунга бефарқ қараб туролмади. Худуддаги жабр-зулм ва ситамларни, хусусан дашти қипчоқликларнинг ҳаракатларини тезроқ бартараф этишга бел боғлаб, бу мақсадни амалга оширишга дадил киришиб кетди. Бу вазиятдан Соҳибқироннинг душманлари ҳам усталлик билан фойдаланишга интилдилар.

"Мен қамоқдаги саййидларни қутқарганимдан сўнг, – дейилади "Таржимаи ҳол"да, – душманларим хоқон Туғлуқ Темурга мактуб ёзиб, унда гўё мен халқни Туғлуқ Темурга қарши қўзғатганим ва Мовароуннаҳрни қўлга киритмоқчи бўлганлигимни зикр этган эдилар. Ундан ташқари гўё мен Туғлуқ Темурнинг ўғли Илёсхожани ўлдирмоқчи бўлиб махфий фитна уюштирганним ҳақидаги айблар ҳам менга тақалган эди. Туғлуқ Темур душманларимнинг айтганларига ишонди ва унга мактуб етказган кишиларга мени ўлдиришни буюрди. Лекин бахтимга бу буйруқ менинг қўлимга келиб тушди ва мен қотиллардан ўзимни асраш чораларини кўрдим".

Жете амирлари Соҳибқиронни ўлдириш ҳақида яна иккита ҳукм олдилар. Қисқаси вазият жуда мураккаблашди. Амир Темур бундай хавфли вазиятдан қутулиш чораларини кўрди. Ўзининг атрофига куч тўплаб бошлади. "Бунинг иложини қилиб, – дейилади "Тузуқлар"да, – қуйидаги тадбирни ишлатдим. Барлос улусининг баҳодир йигитларини ўз атрофимга тўплаб,

уларни бирлаштирдим. Менга бўйсуниб, кўмакдош бўлмоқлик учун розилик берган биринчи киши – Ики Темур бўлди, иккинчиси – амир Жоку барлос эди. Булардан бошқа улус баҳодирлари ҳам жону диллари билан менга бўйсунмоқчи (ва хизмат қилмоқчи) эканликларини билдирдилар".

Вазият шу даражага етдики, Соҳибқирон олтмиш отлик билан Самарқандни тарк этишга мажбур бўлди. Бадахшон ҳукмдори билан бирлашиш мақсадида ўша томон йўл олди. Аввал пири шайх Кулол билан учрашди, у Хоразмга боришни маслаҳат берди. Вазият шу қадар хавфли эдики, бундан хабар топган Илёсхожа Хива хони Тўқал баҳодирга мактуб йўллаб, уни Темурга қарши чиқиш ва ўлдиришни буюрган эди. Тўқал баҳодир минг отлик лашкар билан Соҳибқирон сaddirоҳини олди. Аммо Соҳибқирон дафъатан етиб келган амир Хусайн мададида Тўқал баҳодирни батамом бартараф этди.

Хоразм чўлларида сарсон-саргардон бўлиб юрган кезларида Темур лашкарлари Махон ҳокими (ҳозирги Марв шаҳри) Алибек туркман томонидан асирга олиниб, банди-зиндон қилинадилар. У ерда ўтган 62 кун Соҳибқирон ва унинг ҳамроҳлари учун гоят оғир, хавфли, даҳшату машаққатли дамлар бўлади. В. В. Бартольд ҳам 1362 йил ўша кунларининг мушкулликларини қайд этади. Алибек Темур ва унинг ҳамроҳларини қўйиб юборганлигини, уларга Махоннинг нуфузли кишиларидан бўлган Муборакшоҳ ёрдам берганлигини, катта ҳиммат кўрсатганлигини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам Темур кейинчалик Муборакшоҳ авлодларига катта ҳурмат ва эътибор билан қарайди. Бу хусусда Али Яздий "Зафарнома"сида шундай дейилади:

"Ўша вилоятда юрт сўраётган, илгаридан ҳазрат Соҳибқиронга ихлос садоқати бўлган Муборакшоҳ Санжарий ўз ўғиллари билан ул ҳазратнинг қошига келди ва узр-кечирим сўраб, яхши отлар тутди, арзигулик даражада хизматлар қилди. Кўп вақт ўғмасданоқ, садоқат ерига сепган яхшилик уруғи давлати боғларида фирузлик майсаси бўлиб яшнади. Ана шу туфайли муносиб ҳурмат-иззат ва катта-катта шаҳарларни бошқариш (имтиёзи) билан тақдирланди".

Амир Темур берилган маслаҳатлар, кўмаклар асосида куч жамлаб, Мовароуннаҳрни қайта қўлга киритиш учун бел боғлайди. Шу мақсадда яширинча Самарқандга бориб, опаси Қутлуғ Туркон оға хузурида қирқ саккиз кун яшириниб ётади. Сўнгра Хоразм томон йўл олиб, Амударё соҳилидаги Ачиги деган жойда ҳамроҳлари билан учрашади. Улар қарийб минг отлик киши эди.

Шундан сўнг аввал Балх, Бохтарзамин ва Кандаҳорни ўз тасарруфига олишни мақсад қилиб қўяди. Йўл-йўлакай Гармсир вилоятини қўлга киритади. Сўнгра Сеистон учун юриш бошлайди. Бу вақтда Сеистон ҳокими амир Малик Маҳмуднинг аҳволи танг эди. Унинг душманлари бош кўтариб, етти қалъасини тортиб олгандилар. Малик Маҳмуд Соҳибқиронга совға-саломлар билан элчи юбориб, ёрдам сўрайди. Бунинг эвазига Темур қўшинлари учун олти ойлик озиқ-овқат етказиб беришни талаб қилди.

"Сеистоннинг ҳокими амир Малик Маҳмуд, – дейилади "Таржимаи ҳол"да, – ҳокимлар билан уришиб турарди; у енгилиб, ўз ўлкасидан қочди. Сўнг мендан ёрдам сўраб, эвазига Сеистондаги бир неча қалъани ҳадя қилишини ваъда қилди. Мен амир Хусайн билан маслаҳатлашдим..."

Амир Малик Маҳмуд Сеистоний катта ҳадялар билан менинг қаршимга чиқиб кутиб олди ва менга нисбатан жуда катта меҳмондўстлик намоён қилди. Амир Малик Маҳмуд умрининг охиригача менга сидқидиллик билан хизмат қилиши ҳақида қасамёд қилди. Мен унинг самимийлиги ва содиқлигини кўриб, унга ёрдам қилишга қарор қилдим".

Ибн Арабшоҳ асарида шундай дейилади:

"... Шу орада султон ноибларидан бири – Сажистон ҳокими султонга қарши исён кўтарди. Султон Темурни чақириб, исёнчига қарши отланишини сўрагач, Темур рози бўлди ва султон унга таяниб бир тонфа ёрдамчилар қўшди. Темур Сажистонга етиб бориб, исёнда қайсарлик кўрсатган ноибни қўлга туширди ва ... мол-дунёсини (бутунлай) холис қилиб олди. Итоат билдирган қўшинларини ҳам олиб, исён оятини баралла тиловат қилди ва ўзи билан бирга бўлганлар ила Мовароуннаҳрга қараб йўл олди".

Амир Темур Сеистон ҳокими Малик Маҳмуд ваъдаси асосида, уч қалъани қўлга киритиб, катта ўлжага эга бўлади. Бу ўлжаларга очқўз, мол-дунёга муккасидан кетган амир Хусайн Соҳибқироннинг розилигисиз эга чиқади. Бу ҳақда "Таржимаи ҳол"да "... бир кеча-кундуз жанг бўлди, пировардида қалъани қўлга киритдим. У ерда жуда кўп бугдой бор экан, ҳаммаси бизга ўлжа бўлди. Амир Хусайн мендан сўраб ўтирмасдан бутун ўлжани ўз аскарларига улашиб берди. Мен қалъани олишда ҳеч иштирок этмагандек бунга аҳамият бермаган кишидек бўлиб турдим... Бу иккинчи қалъада олинган ўлжани ҳам амир Хусайн, яна мендан розилигимни сўрамай-нетмай, ўз баҳодирларига улашиб берди. Мен амир Хусайннинг бу гуноҳидан ҳам кечдим".

Ибн Арабшоҳ ўлжаларнинг амир Хусайн томонидан ўзлаштирилганлиги тўғрисида ҳеч нарса демайди. Соҳибқироннинг худди мана шу Сеистон жангида яраланганлигини ҳам яширадида "итоат билдирган қўшинларини ҳам олиб исён оятини баралла тиловат қилди ва ўзи билан бирга бўлганлар ила Мовароуннаҳрга қараб йўл олди" дея атайлаб чалкашликка йўл қўяди.

Аслида манбаларда, воқеа тамоман бошқача зикр этилади. Амир Темур қўшинлари томонидан уч қалъа эгаллангандан сўнг, бу хабар бутун Сеистон вилоятига ёйилади. Қолган тўрт қалъадагилар Малик Маҳмудга мактуб юбориб, унга бўйсунганликларини билдирадилар. Амир Темур қўшинларини биргаликда бартараф этишга чорлайдилар. "Агар Амир Темур ҳамма қалъаларни қўлга киритса, сени Сеистондан маҳрум қилади, бизни эса қиради", – дейилганди ўша мактубда.

Малик Маҳмуд берган ваъдаларини унутиб, Сеистон аҳолисини Соҳибқирон қўшинларига қарши ҳужумга бошлайди. Ана шу жангда Темур оёғи ва қўлидан яраланади.

"... Душманлар эгаллаб олган етти қалъадан бештасини, – дейилади "Тузуқлар"да, – куч ва қаҳр билан қўлга киритдим. Буни кўриб, Сеистон водийсининг юрагига қўрқув тушди ва кечаги душманини энди ўзига дўст тутди. Агар Амир Темур бу ерларда туриб қолар экан, Сеистон мулки қўлимиздан кетиши аниқдир, дейишиб, сипоҳ ва райят барчаси бирлашиб, менинг устимга бостириб келдилар. Сеистон водийси ваъдасига вафо қилмаганлиги учун иложсиз, йўлларини тўсиб жангу жадалга киришдим. Шу пайт бир ўқ келиб билагимга қадалди, яна бир ўқ оёғимга тегиб яралади. (Шундай бўлса ҳам) охири улар устидан ғалаба қозондим. (Лекин) ўша мамлакатнинг об-ҳавоси менинг мижозимга тўғри келмагани сабабли, у ердан кўчиб, яна Гармсирга бордим. Ўша вилоятда яраларим битгунча икки ойча туриб қолдим".

"Сеистонликларнинг, – дейилади "Таржимаи ҳол"да, – ҳужум қилиш ҳақидаги хабари менга етди... Жанг ашаддий бўлди. Мен ўзим ўн икки баҳодирим билан урушаётганларнинг ўртасига тушиб қолдим. Шу пайт менга иккита камалак ўқи санчилди: бири – оёғимга, иккинчиси – ўнг тирсагимга. Жангда қизишганимдан ярадорлигимни ҳам билмабман. Фақат Оллоҳнинг мадади билан душманни улоқтириб, қувғинга учратганимдан кейингина ярадорлигимни сездим".

Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Сеистондаги жангда яраланганидан бир неча муддат ўтгач, яъни 1383 йилда Темур

иккинчи марта бу ерга юриш қилади ва аввалги ҳукмдорни кўриб қолиб, уни камондан отиб ўлдиришни буюради.

Соҳибқирон тенгқурлари, ўзини қўллаб-қувватловчилардан иборат куч тўплаб Туронзаминга аёвсиз кулфатлар келтираётган, зулмини ўтказаяётган мўғул истилочиларини бартараф этиш, феодал тарқоқликни, бош-бошдоқликни, ўзаро тинимсиз уруш, жанжалларга чек қўйиш, эл-юртга тинч-тотувлик бериш, тарқоқ амирлик, бекликлар ўрнига мустақил, қудратли марказлашган бир давлат тузишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўяди ва бу йўлда астойдил ҳаракат қилади. Бундай пайтда Амир Темур билан амир Ҳусайн ўртасидаги алоқанинг вақтинчалик бўлсада бузилмай туриши муҳим аҳамиятга эга эди. Ҳа, улар 1361–1365 йилларда яқин дўст, ҳатто қариндош эдилар. Шу боис бутун Мовароуннаҳрда салоҳиятли кучга айланган эдилар. Шу билан бир қаторда уларнинг шахсий манфаатдорлик нуқтаи назарлари, пинҳоний мақсад ва интилишлари ҳам йўқ эмас эди. Улар бари бир худди шу сиёсий мавқеларини юзага чиқариш учун қулай вазият келишини пойлар эдилар. Амир Темур амир Ҳусайннинг феъл-атворини, ниятларини ҳам, ўта ҳасадчи, ҳасис ва очкўз эканлигини ҳам биларди. Аммо шундай бўлса ҳам алоқани ҳозирча мустаҳкамлаш зарур деб ўйларди. Фақат шунга интиларди.

"... Биринчи навбатда, – дейилади "Тузуқлар"да, – Мовароуннаҳрда салтанат байроғини кўтарган амир Қозоғоннинг набираси амир Ҳусайнни давлатимга шерик деб (элга) эшиттирдим ва у билан муросою мадора қилдим. Гарчи у ташқи кўринишидан менга дўстлик билдирса ҳам, аммо ичидан ҳамиша ҳасад ва нифоқ мақомида турди. Унинг ўзи Мовароуннаҳр салтанати тахтига ўтиришни орзу этарди. Унга ишончим йўқлиги туфайли хожа Шамсиддин (Кулол) мазорига бошлаб бориб, дўстлик изҳор қилиб қасам ичдим. У ҳам дўстликка хилоф бирон иш қилмаслик ҳақида аҳду паймон қилди.

Шундан кейин яна уч бор Қуръони мажидни қўлига олиб, дўстлик бобида онт ичди..."

Кўриниб турибдики, Темур қариндошчилик ришталарини мустаҳкамлаш ҳақида ўйлаб унга ҳамиша катта мурувватлар кўрсатади. Ўз навбатида мўғул истилочилари ва уларнинг тарафдорлари ҳам Мовароуннаҳрни Темурга осонликча бериб қўйишни истамасдилар. Шу сабабли Илёсхожа 1365 йилда кучли қўшин билан Мовароуннаҳр томон юриш қилди. Соҳибқирон билан амир Ҳусайн буни эшитгач, дарҳол куч тўплаб уларга қарши отландилар. Икки томон кучлари Тошкент билан Чиноз

ўртасида тўқнашдилар. Ўртада шиддатли ва қирғин барот жанг бошланди. Жанг пайтида кучли жала ёғиб, ҳаммаёқ лойга, балчиққа айланади. "Тупроққа шунча кўп сув ва нам сингдики, – дейилади Али Яздийнинг "Зафарнома"сида, – Ернинг сигири ("Ер сигирнинг шоҳида туради", – деган афсонавий тасаввурга ишора бўлса керак – Н. А.) худди балиқ каби сувда сузиб кетди ва жанг майдони бедовлари шу даражада лойга ботдики, қоринларининг териси ернинг орқасида ариқ ўзанига айланди". Шу боис ҳам бу жанг тарихда "Лой жанги" – "Жанги лой" деб аталади.

Жангда Соҳибқирон қўшинлари муваффақиятга эришган бир пайтда амир Ҳусайн ва унинг лашкарлари қатъиятсизлик қилиб мағлубият сабабчиси бўладилар. Бу Илёсхожа қўшинлари ғалабаси учун ҳал қилувчи восита бўлади. Темур ва Ҳусайн қўшинлари катта талофат кўради.

"Лой жанги"даги мағлубият Темур билан Ҳусайн ўртасидаги пинҳоний низони кескинлаштириб юборди. Шу билан бир қаторда Илёсхожани босқинчилик, истилочилик, талончилик ҳаракатларини янада даҳшатлироқ давом этиши ва Самарқанд сари юриши учун катта имконият яратди.

Самарқанднинг мудофаа девори ҳам, қалъаси ҳам йўқ эди. Мўғул истилочилари Чингизхон замонида уни қандай яқсон қилиб харобага айлантирган бўлсалар шундайлигича ётарди. Бунинг устига амир Ҳусайн шаҳарни ҳимоя қилувчи ҳарбий куч ҳам, бирор салоҳиятли бошлиқ ҳам қолдирмаган эди. Шундай бўлсада, Самарқанд аҳолиси Илёсхожа бошлиқ мўғул босқинчиларига қарши қатъий курашга отландилар. Сарбадорлар ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Маълумки, Сарбадорлар ҳаракати XIV асрнинг биринчи ярмида Хуросонда пайдо бўлиб, мўғул истилочилари зулмига қарши курашни ўз олдларига асосий мақсад қилиб қўйган эдилар. Шу боис ўзларини "сарбадорлар", яъни "боши дорга тикилганлар" деб атадилар. "Ё ҳаёт, ё ўлим" шиори остида қасос жангига бел боғладилар. Улар Хуросонда ҳатто мустақил давлат ҳам туздилар. Маркази Сабзавор шаҳри бўлиб, 1337–1381 йилларда фаолият кўрсатди. Бу давлатнинг ташкилотчиларидан бири Хўжа Яҳё эди. Сарбадорлар давлатининг бошқа раҳбарлари ҳақида муаррих Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро" номли асарига анча мароқли маълумотлар берилади.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, Сарбадорлар давлати ва унинг фаолияти етарли даражада ёритилган эмас. Аниқ далиллар ҳам йўқ ҳисоби. Манбалар бу давлат ўз тангасини зарб этганлиги,

харбий кўшини ва мустаҳкам давлат интизоми бўлганлиги, аҳолидан олинадиган солиқлар миқдори камайтирилганлиги, ҳамма соҳада демократияга таянганлигини кўрсатади. Ўзбекистон Фанлар Академияси мухбир аъзоси А. Муҳаммаджонов сўзлари билан айтганда, уларнинг (сарбадорларнинг – Н. А.) ҳукумати демократик тартиб асосида қурилган бўлиб, унда табақалар деярли бир-биридан фарқ қилмаган. Масалан, қуллар тўла озод этилмаган бўлсаларда, бошқалар билан бир қаторда ҳаёт кечирганлар. XIV асрнинг ўрталари ва хусусан иккинчи ярмига келиб бу ҳаракат деҳқонлар, ҳунармандлар, зиёлилар, хусусан ёшлар ўртасида катта эътибор қозонди.

Сарбадорлар ҳаракати Самарқандга XIV асрнинг 60-йилларида кириб келди. Ҳусайн билан Темур Самарқандни Илёсхожага ташлаб кетган маҳалда ҳимоясиз шаҳар аҳолисининг жонига шулар, яъни сарбадорлар ора кирган эдилар. Жангларда мадраса талабаси Мавлонзода, пахта титувчи қосиб Абу Бакр Калавий, камонсоз мерган Хурдаки Бухорий айниқса катта ташаббус кўрсатдилар. Шаҳарнинг жомеъ масжидида қарийб ўн минг киши тўпланади. Ўшанда Мавлонзода сўзга чиқиб, бож ва хирождан ташқари, халқдан "жон" солиғи ҳам олаётган ҳоким аҳоли бошига оғир қулфат тушган маҳалда юртни ўз ҳолига ташлаб қочганлиги, фалокатдан қутулишнинг ягона йўли ёвга қарши кўтарилиш эканлиги ҳақида сўзлайди. Тўпланганларга Ислонми ким ҳимоя қилади деган савол билан мурожаат қилади. Зодагонлар лом-мим демай тураверадилар. Оддий халқ Мавлонзодани қўллаб-қувватлайди. Ёвга қарши аёвсиз курашга отланишлари ҳақида сўз берадилар.

Шундай қилиб сарбадорларни ер эгалари, руҳоний ва бой савдогарлар қўллаб-қувватламайдилар.

Хуллас, Самарқанд аҳолисининг "бошини силайдиган" куч бари бир топилди. Сарбадорлар раҳбарлигида улар мўғул босқинчилари йўлини тўсишдилар ва шаҳарни қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. Ҳамма чора-тадбирлар пухта амалга оширилди.

Илёсхожа бундай бўлишини сира кутмаган эди. Шаҳарни мутлақо қийинчиликсиз тасарруфимга оламан деб ўйларди. Лекин Илёсхожа ўйлаганча бўлиб чиқмади. Жангда самарқандликлар душман кўшинлари устидан голиб чиқдилар. Оллоҳнинг қўллашини мўғулларнинг отларига қандайдир касаллик дориб қирила бошлади. Али Яздийнинг маълумотича мўғул босқинчилари отлари орасида вабо тарқалиб шунчалик от ўлдики, ҳар тўрт отликқа биттадан зиёд от қолмади. Шу

сабабдан, улар ночор аҳволга тушиб, Илёсхожа бошчилигидаги мўғул истилочилари дастлаб Самарқандни, сўнгра Мовароуннаҳрни ташлаб кетишга мажбур бўлдилар. Хуллас, жипслашган халқ голиб чиқди.

Сарбадорларнинг ғалабаси ва Илёсхожанинг мағлубияти ҳақидаги доврўқли хабар Темур ва Ҳусайнга тезда етиб борди. Улар дарҳол Самарқандга шошилдилару келиб шаҳарнинг шарқий-шимолий томонидаги Конирил мавзесида тўхтадилар. Амирлар сарбадорлар ҳаракатини маъқуллашгандек кўриниб, улар билан учрашмоқ истагини билдирдилар. Сарбадорлар уларга ишониб катта иззат-икром кўрсатишдилар. Аммо эртаси кунни амир Ҳусайн ва Соҳибқирон қароргоҳига келишганлари биланоқ уларни тутиб қатл этдилар. Фақат Мавлонзода Темур туфайли омон қолди.

Рус шарқшуноси А. Ю. Якубовский шунга асосланиб Амир Темур ва сарбадорлар ўртасида аввалдан муайян алоқа бор эди деган хулоса чиқаради. Бунда у Хуросондаги Сарбадорлар ҳукуматининг сўнгги раҳбари Хожа Али Муайяднинг давлатни Соҳибқиронга жангсиз топширгани ва умрининг охиригача унинг хизматида бўлганлигини ҳам эътиборга олган бўлиши мумкин. И. Мўминовнинг бу борадаги фикри айниқса эътиборга лойиқ ва ҳақиқатга яқин. "... Сарбадорлар ҳаракатининг айрим бошлиқлари билан, – деб ёзади И. Мўминов, – Темурнинг олдин ҳам алоқада бўлганлиги ривоят қилинади. Бу ҳақда тарихномаларда, жумладан... Якубовский асарларида аниқ кўрсатилгандир. Аммо Амир Темур билан сарбадорларнинг айрим раҳбарлари ўртасидаги бу алоқа қайси сабабларга кўра келиб чиққанлиги ҳали тўла аниқланган эмас. Бизнинг фикримизча, мўғул зулми асоратига қарши кураш ва Мовароуннаҳрга мустақил давлат тузиш учун олиб борилган ҳаракатлар сарбадорларнинг айрим раҳбарларини, биринчи навбатда, унинг илҳомчиси ва идеологи Мавлонзода ва Темурни бир-бирига яқинлаштирган, кўмакдош этган; худди шу сабабдан сарбадорлар бошлиқлари Темур фаолиятининг асосан биринчи даврида юқоридаги мақсадни амалга ошириш учун Темурни қўллаб-қувватлаганлар, унга ёрдам берганлар".

Хуллас, сарбадорлар қарийб бир ярим асрлик ҳукмронликлари даврида жафокаш халқ қонини зулукдай сўриб олган мўғул босқинчиларига сезиларли даражада зарба бердилар. Бир неча ўн йил аввал муаррих Р. Набиевнинг "XIV асрда Ўрта Осиёда сарбадорлар кўзголови" деган рисоласи чоп этилган эди. Шундан

буён бу тарихий мавзуда деярли дурустроқ иш қилинмади. Муҳаммад Али "Сарбадорлар" номли романини, Азим Суён эса шу мазмунда драматик дoston яратдилар.

Амир Ҳусайн билан Амир Темури 1366 йили яна Самарқандни ўзларига бўйсундирдилар. Улар ўртасидаги зиддият ҳам йилдан-йилга чуқурлашиб бораверди. 60-йилларнинг охирига келганда эса кескинлик янада авж олди. Чигатой улуси сарҳадларининг якка ҳукмдори бўлиш мақсадида ҳар иккаласи ҳам маҳаллий ҳукмдорлар ва феодаллар орасида ўзларига тарафдорлар тўплаш бошладилар. Мақсадлари эса савдогар, хунарманд, рухонийлар ва деҳқонлар оммасини бирлаштириб ягона, мустақкам феодал давлатни тузишдан иборат эди.

Амир Ҳусайн бундай мақсадга куч билан эришиш ниятида бор истехкомларни мустақкамлаб, Балхда курул-яроғлар тўплаш бошлади. Бу тадбирлар ўзига қарши қаратилган душманлик ҳисси эканлигини зимдан сезиб бораётган Темури 1370 йили катта кўшин билан Балхни эгаллади. Шунинг ўзи амир Ҳусайн ҳукмронлигининг емирилиши ва Мовароуннаҳрда Темури якка ҳукмронлигини таъминлашнинг ҳал қилувчи омилларидан бири бўлди. Соҳибқирон ўзининг маккор ва ашаддий душманидан қутулди. Амир Ҳусайн хазинаси ва ҳарамини унинг ихтиёрида қолди. Аёллардан тўрттаси, яъни Қозон Султонхоннинг қизи Сароймулкхоним (Бибихоним), Баён сулдузнинг қизи Улуғ оғо, Хизр Ясавурийнинг қизи Ислон оғо ва Тағой Туркон хотунларни Соҳибқирон ўз никоҳига олди. Сароймулкхоним (Бибихоним)ни биринчи маликалик мақомига кўтариб "Кўрагоний" лақабини олди. Бу хусусда ҳам аниқлик киритишни тақозо этадиган баъзи бир ноаниқликлар бор, албатта. Чунончи, Ибн Арабшоҳ ёзади:

"Темури Мовароуннаҳрни эгаллаб, ўз рақибларидан устун чиққач хонларнинг қизларига уйланди. Натижада унинг лақаблари устига "кўрагон" сўзини қўшдилар. Бу (сўз) мўғул тилида "хатан" (хон куёви) демакдир. Бу унинг хонлар билан қудаллашиб, уларнинг уйларида яшаш ва ҳаракатда бемалол тасарруф юритганлиги сабабидан эди".

Балх қўлга киритилгандан сўнг бу ерда Соҳибқирон салтанатини саркардаларининг дастлабки курултойи бўлиб ўтди. Унга Чигатой хонлигининг тўралари, Соҳибқироннинг тенгқурлари, ҳатто душманлари ҳам қатнашдилар. Улар орасида шайх Муҳаммад, Баён Сулдузий, амир Олжойту, амир Кайхусрав Хутталоний, амир Довуд Дувлат, амир Сорбугай жалойир, амир Жоку барлос, амир Зинда Ҳошим ва бошқа хурматга сазовор кишилар

бор эди. Ҳерман Вамберининг таъкидлашича, Соҳибқирон турк одатига кўра оқ кигиз устига ўтқазилиб, юқори кўтарилади. Бошига зангори салла ўраб, қўлига узун асо тутган ва юришлари дадил нуруний пири Мир Саййид Барака дуойи фотиҳа ўқигандан сўнг Соҳибқирон Мовароуннаҳр амири деб эълон қилинади, қимматли ҳадялар улашилади. Шундай қилиб, амир Темури дастлабки ҳаракатдан тўққиз йил ўтгач, Мовароуннаҳрни тўлиқ қўлга олади ва фаолиятида янги давр бошланади.

АМИР ТЕМУРИНИНГ ҚУДРАТЛИ ДАВЛАТИ

Амир Темури қандай маҳорат билан жанг қилган бўлса, шундай усталлик билан тинчлик ўрната олди.

ЛЮСИЕН КЭРЭН
француз шарқшуноси

Темури Мовароуннаҳрда якка ҳукмронлигини ўрнатгач, унинг маркази қилиб қадимий Самарқандни танлади. Мажор шарқшуноси Ҳерман Вамберининг сўзлари билан айтганда, "Жайхуннинг бу томонида ҳокимиятни тиклагандан кейин Самарқандни пойтахт қилиш учун дарёнинг у соҳилига кечди. Самарқанд шаҳри шу кундан бошлаб Темурнинг вафотига унинг сафар машаққатларидан кейин истироҳат қиладиган жойи бўлиб қолди". "Темурбекдан бурун, – деб ёзади Заҳириддин Муҳаммад Бобур, – Темурбекдек улуг подшоҳ Самарқандни пойтахт қилган эмасдур".

Соҳибқирон пойтахт қилиб нега Самарқандни танлади? Бундай саволнинг туғилиши табиий. Ҳатто афсонаю ривоятларда ҳам шу гап бор. Бу саволга Иброҳим Мўминов шундай жавоб беради: "Айрим олимлар Темурнинг биринчи бўлиб эгаллаган йирик шаҳри Самарқанд бўлганлигидан деб, айримлар эса Самарқанд об-ҳавосининг яхшилигидан, табиатининг гўзаллигидан деб тушунтирадилар. Яна бировлар Самарқанднинг қадимдан дунёга маълум бўлганлиги, машҳур Афросиёб худди шу шаҳардан туриб Турон мамлакатини бошқарганлиги Темурнинг ушбу шаҳарни пойтахт қилиб танлашига сабаб бўлган бўлса керак, деб тахмин қиладилар. Шубҳа йўқ-ки, бу тахминларнинг ҳаммасида ҳам маълум даражада ҳақиқат бор. Самарқанд қулай географик ҳолатга эга. Мовароуннаҳрнинг ўртасида жойлашган. У серсув бўлиб, уни уч томондан тоғ ўраб олган, унда ҳавонинг уч оқими – тоғ, дарё ва кенг яйлов, дарахтзор водий, адир қўшилиб

хушманзарали, хуштабиатли, оромбахш иқлим барқарордир. Самарқанд жуда катта қурилиш материаллари ҳамда қимматбаҳо рангли ва нодир металл конларига эга бўлиб, ўша даврда ҳам улардан давлат ишида маълум даражада фойдаланиш мумкин эди".

Темур давлат ишларини бир қадар амалга оширганидан сўнг 80-йилларнинг ўрталарига қадар мамлакатни мустақкамлаш, ички ва ташқи душмандан ҳимоя қилиш, мўғул истилочилари қолдирган мудҳиш асоратларни бартараф этиш, Мовароуннахрнинг яхлитлигини таъминлаш, эл-юрт осойишталигига эришиш, мамлакатда ободонлаштириш ишларини бошлаб юбориш билан тинмай шугулланди. Якка ҳукмронлик ўрнатилган бўлсада, ҳали ўта хавфли вазиятлар мавжуд эди. Шу туфайли Темур хавф-хатардан сақланиш мақсадида ўзининг дастлабки ишини Балх, Самарқанд ва Кеш қалъаларини мустақкам деворлар билан ўрашдан бошлади. "Тузуқлар"да: "... Азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам бутун зехним. вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим. Ҳар неки деган бўлсам унга амал қилдим. Ҳеч кимга газаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг ғазабига дучор бўлмагин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг айламасин деб. Одам Атодан бошлаб Ҳотам ул-анбиёгача, улардан ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонулари ва туриш-турмушларини донолардан сўраб-суриштирдим. Ҳар қайсиларининг йўл-йўриқлари, туриш-турмушлари, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотирамда сақладим ва яхши ахлоқлари, маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим. Давлатларининг таназзулга учраши сабабларини суриштирдим ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақландим".

Бу тадбирлар Соҳибқирон олдидаги мураккаб вазифаларни амалга оширишда муҳим рол ўйнаганлигига тарихнинг ўзи шоҳид. Вазият ҳам шуни талаб қиларди. Шунинг билан бир қаторда Соҳибқирон ўз давлати ва унинг маркази Самарқандни дунё миқёсига чиқариш, донгини оширишни ҳам унутмади. Тарихий асарлар, жумладан, де Клавихо, Ибн Арабшоҳ, Али Яздий, В. В. Бартольд ва бошқалар ҳам буни алоҳида уқтирадилар.

XIV аср 70-йилларининг дастлабки даврларида Соҳибқирон мўғул боққинчилари қолдирган асоратларни бартараф этиш, салтанатни бутун чоралар билан мустақкамлаш, ҳусусан бутун Туронзамин яхлитлиги ва осойишталигини таъминлаш чораларини

кўрди. Амударё, Сирдарё атрофи ҳудудларининг бир қисмини, шунингдек, Фарғона ва Шош вилоятларини ўз давлатига осонгина қўшиб олди. Уларда қарши турадиган кучнинг ўзи йўқ ҳам эди.

Темур олдида яна бир муҳим вазифа бор эди. У ҳам бўлса Мовароуннахр хавфсизлиги ва яхлитлигини Хоразмсиз тасаввур қилиб бўлмасди. Чунки бу ҳудуд фуқаролари иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда азалдан муштарақ бир халқ эдилар.

Мўғуллар даврида Хоразм иккига бўлинган эди. Бири маркази Урганч бўлган Шимолий Хоразм яъни Олтин Ўрда, иккинчиси маркази Кот (ҳозирги Беруний) қалъаси бўлган Жанубий Хоразм, яъни Чигатой улусида эди. Шу тариқа Хоразмнинг Олтин Ўрда таркибида бўлган, яъни Тўхтамишга қарашли қисми Темур давлатига катта хавф тугдирмоқда эди. Уни Мовароуннахр таркибига қўшиб олиш, шубҳасиз Темур давлатининг яхлитлиги ва қудратини мустақкамлар эди.

Рус шарқшунослари Б. Д. Греков ва А. Ю. Якубовскийларнинг "Олтин Ўрда ва унинг қулаши" номли асарида кўрсатилганидек, "қўшни бўлиб турган кучли ва қудратли Ўрда (Олтин Ўрда ва Оқ Ўрда) Мовароуннахрни бирлаштириш ишига жуда катта хавф солиб турарди". Бундан ташқари Тўхтамишнинг бутун Осиёга ҳукмрон бўлиш нияти ҳам йўқ эмас эди. Буни Соҳибқирон мудом сезиб турарди.

Бу масалани бир ёқлик қилиш қулай шарт-шароит, вазиятнинг вужудга келишини кутарди ва масалага ўта синчковлик, хушёрлик билан ёндашишни тақозо этарди. Амир Темур худди шуни сабрсизлик билан кутарди. Ниҳоят А. Ю. Якубовскийнинг маълумотига кўра, 1359 йили, яъни Бердибек вафотидан сўнг Олтин Ўрдада бошланган тўс-тўполонлардан фойдаланиб, Хоразм ўзи мустақил давлат бўлдию Қўнғирот сўфийлари ҳукмронликни ўз қўлларига олдилар. Ҳусайн Сўфи Хоразмнинг иккала марказини бирлаштиришга муваффақ бўлди. Соҳибқирон 1372 йили юзага келган қулай шароитдан фойдаланиб ўз ноziри Алка тавочи бошлиқ бир гуруҳ аъёнларини Ҳусайн Сўфи ҳузурига элчи қилиб юбордию Жанубий Хоразмни Мовароуннахр ихтиёрига қайтаришни сўради. Элчилар орқали йўллаган мактубида шундай дейилган эди: "Кот ва Хивак Чигатой улусига тегишли эрур. Ўтган муддат ичида уни эгасиз топиб, ўз тасарруфинг хавзасига киритмишсан. Энди лозимки, уни барча тобе ва туташ (ерлари) билан бирга сўл томон элчилари ихтиёрига қайтарсанг (шу асосда), ҳар иккала томон ўртасида самимият ва дўстлик йўли очиклигича қолса, тотувлик ва қўллаб-қувватламоқ шарт-шароитлари яратилса".

Ҳусайн Сўфи бунга розилик бермайди. "Бу вилоятни мен қилч воситасида қўлга киритганман ва уни қилч (қучи) билан олишга тўғри келади" деган жавоб қилади. Соҳибқирон арқони давлат билан масалани атрофлича муҳокама қилади. Улардан бири, яъни мавлоно Жалолоддин Кеший бу масалани тинч йўл билан ҳал қилишни зиммасига олиб, Ҳусайн Сўфи ҳузурига йўл олади. Ҳусайн Сўфи Жалолоддин Кешийнинг талабларини қабул қилиш ўрнига уни асирга олади ва қамаб қўяди. Натижада Темур Хоразмга ҳарбий юриш бошлайди. Ҳусайн Сўфи оғир вазиятда қолгач, Соҳибқирон талабини қабул этишга мажбур бўлади. Аммо худди шу пайт Темурнинг ҳарбий бошлиқларидан бири Кайхусрав Хутталоний сотқинлик қилиб, Ҳусайн Сўфини йўлдан уради ва уни Соҳибқиронга қарши жангга отлантиради. Лекин Темур уларни бари бир тор-мор этади. Ҳусайн Сўфи қочиб Урганчга яширинади ва тезда вафот этади. Бу воқеа 1372-1373 йилларда содир бўлади.

Ҳусайн Сўфи ўрнини Юсуф Сўфи эгаллайди. Темур орадаги низони тинч йўл билан ҳал этиш мақсадида Ўзбекхоннинг невараси, Ҳусайн Сўфининг қизи Хонзодани ўгли Жаҳонгир Мирзога хотинликка беришни талаб қилди. Юсуф Сўфи бунга розилик беради. Худди шу маҳалда сотқин Кайхусрав Хутталоний ҳам қўлга олиниб, амир Ҳусайн одамлари томонидан қатл этилади. Шундай қилиб Кайхусравдан 1370 йилда ўзи қатл этган амир Ҳусайннинг хуни олинади.

Юсуф Сўфи ваъдасига хилоф равишда Кот қалъасини яна қўлга олиб Амир Темур салтанатига қарши душманлигини кучайтириб юборади. Шундан сўнг 1373-1374 йилларда Соҳибқирон Хоразмга иккинчи юришини бошлайди. Аммо ҳарбий кучлар тўқнашуви юз бермайди. Юсуф Сўфи ўзини гуноҳкор ҳисоблаб, Соҳибқирондан кечирим сўрайди ва ўз олдига қўйилган ҳамма шартларни бажаришини ваъда қилади. Шундай қилиб Жанубий Хоразм Соҳибқирон давлати таркибига бутунлай қўшиб олинади. Шундан сўнг ҳам Темур Хоразмга уч марта, ҳаммаси бўлиб эса беш марта юриш қилган. Сўнгги юришлар Хоразм ҳукмдорларининг икки ўртада тузилган шартномарини яна бузганликлари ва Олтин Ўрда хони Тўхтамиш билан Темурга қарши пинҳона тил бириктирганликлари оқибатида содир бўлган эди. Қўнғирот сўфиларининг сўнгги вакили Сулаймон Сўфи билан Тўхтамиш ўртасида Темур давлатига қарши юриш қилиш ва унинг ҳукмронлигини батамом бартараф қилиш ҳақида битим режалаштирилган эди. Шундан сўнг Сулаймон Сўфи Темур

билан тузилган битимларга амал қилмай ва шартларни бежармай қўйган эди. Сўнгги юришларда Темур қўшинлари Урганчни вайрон қиладилар. Шаҳар аҳолисининг бир қисми Самарқанд, Бухоро ва Шаҳрисабзга қўчирилади. Баъзи бир тадқиқотчилар бундан Соҳибқиронни қоралашда фойдаланадилар. Тўғри, Темурнинг Урганчни вайрон қилиши тўғрисида фармон берганлиги шубҳасиз. Аммо, манбалар шундан далолат берадики, бу фармон тўлалигича бажарилган эмас. Бунга Соҳибқироннинг ўзи ҳам кейинчалик руҳсат этади. Яна шуни таъкидлаш ўринлики, манбалар қайд этилишича 1391 йилда Соҳибқирон ҳатто Урганчни қайта тиклаш ҳақида махсус фармон беради. М. Каратеев "Железный хромец. Возвращение" номли асарида "Урганч тўла вайрон қилинди" дейилган даъво нотўғри, аслида унинг фақат бир қисмигагина зарар етган.

Урганчнинг Темур қўшинлари томонидан батамом вайрон этилганлиги тўғрисида бирорта манба тўлиқ гувоҳлик бермайди. "Бир неча йилдан сўнг, – деб ёзади М. Иванов, – Тўхтамишхонга қарши бўлган юришдан қайтгач, Амир Темур Хоразм халқига яна ўз ерларига қайтиш учун руҳсат беради, аммо, уларни кузатиб туриш мақсадида Кент ва Хива шаҳарларини қуришни ва мустаҳкамлашни буюради".

Соҳибқирон 1388 йилда Хоразмни Мовароуннаҳрга батамом қўшиб олганидан сўнг бу ҳудудларда феодал тарқоқликлар ва ўзаро низолар барҳам топди. Сирдарё сохилларидан Орол денгизигача бўлган ерларда истиқомат қилувчи аҳоли ягона давлат тасарруфига бирлашди. Бу билан Темур салтанати мустаҳкамланиб, қудратли давлатни барпо этди, ички ва ташқи душманларини кескин заифлаштирди.

Хоразмнинг Мовароуннаҳрга бирлаштирилиши шу маҳалга қадар қудратли саналган Олтин Ўрдани кучсизлантириб қўйди. Шундай бўлса ҳам у Соҳибқирон давлати учун хали анча хавфли эди. Бунинг устига Ўрусхон 1361-1376 йилларда Оқ Ўрда билан Олтин Ўрдани бирлаштириб, ягона кучли ҳукмронликни юзага келтириш ҳаракатини бошлади. Шу мақсадда у 1376 йили катта қурултой чакирди. Режасига қарши чиққанлиги учун Мингқишлоқ амири Тўйхўжани қатл эттирди. Тож-тахт учун кураш шу зайл авж олиб кетди. А. Ю. Якубовскийнинг айтишига кўра 1360-1380 йиллар Олтин Ўрдада (амир Мамайни ҳисобга олмаганда) 25 хон алмашди.

Амир Тўйхўжа қатл этирилганидан сўнг, унинг ўгли Тўхтамиш Ўрусхондан отасининг қасосини олиш ва Оқ Ўрда

хонлигини эгаллаш ниятида Амир Темур ҳузурига паноҳ излаб келади. У Қуръони каримни олиб қасамёд этиб, Соҳибқиронга содиқ эканлигини айтади. Орадан бир йил ўтар-ўтмас Ўрусхоннинг невараси Қутлуғ Темур билан мингбошиси Эдикуд ҳам хондан юз ўгириб Соҳибқирон ҳузурига келишади.

Бу воқеалар Темурга ниҳоят қўл келади. Юзага келган вазиятдан фойдаланиб Тўхтамишни илтифот билан кутиб олади. Унга кўп олтин, чорва моллари, чодирлар, ҳар хил матолар, зеби-зийнат буюмлар, дўмбираю байроқлар, қурол-яроғ, аслаҳалар, оту хачирлар ва анча қўшин ҳадя этади. "Ҳамир учидан патир" қабилда Ўтрор ва Саброн вилоятлари ҳукмронлигини беради. Аммо Тўхтамиш Соҳибқироннинг бундай ёрдамларига қарамай Ўрусхонга қарши қилган икки юришида ҳам мағлуб бўлади. Қилган фойдаси жангда асир тушган Ўрусхоннинг ўғли Қутлуғ бугони Темурдан сўраб олиб, отасининг хуни учун қатл қилади. Энди Ўрусхон ўғлининг хуни учун Соҳибқирондан Тўхтамишни талаб этади. Аммо Соҳибқироннинг ўзи қатнашган учинчи юришда Ўрусхон ҳукмронлиги батамом яқсон қилинади. "Ўрусхон элчиси бўлган воқеаларни сўзлаб бераётган пайтда, - дейилади "Тузуқлар"да, - менинг қўрқмас лашкарим фавжлари ногаҳон келган балодек Ўрусхон устига ёпирилдилар. Ўрусхон қаршилик кўрсата олмай қочибга ихтиёр қилди. Дашти Қипчоқ мамлакати менга бўйсунди". Ана шу ғалабадан сўнг Темур катта мурувват кўрсатиб, Тўхтамишни Дашти Қипчоққа ҳукмдор этиб тайинлади. Рус шарқшунослари Б. Д. Греков ва А. Ю Якубовскийларнинг уқтиришларига кўра, Тўхтамиш Соҳибқироннинг ёрдами билан тўртинчи юришда Оқ Ўрда хонлигига эришади. 1380 йилга бориб эса Ҳожитархондан (Астрахандан) Булғорга қадар бўлган ерлар, Шимолий Кавказ, Волганинг ғарбидаги вилоятлар унинг ҳукмронлигига ўтади.

1380 йилда Москва князи Дмитрий Донской Куликова майдонида Олтин Ўрда ҳукмдори Мамайхонни мағлуб этганидан сўнг, Тўхтамиш кучсизланиб қолган Олтин Ўрда устига юриш бошлайди. Мамайнинг аёну саркардалари омади кетган ҳукмдордан юз ўгириб, Тўхтамиш томонига ўтадилар. Тўхтамиш шу тариқа Олтин Ўрданинг яқка ҳукмдори бўлиб қолади.

Шундан сўнг Тўхтамиш мўғул ҳукмронлигининг аввалги қудратини тиклаш мақсадида ўзининг босқинчилик, талончилик ҳаракатларини бошлаб юборади. 1382 йили Москвага юриш қилади. Аёвсиз қирғинлар қилиб жуда катта ўлжани қўлга киритади. Минглаб ўрус фуқароларини кулликка маҳкум этади.

шаҳарга ўт қўяди. Натижада Москва хароба ва култепага айланади. 24 минг москваликнинг ёстиғи қурийди. Шу тариқа Россия ҳудудининг анча қисми Тўхтамишхон ҳукмрон бўлган Олтин Ўрда тасарруфига ўтади.

Бу ғалабалардан сармаст бўлган Тўхтамиш Соҳибқироннинг яхшиликлари, марҳамат мурувватларини унутиб, кўрнамаклик қилади. Энди ҳатто унинг тасарруфидаги ерларга ҳам кўз тика бошлайди. Бир юришида Бухорони босиб олишга уриниб кўради. Бухороликлар ўз шаҳарларини мардона туриб ҳимоя қиладилар. Аммо Тўхтамиш Мовароуннаҳрнинг Амударёга қадар бўлган сарҳадларини аёвсиз талон-тарож қилади.

Тўхтамишнинг Соҳибқиронга қарши ғаразғўйлиги ортиб бораверади. Устма-уст юришлар қилиб, фуқароларга ҳатто зиён етказди, бойликларини талайди, ҳатто Кеш шаҳрининг ғарбидаги ҳозирги Муборак тумани ҳудудидаги Занжирсарой қалъасини батамом яқсон қилади. Бу маскан XIV асрнинг 40-йилларида Сароймулкхоним (Бибиҳоним)нинг отаси Қозонхон томонидан қурилган бўлиб, салтанатининг маркази эди.

Тўхтамишнинг талончилик ҳаракатлари узлуксиз такрорланаверади. Темур салтанатининг тобора юксалиб, мустаҳкамланиб бориши Тўхтамишнинг манфаатларига сира тўғри келмас, аксинча унинг улуғ давлатчилик қарашларига катта зиён етказётган эди. Бунинг устига Олтин Ўрда Хоразм сингари ҳудудларнинг Соҳибқирон давлати тасарруфига ўтишидан ҳар йили 300 туман зарар кўраётган эди.

Ўз навбатида Темур ҳам Тўхтамишга нисбатан кескин чоралар кўриш ҳақида ўйларди. Француз шарқшуноси Люсьен Кэрэннинг "Темур хоқон салтанати" номли асарида бу вазиятга тўғри баҳо бериб бутун Осиёга ҳукмрон бўлиш истағи билан ёнган Тўхтамишхоннинг Мовароуннаҳрга солаётган даҳшатли хавфни бартараф этиш зарур эди, деган хулоса чиқаради.

Темур Тўхтамишнинг бир неча душманлик ҳаракатларини кўриб кўрмасликка олади. Кечирим сўраган пайтлари шафқат билан авф ҳам этади. Соҳибқирон ҳақиқий инсонийликни ёмонлик қилганга яхшилик қилишдек олижаноб хислатни унутмади. Хуллас, Тўхтамиш ҳам амир Ҳусайнга нисбатан қилганидек муносабатда бўлди. Лекин Бибиҳоним таваллуд топган Занжирсарой қалъасини йўқ қилинганлиги соҳибқироннинг сабр косасини тўлдирди. У қатъий ҳаракатга ўтди.

1391 йил киш каттиқ келади. Темур икки юз минг қўшин билан Самарқанддан чиқиб, Сирдарё қирғоғи орқали, Тошкент томон йўл олади. Бир неча муддат бу ерда бўлгач, Сароймулкхоним бошлиқ аёлларни Самарқандга қайтариб, хотини Чўлпон Малик ого ҳамроҳлигида 1391 йилнинг 21 январида Тошкентдан Ўтрор томон йўлга чиқади. Қозоғистоннинг Карсақпай мавзесидаги Боботоғ тоғининг катта бир харсанг тошига бу юриш ҳақида хотира биттиради. Б. Д. Греков, А. Ю. Якубовскийларнинг гувоҳлик беришича, тошнинг пастки қисмида эски ўзбек тилида уйғур ёзуви билан битилган хотира саккиз сатрдан иборат эди. Унда Темур 1391 йили Тўхтамишга қарши қўшин тортди, дейилган. Ўзини Турон султони деб атагани эса XIV аср снәсий ҳаётида ҳам бу атаманинг бўлганлигидан далолат беради. Ёзувда Соҳибқирон қўшинларининг сони 200 минг эканлиги ҳам кўрсатилган. Ёдгорлик тош ҳозирги пайтда Санкт-Петербург эрмитажида сақланмоқда.

Тўрт ойлик юришдан сўнг Темур қўшинлари Самара билан Чистопол ўртасидаги Қундузча дейилган жойда Тўхтамиш лашкари билан тўқнашади. 1391 йилнинг 18 июлида содир бўлган ғоят каттиқ жангда Тўхтамиш қўшини мағлубиятга учрайди. Жанг якуни Темурнинг ўта салоҳиятли, мухораба санъати ва йўриқларини мукамал эгаллаган жасоратли саркарда эканлигини намойиш этади. У ҳозирга қадар сира кўрилмаган мураккаб ҳарбий ҳийлаларни ишлатган эдики, душман хатто қочишга илож тополмай қолади. Али Яздийнинг "Зафарнома"сида кўрсатилишича, Темур ўз қўшинларини етти кул (корпусга) бўлиб, ҳужумга одатдагидек аввал отликларни эмас, пиедаларни ташлайди. Т. Н. Қори-Ниёзийнинг эътирофи эътиборидек, "У 1391 йилда Тўхтамиш билан қилган жангида етти катта отряддан иборат аллақандай алоҳида сафланиб ҳужум қилиш тактикасини ишлатганки, бу ҳақда илгари ҳеч ким, ҳеч нарса эшитмаган эди".

Бундан ташқари у мухораба қанотларни жангларда чиниққан, ҳар қандай топширикни сидқидилдан бажара оладиган, ғоят ишонарли баҳодирлар билан мустаҳкамлашга жиддий эътибор берган эди. Ҳал қилувчи бўлинмаларга Мироншоҳ Мирзо, Умаршайх Мирзо, Муҳаммад Султон, Сулаймоншоҳ, амир Сайфиддин сингари паҳлавон фарзандлари ва яқинлари сардор қилиб тайинланган эди.

Жанг бошланишидан олдин пири Мир Саййид Барака жангчиларга омад ва зафарлар тилаб фотиҳа беради. Дастлабки куни Тўхтамиш қўшинлари устун эди. Учинчи куни ҳали ҳеч

кимнинг ёдига келмаган янги бир ҳийлани ишлатади. Жанг қизиб бораётган бир пайтда тўсатдан Тўхтамишнинг "байроғи" туширилади. Бу иш шу қадар ўринли ва усталик билан бажариладики, Тўхтамишнинг сарбозлари буни мағлубият ишораси деб тушуниб, тартибсиз равишда тум-тарақай қоча бошлайдилар. Душман мағлуб бўлади.

Ғалаба катта баэм билан нишонланади. Унда ғолибларга асир олинган беш мингдан ортиқ йигит ва қизлар хизматга сафарбар этилади. Яна кўп асирлар даврадагиларнинг ихтиёрида бўлади. Бир пайт қимматбаҳо совғалар, ҳадялар билан Тўхтамишнинг элчилари келишади. Хон Қуръони каримга бош қўйиб тавба-тазарулар қилади ва Соҳибқирондан кечирим сўрайди. Темур унинг тавбасини қабул қилиб, яна мурувват кўрсатади.

Ўн бир ойлик юриш Темурнинг ғалабаси билан тугаб Тўхтамиш тавба-тазару қилган бўлса ҳам кутилган натижани бермади. Эски ғаразғўйликлар зимдан давом этаверди. Тўхтамиш яна пайт пойлади. Ниҳоят у 1394 йилнинг кузида Соҳибқироннинг Озарбайжондалигидан фойдаланиб, ғаразли ниятини қайтадан бошлади. Тўхтамиш қўшинлари Дарбанддан ўтиб, Ширвоннинг шаҳар ва кишлоқларини талон-тарож қила бошлади. "Тўхтамишхон мендан енгилиб, – дейилади "Тузуқлар"да, – Жўжи улусини талон-тарожга ташлаб, ўзи қочган эди. (1391 йилги жанг назарда тутилмоқда – Н. А.). Кейинроқ менинг йўқлигим фурсатидан фойдаланиб, Дарбанд ва Ширвон орқали Озарбайжонга кўп сонли лашкар юбориб, фитнаю-фасод кўтарди. Бу вақтда мен ҳар иккала Ироқни ҳам эндигина забт этиб бўлгандим. Тўхтамишхонни йўқотиш учун беҳисоб лашкар билан Дарбанд йўли орқали яна Дашти Кипчоққа юришни маслаҳат кўрдим".

Темур Тўхтамишнинг мунофиқона хатти-ҳаракатларини эшитиши биланоқ уни узил-кесил бартараф этишга киришади. Пухта тайёргарлик кўриб, қўшинларини кўрикдан ўтказганидан сўнг 1395 йилнинг февралда Тўхтамишни тор-мор этиш учун йўлга тушади. Ўн бешинчи апрель куни Терек дарёси соҳилидаги жангда у ҳарбий санъати ва маҳоратини яна бир бор кўрсатади. Бу гал унга моҳир саркардалардан бири Эдикуднинг режаси қўл келади. Укаси Исобек Тўхтамиш қўшинида жанжал чиқариб, Оқтой, Ёрлик ўғлон ва Тоштемир ўғлонлар бошчилик қўшин туманларининг жанг майдонидан чиқиб кетишини таъминлади. Натижада Тўхтамиш қўшинлари заифлашиб бу ҳол бошқа қўшин гуруҳларида ҳам иккиланиш ва саросимага сабаб бўлади. Мағлубиятнинг муқаррарлигини билгач, Тўхтамиш қўшинлари

билан Дон, Днепр, Крим ва Кавказ тоғлари томон чекинади. Ўзи эса Литвага қочиб, князь Витовт пойтахтида паноҳ топади. Ана шундай қилиб, Терек дарёси соҳилидаги жанг Тўхтамиш хукмронлигига батамом чек қўйди.

Ибн Арабшоҳ бу жанг ҳақида шундай ёзади: "Бу хусумату ладад уч кунга яқин давом этди. Кейин губор ёйилиб, Тўхтамиш аскарлари енгилиб, "орқасини ўгириб қочгани" аён бўлди. Унинг аскарлари даҳшатга тушиб қочди. Темур қўшинлари Дашт ерларида тарқалиб ўрнашиб олди. Темур Даштнинг (барча) қабилаларига эгалик қилиб, уларни бошдан охиригача забт этди".

А. Ю. Якубовский ёзади: "Тўхтамиш қўшинининг Терек дарёси бўйида тор-мор этилиши ва 1395 йилда Берка Саройнинг хароб қилиниши Олтин Ўрдага жуда кучли зарба бўлди, шундан кейин у ўзини ҳеч ўнглай олмади. Қадимдаги Русга қанчадан-қанча жабр-зулм ўтказган давлат жуда заифлашди. 1395 йилдан кейин эса, Олтин Ўрда тушқунликка туша бошлади. Мамай қўшинларининг 1380 йилда Куликова даштида тор-мор этилиши Олтин Ўрдага берилган биринчи зарба эди. 1395 йилда Терек дарёси бўйидаги мағлубият ва Саройнинг тор-мор қилиниши эса Олтин Ўрдага берилган охириги зарба бўлди. Гарчи Темур Ўрта Осиё манфаатларини кўзлаган ҳамда Москва князлари билан алоқа боғламаган ҳолда Олтин Ўрдага қарши кураш олиб борган бўлсада, бу кураш натижасида у Ўрта Осиёни бирлаштирибгина қолмасдан, балки объектив равишда Рус учун жуда катта хизмат қилди.

Олтин Ўрда хони Тўхтамиш устидан эришилган ғалабаси билан Темур фақат Мовароуннаҳр ва Россия учунгина эмас, балки бутун Овropa учун ҳам катта хизмат қилган эди. Шу ғалаба туфайли Рус князлари, айниқса Москва князлари бир неча ўн йиллар мобайнида хавф-хатарсиз яшадилар, Россиянинг мустақиллиги, халқаро миқёсга чиқиши, иқтисодий-сиёсий ривожини учун истикбол йўллари очилди. Россия халқларининг мўғуллар зулмидан қутулишини камида уч асрга тезлаштирди.

Бу ғалаба туфайли Соҳибқирон биринчи ва олтинчи иқлим (Хоразм, Мовароуннаҳр, Фарғона, Дашти Қипчоқ) вилоятлари, улуслари ва қалъаларини ўз тасарруфига киритиб Марказий Осиёдаги қарийб бир ярим асрлик мўғуллар хукмронлигини таг-туги билан бартараф этди. Феодал тарқоқликка чек қўйди. Шунингдек худудда осойишталик қарор топди, адолат ўрнатилди.

савдо-сотикни ривожлантириш учун кенг имкониятлар очилди. Марказий Осиёда қудратли марказлашган темурийлар давлати вужудга келди.

Темурнинг Кавказ, Эрон, Ҳиндистон, Кичик ва Олд Осиё сарҳадларига қилган "Уч йиллик", "Беш йиллик", "Етти йиллик" ҳарбий юришлари эса салтанатнинг жаҳон миқёсидаги мавқеини кўтариш, савдо ва бошқа соҳалардаги алоқаларини кенгайтириш, буюк Ипак йўлини тиклаш, уни янада кенгайтириш каби мақсадларга хизмат қилди. Буни қуйидаги далиллар ҳам исботлайди.

XIV асрнинг иккинчи ярмида Эрон алоҳида мустақил давлат эмасди. Унинг бир томони Жалойирлар давлати (1336-1441) бўлиб Озарбайжонга, иккинчи томони Сарбадорларга (1336-1381) тегишли бўлиб, Хуросон вилоятининг бир қисмини ташкил этарди. Шунингдек, Ҳиротда Курдлар сулоласи ҳам фаолият кўрсатаётган эди. Бу феодал тарқоқлик Эронда кучли ҳокимият йўқлигидан, ўзаро бирлашиш даражасига етмаганлигидан далолат берарди. Бундан ташқари ўша сулолалар ўртасида ҳам ўзаро зиддиятлар кучли эди. Шу боис Эрон аҳолисининг бир қисми ўзларига газийк, жабр-зулм, ситам ўтказаётган ва талончиликни тобора кучайтириб юбораётган династиялардан қутқаришни сўраб Соҳибқиронга мурожаат қиладилар.

Соҳибқирон 1381 йили Эронга юриш қилган маҳалда унга қаршилиқ кўрсатадиган куч деярли йўқ эди. Буни шундан ҳам аниқ билиш мумкинки, ўша маҳал Ҳиротда Курдлар сулоласидан бўлган Ғиёсиддин Пир Али мамлакат ҳукмдори эди. У ғоят муруватли, юмшоқ кўнгилли киши эди. Шаҳарни химоя қилиш учун зарур бўлган барча имкониятлар мавжуд бўлганлигига қарамай у Ҳирот аҳолисини босқинчиларга қарши курашга ҳозирламади. Аксинча ўзи Ихтиёрдин қалъасига бекиниб олади. Шаҳар аҳолиси қарши курашиш ўрнига Соҳибқироннинг ваъдаларига ишонади ва Ҳирот қалъаси дарвозаларини Темур қўшинларига кенг очиб беради. Соҳибқирон имомлар, мударрислар ва бошқа дин пешволарининг шаҳарни тарк этиб, Шаҳрисабзга кўчишлари ҳақида фармон беради. Ҳиротнинг гўзал, ҳашаматли ва чиройли қилиб безатилган дарвозаси ҳам улар билан жўнагилади. Али Яздийнинг ёзишича, бу дарвоза 1425 йилда ҳам бор эди. Курдлар сулоласи шу тарикка бартараф этилади.

Шу ўринда маълум сабабларга кўра тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолиб келаётган баъзи сабабларни эслаб ўтиш жоиз кўринади. М. Иванин асарларида кўрсатилишича, Темур

Курдистонни ишғол қилгандан сўнг қароқчиларнинг шу қадар адабини бердики, савдогарлар қарвонлари қимматбаҳо юклари билан ҳамма йўлларда қўриқчисиз бемалол юрадиган бўладилар.

1381 йили мустақил Сарбадорлар давлати барҳам топади. Хожа Али Муайяд ўзи ташаббус кўрсатиб уни Темурга топширади. Ўзи умрининг охирига қадар Соҳибқирон салтанатида садоқат билан хизмат қилади. Давлатшоҳ Самарқандий "Тазкират уш-шуаро" номли асарида шундай дейди: "Хожа Али (Муайяд) бир неча бор амир Вали билан тўқнашди ва уларнинг (бир-бирига) душманлиги бениҳоя кучайиб кетди. Амир Вали Сабзавор шаҳрини қамал қилди ва Хожа Али Муайяд улуг Амир Темур Кўрагондан ёрдам, мадад сўради ва Тоту номли кишисини Соҳибқирон ҳузурига юборди. Тўрт ойдан сўнг буюк Соҳибқирон Амир Темур Хуросонга лашкар тортди. Хожа Али Муайяд Сарахсга улуг Амир Темур Кўрагоннинг истиқболига борди, султонлик марҳаматига мушарраф бўлди. Улуг Амир Темурнинг... унга садоқати воқе бўлди ва (Хожа Али Муайяд) Хуросон мамлакатини Амир Темурнинг тасарруфига топширди. Ўзи Соҳибқирон мулозиматига машғул бўлди". XIV аср 80-йилларининг ўрталарида Сеистон, Хуросон Темур давлати таркибига қўшиб олинди. Сўнгра бутун Эрон Соҳибқирон қўшинлари томонидан забт этилди. Темур катта куч билан Озарбайжонга бостириб кирди ва 1397 йилдагина уни батамом истило қилишга муваффақ бўлди. Арманистон, Гуржистонни 1392 йилда бўйсундирди. 1398–1399 йиллари Ҳиндистонни ўзига қаратди.

1400 йилдан эътиборан Темур турк султони Йилдирим Боязид ва Миср султони Фаражга қарши юриш бошлади. Бу ҳарбий юришларга Овропа давлатлари ҳукмдорлари сабаб бўлди. Темур қўшинлари Кичик Осиё ва Суриянинг кўпгина шаҳарларини тезда ишғол қилади. 1401 йили Сурия тўлалигича Соҳибқирон тасарруфига ўтади. 1402 йили Анқара яқинидаги Айқарда Соҳибқирон билан Боязид қўшинлари ўртасида шиддатли жанг бўлади. Бу ўша даврдаги энг даҳшатли жанглардан бири эди. Унда ҳар иккала томондан 200 мингдан кўпроқ жангчи иштирок этади. Баъзи манбалар ва адабиётларда турлича фикрлар айтилади. Чунончи баъзи бирларида жами 200 минг қўшин иштирок этди дейилса, бошқаларида бу рақам қарийб бир миллион қилиб кўрсатилади. "Тузуқлар"да эса Боязиднинг 400 минг отлик ва пиёда қўшини қатнашганлиги айтилади. Рақамлар таҳлилидан ҳар томондан 200 мингтадан, жами 400 минг атрофида жангчи қатнашди, дейилган хулосага ҳам келиш

мумкин. Жангда Боязид енгиледи ва асир олинади. Улкан ғалаба Темур ва салтанатига шуҳрат келтиради. Ҳатто овропаликлар шундан сўнг Соҳибқиронга халоскор сифатида қарай бошлайдилар.

Соҳибқироннинг турк султони Боязид I устидан қозонган ғалабасининг тарихий аҳамияти ҳақида А.Ю.Якубовский "Темур" номли асарида шундай ёзади: "1400 йилда Темур аскарлари Ўрта Осиёдан узоқда – Фарбда турк султони Боязид I ва Миср султони Фаражга қарши жанг қилди. Ўша вақтда Темур кўп халқларни, масалан, Кичик Осиёдаги Сивасни, Суриядаги Халаб (Алеппо)ни ўзига қаратиб олган эди. 1402 йилда Анқара ёнида Темур иккинчи марта Боязид билан жанг қилди. Бунда икки томондан 200 мингдан ортиқ киши қатнашди. Усмон султони Боязид батамом тор-мор этилди ва асир олинди. Бу ғалаба фақат Осиё тарихи учунгина аҳамиятли бўлиб қолмади. Темур бу ғалабаси билан Овропа халқларига иккинчи марта хизмат қилди, Константинополнинг усмонли турклар томонидан босиб олиншини қарийб 50 йил орқага сурди".

Темур муҳим мавқега эга бўлган Хитойни забт этиш ҳақида ўйлаб унга пухта тайёргарлик кўра бошлади. 1404 йилнинг кузида 200 минг кишилиқ жанговар қўшини билан йўлга чиқади. Аммо нияти насиб этмайди. 1405 йилнинг 18 февраль куни Ўтрорда вафот этади. Шу тариқа Соҳибқирон юришларига нукта қўйилди.

Темур кўп жанг қилди ва ҳаммасида ғолиб чиқди, мағлубиятни билмади. Лекин ўша жангларнинг ҳаммаси турлича ўзига хос мазмунга эга эди. Шу боис унинг фаолиятини ўрганиш ва тадқиқ этишда уларнинг ҳаммасига инсофу диёнат ва иймон нуқтан назаридан қараб тўғри, холисона ёритмоқ даркор. Ҳарбий юришлари Қора ва Ўрта Ер денгизларидан то Ҳиндистон, Мўғулистон, Хитойгача, Ҳинд денгизидан Урал тоғларигача Москов остоналари ва Днепр соҳилларига қадар сарҳадларни забт этиб, буюк салтанат, тенгги йўқ қудратли империяни барпо этди. Буни "Амир Темур давлати" харитасидан ҳам яққол кўриш мумкин. "Тузуқлар"да уқтирилганидек, шамшир зарби билан йигирма етти подшоҳнинг тахтини эгаллади. Улар Эрон, Турон, Рум, Мағриб, Шом, Миср, Ироқу араб, Ироқу ажам, Мозандарон, Филонот, Ширвонот, Озарбайжон, Форс, Хуросон, Дашти Жете, Дашти Қипчок, Хоразм, Кобулистон, Бохтарзамин, Ҳиндистон ва бошқалар эди.

Соҳибқироннинг ҳарбий юришлари ҳақидаги таърифу

тавсифдан кўриниб турибдики, у ўз замонида қудратли ҳарбий куч соҳиби бўлиш билан бир қаторда мухораба услуб ва йўриқларини мукаммал эгаллаган ажойиб саркарда ҳам эди. Шу жиҳатлар унинг ҳаёти ва фаолиятида муҳим аҳамият касб этиб жаҳон тадқиқотчилари, жумладан тарихчилар ва бошқа соҳадаги олимлар учун тадқиқот олиб бориш ва тажриба ўрганиш манбаи бўлиб келмоқда.

Темур ҳарбий куч-қудратининг яна бир мустаҳкам таянч манбаи у жангчилари садоқати ва салоҳиятини ниҳоят кадрлар ва мудом мурувват билан тақдирлаб, рағбатлантириб турарди. "Тузуқлар"да шундай дейилади: "...мардона қиличлашган шижоат аҳлини дўст тутардим. Жанг майдонларига от чоптириб кириб-чиқиш усулларини, ғаним лашкар тўпини бузиб, сафларини синдиришни, найза санчиб, қилич чопишни, бутун уруш-талаш ишларини улардан сўрар эдим. Сипоҳгарлик ишларида уларга таяниб, улардан кенгаш тилар эдим...

...Сипоҳларимни ҳамиша жангга тайёр ҳолда тутдим, ойлик ҳақларини сўраттирмай вақтида берардим...Қайси бири кўзга кўринарли бирор хизмат кўрсатар экан, инъомлар бериб, бошқалардан айрича ҳурматлардим. Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларниқидан ортиқроқ кўрсам, уни тарбия қилиб, амирлик даражасига чиқарар эдим. Ҳатто кўрсатган хизматига яраша мартабасини янада кўтарар эдим".

Хуллас, бу масалада ҳасис ва очофат амир Ҳусайнга қараганда бошқача йўл тутди. Шу сабабли Соҳибқирон фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ жангчилари ҳурмати эҳтироми ва садоқатини қозониб бораверади. Ҳатто забт этган мамлакатларининг фуқаролари ҳам унинг жангчилари қаторига келиб қўшилаверардилар. Булар хусусида манбаларда маълумотлар анчагина. Шу ўринда Ибн Арабшоҳ ўз асарида кўпроқ бадий безак бериб айтган қуйидаги матнни келтириш мумкин. "(Темур қўшини ичида), – дейилади асарда, – Турон эрлари, Эрон ботирлари, Туркистон йўлбарслари, Бадахшон қоплонлари, Дашт (Қипчоқ) ва Хитой лочинлари, Мўғул қирғийлари, Жато йиртқиқлари, Хўжанд илонлари, Андикон аждаҳолари, Хоразм қурт-қумурсқалари, Журжон зараркунандалари, Сағониён бургутлари, Ҳисори шодмон ёвузлари, форс суворийлари, Жабал, Хуросон шерлари, сиртлонлари, Мозандарон (мода) шерлари, Жибол йиртқиқ (ҳайвон)лари,

Рустамдор ва Талкон тимсоҳлари, Ҳуз (истон) илонлари, чувалчанглари, тайолиса кийган Исфаҳон бўрилари, Рай, Ғазна ва Ҳамадон жониворлари, Ҳинд, Синд ва Мўлтон филлари, Лур вилоятлари қўчқорлари, Гур баланд тоғлари ҳўкузлари, Шаҳразўр чаёнлари ва Аскар Мукрам ва Жундий Сабур газандалари бор эди". Шунингдек Темур навқарлари орасида аёллар ҳам бўлиб, улар ҳам жангда матонат кўрсатишганлар. "Улар, – дейилади Ибн Арабшоҳ асарида, – (душман) эркакларига қарши туриб, мардонавор уруш қилардилар, жангда найза санчишда, қилич билан зарба беришда ва камондан отишда моҳир эркаклардан кўра ҳам ортиқроқ иш қилардилар".

Темур юриш бошлашдан олдин аввало қайси мамлакатга нисбатан ҳарбий юриш бошлар экан, ўша мамлакатни ипидан игнасига қадар пухта ўрганиб, барча масалалар бўйича тўлиқ тасаввур оларди. "Жаҳонгирлик қилишга киришганимда, – дейилади "Тузуқлар"да, – тўрт нарсани хотирамда маҳкам сақладим. Биринчиси – қайси мамлакатни забт этмоқчи бўлсам, тўғри тадбир ва кенгаш билан иш тутдим. Иккинчиси – хатога йўл қўймаслик учун ҳар бир ишни кўп ўйлаб, сергаклик ва эҳтиёткорлик билан қилдим. Шунинг учун менга Оллоҳнинг мададу инояти етиб, нима тадбир қўллаган бўлсам, тўғри ва рост чиқди. Ҳар ер эл-улусининг табиати ва мижозларини хотирамга келтириб, уларнинг табиатига мувофиқ йўл тутиб, шунга қараб уларга ҳоким тайинладим. Учунчиси – уч юз ўн уч асл зотли, шижоатли ва ақл-фаросатли эр йигитларни атрофимга бирлаштирдим. Бирлик-иттифоқлари шундай эдики, барилари гўё бир тандек эдилар. Барчаларининг мақсадлари, райлари, сўзлари ва ишлари битта эди. Бир ишни қилайлик деб қарор қилсалар, тугатмагунларигача ундан қўл узмас эдилар. Тўртинчиси – бугунги ишни эртага қолдирмадим. Юмшоқлик қилишга тўғри келса, мулоимлик қилдим қаттиққўллик ишлатиш вақти етса, қатъий чоралар кўрдим. Шошмаслик керак ерда шошилмадим, шошиларли ишларни кечиктирмадим. Қайси ишни чораю тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, унда қилич ишлатмадим.

Кундузлари тажрибали ва доно кишилар билан турли мамлакатларни забт этиш шатранжи (бу ерда бўлғуси ҳарбий юриш режаси ҳақида гап кетмоқда – Н.А.) устида бош қотирдим...ўзга мамлакатларни забт этиш йўлларини ўз кўнглимда чамалаб, қайси йўлдан кириб, қайси йўлдан чиқишни белгилар эдим".

ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ ТАШҚИ ВА ИЧКИ СИЁСАТИ

Хуллас, Темур ҳар бир ишни олдиндан пухта сарҳисоб қилар, "ипидан игнасиғача" ўрганар, такрорий кузатишлар ўтказарди. Мамлакат ҳукмдорлари, беклари, фуқароларининг кайфияти, улар ўртасидаги муносабатлар ҳақида аниқ маълумотлар тўплашни ҳам биринчи режага қўярди. Оддий меҳнат аҳлини айниқса ҳимоя қиларди. Шу боис фуқаролар Соҳибқиронни қўллаб-қувватлашга ўтардилар. Мана, баъзи бир аниқ мисолларга эътиборни қаратайлик.

Чунончи, Франция шарқшуноси Л.Лянглэ "Темур ҳаёти" номли асарида – "Темурнинг Ҳиндистон юриши пайтидаги асосий ташвиши – мамлакат йўлларини изғиб юрган сон-саноксиз қароқчилардан тозалаш бўлди", – деб ёзади. Курдистоннинг забт этилиши борасидаги маълумотларда ҳам бундай гаплар бор.

Тўғри, Темурнинг ҳарбий юришлари маҳалида баъзи бир тарафнинг қайсарлиги туфайли босқинчилик, талончиликка ўхшаб кетадиган ҳоллар ҳам юз берганди. Бундан кўз юмиш мумкин эмас. Ҳ.Вамберининг уқтиришича, Соҳибқирон ҳисобсиз бойликлар тўплайди. Аммо уларни ҳасислик ниятида сақламайди. Ҳунармандлар, дин пешволари, уламолар, олиму фозиллар, табиблар, умуман қўлидан иш келадиганларнинг барини ўз юртига, асосан Самарқандга олиб келди. Лекин ҳеч қачон бирор мамлакат халқини батамом қириб ташлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани йўқ. Темур нопок хиёнаткорлар, ўғри, алдамчилар, фуқаролар тинчлигини бузадиган муттаҳам диёнатсизларгагина шафқатсиз эди. Ҳ. Вамберининг хулосасига кўра, "...унинг фаолияти, хусусан душманлари тарафидан гувоҳ ҳисобланган ишлари ва урушлари, теранроқ қаралса, доимо бирор жиноятга жазо тарзида рўй берган. Тўғри, жазо қаттиқ, лекин адолатли бўлган. Исфаҳон ва Шерозда у хиёнат туфайли қатл қилинган аскарлари учун қасос олган. Бунга тарихнинг ўзи гувоҳдир. Сеистондаги қирғин Соҳибқироннинг бир умрга оқсоқ бўлиб қолиши сабаблари, амир Малик Маҳмуднинг сотқинлиги туфайли содир бўлган воқеалар юқорида айтилди.

Исфаҳонда бир кечада қарийб олти мингта навкар йўқ қилиб юборилган эди. Шерозда форс ҳокимининг жияни Шоҳ Малик бундан ҳам оғир қабоҳатга, яъни Темурни йўқ қилишга уринди. Қирғинлар шулар боис юз берди. Хуллас, Соҳибқирон билан боғлиқ фожиаларни ёритишда уларнинг сабабларини тўғри кўрсатиш зарур.

Ҳарбий юришларида эришган ғалабалари, ташқи ва ички сиёсатда тутган одилона йўли Темур давлати кудратининг ошиши ва жаҳон миқёсига кўтарилишида ҳал қилувчи омил бўлди. Шу билан бир қаторда ҳамма масалаларда, хусусан хорижий мамлакатлар билан алоқалар ўрнатиш ва муносабатларни ривожлантириш тadbирларини тинмай давом эттириб бу мавқени мустаҳкамлаб борди. Россия учун оғир кулфатлар келтира бошлаган Олтин Ўрда хони Тўхтамишни маҳв этиб, Овропанинг бир неча мамлакатларини тасарруфига киритиши ҳамда жуда катта хавф-хатарни вужудга келтириб турган турк султони Боязиднинг жиловини тортиши Овропа халқлари тараққиётида янги бир даврни бошлаб берди. Бу исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир. Овропаликлар Соҳибқиронни халоскор сифатида тан олиб, унинг кудрати, марказлашган империяси билан ҳамма соҳаларда алоқалар, ҳамкорликлар ўрнатишга интилдилар. Кўп ўтмай ўзаро муносабатлар янги изга кўча бошлади. Бир-бирларига элчилар юбориб дипломатик алоқалар ўрната бошладилар. Чунончи, Кастилия қироли Генрих III нинг элчилари Пайпо де Сато Майор ва Эркан Санчес де Паласуллослар Соҳибқирон қабулида бўлдилар. Темур эса ўз навбатида қирол Генрих III ҳузурига Мухаммад ал-Кешийни ёрлиқ билан юборди. Ҳукмдорлар ўртасидаги бундай ўзаро муносабатларда Султония архиепископи Иоани ва Испания элчиси Рюи Гонзалес де Клавихонинг хизматлари китобхонларга маълум. Темур ва европалик ҳукмдорларнинг бир-бирларига юборган номалари муҳим илмий қимматга эга бўлиб, бу ҳужжатлар хорижий давлатлар кутубхоналарида авайлаб сақланмоқда. Жумладан, Темурнинг Франция қироли Карл VI га йўллаган икки номаси ҳамда унинг жавоби нусхалари Париж миллий кутубхонасида, Англия қироли Генрих IV нинг Темур ва унинг фарзандларига йўллаган мактубларининг нусхалари Лондон кутубхонасида сақланмоқда. Улар Англия қиролининг кўп жилдлик "Ёзишмалар" китобидан ҳам жой олган. Аммо булар хусусида ўзбек китобхонлари ҳали мукамал маълумотга эга эмаслар.

Чунончи, ўша мактубларнинг бир қисми "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафтаномасида (1992 йил 25 сентябрь, 1993 йил 23 май) эълон қилинди. Уларда Боязид устидан қозонилган ғалабанинг моҳияти кўрсатилиб, томонлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, ҳамма соҳаларда, хусусан савдо-сотик алоқаларини

йўлга қўйиш ва уни кенг кўламда ривожлантириш, карвон йўллари хавфсизлигини таъминлаш масалаларига оид фикрлар олға сурилади. Жумладан, Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VI га 1402 йилнинг 1 августида йўллаган мактубида "тижорат ишларининг фойдали бўлувига ҳам эришайлик", дейилса, Карл VI нинг мактубида, жумладан, Темурнинг "христиан мазҳабига мансуб фуқароларига нисбатан мурувватли бўлаётганидан миннатдорчилик" билдирган. Кўрииб турибдики, ҳозирги мустақил Ўзбекистонда эндигина оммалашиб бораётган халқаро тижорат тушунчасига ўша вақтлар, яъни бобомиз Темур замонида асос солинган эди. Ташқи сиёсий-иқтисодий алоқалар, элчилик муносабатлари сингари кўпгина бошқа муҳим ишлар тарихи ва ибтидосини ҳам ана шундай тушунмоқ ва шарҳламоқ зарур.

Темур ўз олдига улуг давлатнинг ички сиёсати ва ишчан давлат тизимини қадимий тажрибалардан ижодий фойдаланган ҳолда тузиш, ҳарбий сиёсатни замон талаби асосида тобора такомиллаштириб, мўғул истилоси асоратларини тезроқ бартараф этиб, халқ хўжалигини оёққа қўйиш, савдо-сотикни, ху-нармандчилик ва тўқимачиликни йўлга қўйиш, муҳими аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, ислом динига ривож бериш, илм-фан, маданият, меъморчиликни тубдан ривожлантириш, ободонлаштириш ишларини кенг кўламда жадаллаштириш каби долзарб вазифаларни қўйган эди. Буларни бажаришга Мовароуннаҳрда ҳукмронликни ўрнатишга муваффақ бўлганданок киришганди.

Унинг бундай саъйи ҳаракатлари бир неча ўн йиллар таназулда бўлган улкан ҳудудни қоқоқликдан чиқариш, уни тараққиёт босқичига кўтариш осон эмас ҳамда катта куч-ғайрат, маблағ, билим ва оқилона тадбирларни талаб қиларди. Темурдаги табиат инъом этган ноёб ақл-заковат, истеъдод, қобилият ана шу ўринда ҳам қўл келди. У шижоат, матонат, фидойилик билан тиним билмай, куч-ғайратини шу мақсадларга сафарбар этди. Темурда суҳбатлашаётган кишиларнинг кимлиги, билим ва қобилиятини ҳис этиш қобилияти кучли эди. Ибн Арабшоҳ асарида кўрсатилганидек, "синчков бўлиб, ҳар бир ишоратдан огоҳ киши бўлиб, юз берадиган барча ишни кўриб-билиб турар эди. Унинг назаридан алдовчининг алдови яшириниб қолмас ва фирибгарнинг фириби ўтмас, ўз фаросати билан ҳақгўй ва ёлғончини ажратар эди. Ўз зийраклиги тажрибаси билан чин (ҳақ) насихатгўйдан сохта (насихатгўйни) идрок этар; ўз афкори

билан сал бўлмаса "учар юлдузни" тўғри йўлга бошқарар, ўз фаросати мулоҳазалари билан ҳар бир беҳато сайёра ўқини ўз орқасидан эргаштирар эди".

Одамларни маънавий дунёсини Темур уларнинг суратига қараб ҳам айта олар эди. "Амир Темур ўғитлари"да шундай дейилади:

"Самарқанд тахтини эгаллаб, азим Мовароуннаҳр бизнинг ҳукмимизга киргач, юртда адолат ўрнатмоққа аҳд этдик. Аркону давлат атрофинда кўп нобақор мардумлар ин кўймоқчи эрди. Инчунун, уларнинг замзамасидан хуноб бўлиб, бир тадбир буюрдим: "Мусаввирлар келган арзигўйнинг суратини чизиб, менга келтирсин. Арзигўйнинг қиёфатига боқиб, қабулимни айтармен..."

Мусаввирлар саройга келганларнинг суратини чизиб, менга келтиришар, арзигўйнинг пешона, бурун, даҳан, кўз ва бошқа сифатларига қараб, унинг мақсад ва феълини олдиндан билиб турардим. Бадфеъл ва хиёнаткорларни қабулимга йўлатмаслик ҳаракатида бўлдим. Бунда пирим шайх Шамсиддин Паррандадан (шайх Шамсуддин Кулол назарда тутилмоқда - Н. А.) "Илму қиёфа" - қиёфага қараб баҳо бериш ва олдиндан тақдирни башорат этиш илмини мукамал эгаллаганлигим ғоят қўл келди".

Соҳибқирон шунинг билан бир қаторда ўзидан олдин ўтган ҳукмдорларнинг тажрибаларини ҳам синчковлик билан ўрганди ва улардан ижодий фойдаланди. Пирлари, даврининг донг таратган авлиёларидан бири шайх Кулол, Зайнуддин Абу Бакр Тайободий, Мир Саййид Баракаларнинг бу борадаги йўл-йўриқлари айниқса муҳим аҳамиятга эга эди. Соҳибқирон ўз фаолиятида уларнинг таълимотларига қатъий амал қилар, ўзларини эса ҳамма вақт иззат-икром билан эъзозлар эди. Шу боис Ибн Арабшоҳ асарида уқтирилганидек, Темур доимо: "Салтанатдан эришган жамийки нарсам ва мустаҳкам маконларни фатҳ қилишим - буларнинг ҳаммаси шайх Шамсуддин ал-Фахурийнинг дуоси, шайх Зайнуддин ал-Хавофийнинг ҳиммати туфайли ва барча топган баракотларим эса фақат Саййид Барака ёрдамида бўлган", - деяр эди.

Абу Бакр Тайободий Ҳиротдан ёзган хатида Соҳибқиронга салтанат ишларида тўрт нарсага: кенгаш, машварату маслаҳат, қатъий қарор, тадбиркорлик, ҳушёрликка ва эҳтиёткорликка амал қилишни маслаҳат берган эди. "Чунки кенгаш ва машваратсиз

салтанатни барча қилган ишлари ва айтган гаплари нотўғри бўлган жоҳил одамга қиёс қилиш мумкин; унинг айтган сўзлари ва қилган ишлари, – дейлади "Тузуқлар"да, – бошқа пушаймонлик ва надомат келтиргай. Шундай экан, салтанатни бошқаришда машарату-маслаҳат ва тадбиркорлик билан иш юргизгин, токи оқибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмагайсан. Шунинг ҳам билишинг керакким, салтанат ишларининг бир қисми сабру тоқат билан бўлмай, яна бир қисми эса билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка солиш билан битур. (Хуллас), бажарилиши шарт бўлган тадбирларнинг таърифидан ва зикридан сўнг (шунинг таъкидлаш лозимки), қатъийлик, сабр, чидамлилик, соғлиғу сергақлик, эҳтиёткорлик ва шижоат билан барча ишлар амалга оширилур. Вассалом".

Ўз фаолияти давомида буларга мудом қатъий ва содиқлик билан амал қилганлигини унинг битиклари: "Темур тузуқлари", шунингдек, Ибн Арабшоҳ, Низомуддин Шомий, Али Яздий, де Клавихо ва бошқаларнинг асарларида ҳам кўриш мумкин. "Ишларимнинг барини, – дейлади "Тузуқлар"да, – кенгаш билан юргизиб, уни битиришда тўғри тадбир қўллар эдим.

Яна тажрибамдан ўтказдимки, кенгаш эгалари бирлик, иттифоқлик билан сўзда собит, ишда чидамли бўлишлари шартдир... Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим".

Али Яздий "Зафарнома"сида бу мулоҳазаларни тасдиқлаб, Соҳибқироннинг ҳокимиятни ўз қўлига олганидан сўнгги дастлабки тадбирларидан бири қатъий режа асосида қурултойлар ўтказиш бўлганлигини таъкидлайди. Қарши, Қорабоғ, Самарқанд ва бошқа жойларда бўлиб ўтган шундай қурултойлар ҳақида маълумотлар беради. Бундай қурултойларда мамлакатнинг турли жабҳаларига дахлдор муҳим масалалар муҳокама этилар, давлат ишларини бажаришда яқдиллик қилишга қаратилган қарорлар қабул қилинар ва шунга яраша муҳим тадбирлар белгиланар эди. Уларга барча шахзодалар, вазирлару амирлар, амалдорлар: сарҳад ҳокимлари, ҳарбий саркардалар жамул-жам бўлардилар. Уларнинг ҳар бири ўз ўрнига эга эди. Қараладиган масалалар қатъий тартиб интизом ва юқори савияда ўтказиларди. Қарорлари қатъий бўларди. Хуллас, Ибн Арабшоҳ қайд этганидек, "... У ўз давлати арконларини, мамлакат аъёнларини, ўз мулоҳаза ва машарат эгаси бўлган кишиларнинг биронтасини ҳам қолдирмасдан тўплардики, бола отанинг, ота эса боланинг ўрнини босолмасди".

Қурултой қатнашчиларининг ўринлари ҳам муайян тартиб асосида белгиланган эди. Чунончи, сайидлар, қозилар, уламо, фузало, шайхлар, улуглар ва ашрафлар подшонинг ўнг томонидан ўрин олганлар. Амир ул-умаро, бекларбеги, амирлар, нўёнлар, улус, туман ва қўшин садрлари, амирлари, мингбошилар, юзбошилар чап қўл томонда ўз мартабаларига яраша жойда ўтирганлар. Тахтнинг рўпарасидан эса девонбеги ва вазирлар жой олишган. Калонтар ва кадхудойлар вазирлар орқасида саф тортишарди. "Баҳодир" дейилган фахрий ном эгалари – йигитлар, қилич чопиб танилган ўғлонлар тахтнинг орқа ўнг томонида саф тортишарди. Қоровулбегилар эса чап томонида, хировул амири шоҳ рўпарасида бўларди. Ўғиллари, қавм-қариндошлари ўз даража ва мартабаларига кўра ой қўтонлагандек Темурнинг атрофини ўраб турардилар. Ясовуллар ўрни ҳам белгилди эди.

Темур пири Тайободийга мурожаат қилиб маслаҳат сўраган маҳалида шайх унга фотиҳа бераётиб бир чиганок узук ҳадя этади.

Узукнинг кўзига форсча "русто-рости" сўзлари битилган эдики, маъноси "куч адолатда" демак эди. Қўҳна тарихнинг гувоҳлик беришича Соҳибқирон бутун умрида пирининг шу ҳикматиға амал қилган ҳолда ҳокимиятни бошқаради ва ҳамиша зафар қозонади. Ана шу ҳикматга ихлоси баланд бўлганлиги учун ҳам Темур уларни уч иқлимни ифодаловчи бодомсимон белгига номи билан қўшиб муҳр ясатади. Де Клавихо ўзининг "Кундалиги"да бу ҳақда "Мен бу сўзларга ўз номимни қайд қилиб, тошдан муҳр яساتдим" – деб Соҳибқироннинг ўзи айтганлигини қайд этади. "Темур тамғасининг нақши "русто-рости" бўлиб, – дейлади Ибн Арабшоҳ асариде, – ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан" демакдир. Унинг отларидаги тамға, танга тиллаларига зарб бериладиган белги ҳам уч ҳалқадан иборат эди.

Соҳибқирон салтанат тахтиға ўтиргач, пирларининг кўрсатмалари асосида мўғуллар босқини туфайли ҳолдан тойган мамлакатда қатъий тартиб, қонун-қоидалар жорий этди. Булар салтанат ишларини бошқариш, амалдорлар билан бўладиган муносабатларни яхшилаш ва уларнинг ҳокимиятни қўллаб-қувватлашиға эришишнинг асосий омилларидан бири бўлди.

Қудратли марказлашган давлатни вужудға келтирар экан Темур уни асосан фарзандлари, неваралари, яқин кишилари ёрдамида бошқарди ва маълум ижтимоий-сиёсий қатламларға

таянди. Бу қатламлар "Тузуклар"да қайд этилишича, қуйидагилардан иборат эди: 1. Муҳаммад пайғамбарнинг авлодлари, саййидлар, уламолар, шайхлар. 2. Тажрибали билимдонлар. 3. Дуоғўй доно тақводорлар. 4. Амирлар, сарханглар, сипоҳсоларлар. 5. Сипоҳ ва раият. 6. Салтанат ишларини, унинг сиру асрорларини билган, кенгашурга муносиб оқил, ишончли кишилар. 7. Вазирлар, саркотибу девон муншийлари. 8. Ҳақимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандислар. 9. Муҳаддислар, ровийлар. 10. Машойихлар, сўфи ва орифлар. 11. Ҳунар ва санъат аҳли, турли мамлакатлардан келган сайёҳу мусофирлар, савдогарлар. Улар турли мамлакатлардан хабар келтириб турганлар.

Темур ўзига қадар бўлган анъаналарга кўра, ҳокимиятда Суюрғатмиш (1370–1398) ва унинг ўғли Султон Муҳаммадхон (1389–1402) исмли сохта хон сақладик, аслида улар бирор ишга аралашмасдилар. Султон Муҳаммадхон вафотидан сўнг бундай сохта хон сақлашлик бекор қилинди. Пойтахт Кешдалиқ маҳалидаёқ, Амир Довуд девон амири – Бош вазир қилиб тайинланган эди. У асосан, салтанатнинг муҳим ишларига мутасаддилик қиларди. Бўрибой Аҳмедовнинг сўзи билан айтганда, кундалиқ жорий ишлар, раиятнинг ҳол-аҳволи, вилоят ва ўлкалардан олиб туриладиган ҳосил, олиқ-солиқ, кирим-чиқим ишларини бажариш каби муҳим вазифалар Вазири аъзамнинг зиммасида эди. Хазинани, шунингдек эл-юрт фаровонлигини таъминлаш ҳам унинг зиммасида эди. У фақат олий ҳукмдор (подшоҳ, хон) олдида ҳисоб берарди.

Девони амир, яъни Бош вазирдан ташқари ҳар бир вилоятнинг ўз девони-бошқармаси ташкил этилади. Уларнинг бари девон амирига бўйсуниб – солиқ йиғиш, тартиб сақлаш, ижтимоий бинолар, бозорлар, ҳаммомлар, йўллар, сув иншоотлари тармоқларини назорат қилиш каби барча давлат ишларини бажарардилар, фуқаронинг хулқ-аҳволини кузатиб турардилар, вақти-вақти билан турли сўроқ, текшириш, тафтиш, баъзи ҳолларда эса тергов ишларини ҳам олиб борардилар.

Темур салтанатини бошқаришда вазирлар муҳим рол ўйнаганлар. Шу боис ҳам Соҳибқирон уларни танлаш ва тайинлашга жиддий эътибор берарди. Бундай пайтда уларнинг тўрт сифатига эътибор қаратиларди. "Тузуклар"да кўрсатилишича, биринчиси – асиллик, тоза наслик; иккинчиси – ақл-заковат ва фаросатлилиги; учинчиси – сипоҳу раиятдан хабардорлиги, уларга нисбатан бўлган хушмуомаласи; тўртинчиси – сабр-

тоқатли, чидамлилиги ва тинчликсеварлиги. Улардан мудом адолат юзасидан иш юритиш, шариат аҳкомларидан четга чиқмаслик талаб этиларди. Тарихий манбалар, воқеалар тафсилотлари буларнинг талаб даражасида бажарилганлигини тасдиқлайди".

"Қамолатга эришган вазир улким, – дейлади "Тузуклар"да, – давлат муаммоларини тартибга келтириб, мулкий ва молиявий ишларни тўғрилиқ билан, асли насли тозаллигини кўрсатиб, ажойиб тарзда бажаради. Олгулик жойидан олиб, бергулик ерга беради. Рухсат этувчи ва таъқиқловчи буйруқларида унинг асиллиги ва тоза наслиги кўриниб турсин. Душманлик ва жабрзулм қилмайди. Хоҳ сипоҳдан, хоҳ раиятдан бўлсин, ҳар кимнинг номини яхши сўзлар билан тилга олади. Бировдан ёмонлик ахтармайди, айтсалар эшитмайди. Агар бировдан ёмонлик кўрган бўлса, унга нисбатан шундай муомала қиладики, у шахс (охири) ёмонлигидан қайтади. Ўзига ёмонлик қилган одамга нисбатан шундай яхшилик қиладики, у олдида бош эгиб келади".

Соҳибқирон салтанат амалдорларини танлашда барча қабилалар манфаатларини ҳам ҳисобга олардики, бу ҳозирги давр учун ҳам муҳимдир. В.В.Бартольд Ибн Арабшоҳга асосланиб, бу ҳудудда истиқомат қилувчи орлот, жалойир, қовчин ва барлос қабилаларини кўрсатади. Бу қабилаларнинг манфаатлари ҳеч қачон инobatдан четда қолган эмас. Девон ва вилоятлар бошқарувларининг амалдорлари тайин қилингандан сўнг шу қабилалар манфаатларини кўзлаб тўрт вазир тайинланади. Шу ўринда ҳамма вазирлар ҳақида манбаларда тўлиқ маълумотлар ҳозирча йўқ. Уларнинг сони ҳам ҳатто тўлалигича маълум эмас. Дастлаб тайин қилинган тўрт вазир хусусида Ибн Арабшоҳ шундай ёзади: "Улар мамлакатнинг (кўзга кўринган) аъёнлари ҳисобланиб, бошқа ҳар бир кимса улар фикрларига иқтидо этарди. Арабларда қанча бўлса, туркларда ҳам қарийб шунчалик қабила ва гуруҳлар бордир. Ўша вазирлардан ҳар қайсиси бир қабилага мансуб бўлиб, ўз фикр чироғи билан у қабила ўйларини ёритувчи бир узун пилик мисоли эди. Улардан бирининг қабиласи орлот, иккинчисиники жалойир, учинчисиники қовчин, тўртинчисиники барлос деб аталарди. Темур тўртинчи қабила ўғлони эди".

Бу тадбирлар Темур давлати осойишталигини таъминлаш, мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди. Соҳибқирон салтанатининг яна бир ибратли томони вазирларнинг ҳар куни

девохонада бўлиши шартлигидир. Уларнинг кундалик вазифалари аниқ белгилаб қўйилган эди. Ер солиқлари, бож, ўлпон, солиқ ундириш, мишаблар ишнни бошқариш, хуллас кундалик муаммоларнинг ҳаммаси биринчи вазир зиммасида бўларди.

Иккинчи вазир сипоҳ ишларининг мутассаддиси эди. Улар сипоҳларнинг маошлари ва ерларини (бу ерда тожу тахт учун қилинган хизматлари эвазига берилган инъом маъносида) бошқариб, уларнинг тарқоқ ҳолга тушиб қолмасликларидан мунтазам хабардор бўлиб турганлар.

Учинчи вазир эгасиз қолган ер ва мол-мулклар, келиб кетувчи савдогарлар ва улардан олинадиган закоту божларни, шунингдек мамлакат чорвасини бошқариб, шулардан келадиган даромадларни омонат сақлаганлар. Мабодо ғойиб бўлган ёки вафот этганларнинг мол-мулклари бўлса уларни ўз мерос-хўрларига топширганлар.

Тўртинчи вазир салтанат ишларини юритувчи бўлиб, у ўзига қарашли ҳамма маҳкамаларнинг кирим-чиқимлари, хазина сарф харажатлари, ҳатто отхона ва сарой жонзотларига сарфланадиган маблағдан огоҳ бўлади.

Давлат қурилишидаги яна бир эътиборли масала шу эдики, вазирлардан иккитасига ўта масъулиятли, ҳар қандай шароитда ҳам Соҳибқироннинг ўзини кузатиш, уни доим тўғрилиқка даъват этиш, ундан чиқишига йўл қўймаслик вазифаси юклатилган эди. Улар Темур фаолиятини муттасил равишда синчковлик билан кузатиб, барча ҳақ гапларни айтишдан асло чўчимас эдилар. Бу хусусда ёзма манбаларда хабар берилади.

"Мен ўзимга адолатли ва раҳмдил тўрт вазирни танладим, – дейилади бирида. – Улардан иккиси Маҳмуд Шаҳоб Хуросоний ва Носириддин Маҳмуд ал-Аромий эди. Бу икки вазиримга доимо мени кузатиб туришларини ва агар мен адолатсизлик қиладурғон бўлсам, дарҳол мени тўхтатишларини, кимнингдир ёлғон сўзларига инонсам ёки бегона кимса мулкига хиёнат қиладурғон бўлсам дарҳол мени огоҳлантиришларини таъкидлаб қўйдим".

Уларга топширилган вазифа ўта масъулиятли эди. Буни ҳар қандай киши журъат этиб бажара олмас эди. Шу боис Соҳибқирон уларни танлашда ибратли усулни қўллаган эди. Чунончи, Маҳмуд Шаҳоб – кўзга кўринган баҳодирлардан эди. Йиллар ўтавериши билан белидан қуввати, билагидан кучи кетгач, жанг пайтларида назоратчилик, тинчлик маҳалида исёну қўзғолонлар ва ўзаро низоларни кузатадиган бўлди.

Носириддин Маҳмуд эса назоратчилик мансабига келишидан олдин халқ ҳаками этиб сайланган эди. Амалдор сифатида у мудом адолат, ҳақиқат тарафдори сифатида фақат фуқаролар манфаатларини кўзлаб иш тутарди. Носириддин Маҳмуд шу хислатлар туфайли вазирликка танланган эди. Бир гал Темур унинг қобилиятини шахсан кузатмоқни ихтиёр этди. Ногоҳ ҳузурига тўпигигача тушадиган узун оқ қўйлак кийиб белига арқон боғлаб олган, узун асоли қария кириб келди. Сўнгги сафари арқинлашиб қолган одамнинг Соҳибқирон ғазабидан мутлақо қўрқмаслиги чеҳрасидан билиниб турарди. Бу ўша кекса бобо Носириддин эди.

– Адолатли жазо бериш учун нима қилмоқ керак?! – сўради Темур.

– Сенинг ҳакамларинг тарозуси икки паллаликдур, адолат тарозусининг эса уч палласи бор. Ҳакамларинг жиноят ва жазони ўлчайдилар. Сен учинчи паллани қўшиб, аввало жиноятчини, кейин жиноятни ва ниҳоят шунга яраша жазони чамалаб ўлчашни буюр. Шундагина ҳукминг адолатли бўлади! – Донишманднинг жавобидан қаноат ҳосил қилган Темур уни назоратчи деб эълон қилади.

Темур давлатида ҳатто арзбеги ҳам бўлиб, давлат кенгашида унинг алоҳида ўрни бўларди. Унинг вазифаси арз билан келганларни тинглаб одилона ҳал қилишдан, баъзи бир муҳимларини Соҳибқирон ҳузурига олиб кириш ва илтижоларини ҳар қандай шароитда ҳам адолатли ҳал қилишдан иборат эди. Одилона ҳал қилиш, айбдорларни қонун асосида жазолашни талаб этарди.

Бундай ҳукмдорлик фақат Темурга хос эди. Шу боис у халқ эҳтиромини қозонди. Шунингдек унинг яна бир улуг сифати ақл-заковатли, ҳалол-покиза, садоқатли, фидойи, ўз фаолиятини фақат давлат, халқ ишига бахшида қиладиган диёнатли, оқилу фозил кишиларни атрофига тўплай олганлиги эди.

Мулкнинг ҳисобини олиб боришга мутасадди мансабдор садрлар эса саййидлар ва бошқаларга суюрғол сифатида берилган ерлар, вақфларнинг аҳволини, улар ўз вазифаларини қай тарзда бажарётганликларини назорат қилиб шахсан Соҳибқироннинг ўзига ахборот бериб турардилар. "Амр қилдимки, – дейилади "Тузуқлар"да, – садрлар (вақф ерлар ва вақф этилган бошқа мулкнинг ҳисоб китобини олиб боровчи мансабдор) саййидлар ва бошқа арбобларга суюрғол тариқасида берилган ерлар ва вақфларнинг аҳволини, улар вазифаларини қай даражада адо этаётганликларини текшириб, менга арз қилиб турсин..."

Салтанатнинг ҳар бир идорасида кирим-чиқимларни, кундалик харажатларни ёзиб бориш учун бир котиб тайинлансин..."

Амалда ҳам худди шундай эди. Котиблар мажлисларда муҳокама қилинган масалалар ва белгиланган тадбирлар тафсилотларини ёзиб борардилар. Ҳеч нарса эътибордан четда қолмасди. Муншийликка ўта саводли, билимдон, иқтидорли, ҳамма ишга қобилиятли кишилар танланарди. Улар мудом ўз ишларидан, шунингдек, Темур марҳаматидан мамнун юрганлар: Жумладан, Ибн Арабшоҳ девони бош муншийларидан бири мавлоно Шамсуддин ҳақида шундай ёзади:

"... Унинг девони муншийси: у (фақат) котиб ус-сир мавлоно Шамсуддиндан иборат бўлиб, у замонасининг қозиси, (ўз) даврининг фозили эди. Иншо хабарларини тузишда у форсий ва арабийда хоҳлаганича тасарруф юритарди. Унинг қаламининг тиғи ўз иқлимлари фатҳида маҳдуми (Темур)нинг найзасидан ҳам ўтқир эди. Темур ўлгандан кейин (бу ишдан) у ўзини четга олиб, адабиёт бисотини йиғиштирди. Шунда унга: чехралар шодланди, сен ҳам шодланмайсанми? Ишрат соф бўлди, (сен ҳам) айшу ишрат қилмайсанми? – дедилар. У: "Менинг қийматимни биладиган одам дунёдан ўтди ва энди мен бошқалар хизматида ўз ҳурматимни кеткизмайман", – деди.

Темур ўтмиш тажрибалари асосида булардан бошқа ҳам мансаблар жорий қилган эди. Чунончи вилоятларни туманларга бўлиб уларга бошлиқлар тайин этди. В. В. Бартольднинг гувоҳлик беришича, Самарқанд вилояти, ҳатто XVIII асрда ҳам етти тумандан иборат бўлиб, уларнинг ўз мингбоши, юзбоши, элликбоши, ўнбоши, овул оқсоқоли каби мансабдорлари бор эди.

Манбаларда Темур ўз лашкарларидан 313 нафарини саралаб турли мансабларга тайинлагани хабар қилинади. Уларнинг 100 нафари ўнбоши, 100 нафари юзбоши, 100 нафари мингбоши лавозимларини эгаллаган. Қолган 13 нафари эса бекларбеги, амир ул-умаро мансабини олганлар.

"... Жанг пайтида, – дейилади "Тузуқлар"да, – амир ул-умаро – амирларга, амирлар – мингбошиларга, мингбошилар – юзбошиларга, юзбошилар – ўнбошиларга бошлиқ деб буйруқ бердим. Шунингдек, ўнбошининг ишини – юзбошига, юзбошининг ишини – мингбошига, минбошининг ишини – амирга, амирнинг ишини – амир ул-умарога буюрмасинлар. Ўнбоши билан битарлик ишни юзбошига, юзбоши битирса бўладиган ишни мингбошига юклаганлар. амирлардан қайси бири ўзи қизиқиб иш сўрар экан, унга буюрса бўлур".

Уларнинг бошида фақат Соҳибқироннинг ўзи турар ва барчасини қаттиқ назорат қиларди. Раҳбарлик ва интизом шу қадар мустақкам, мукаммал эдики, мансабдорлар ўз вазифаларини фақат юқори савия билан бажаришга ҳаракат қилардилар. Жузъий нуқсон учун қатъий чоралар кўрилиб, бурчини ҳалол адо этганлар ҳар томонлама рағбатлантирилар, юқори мансабларга кўтарилардилар. Темурий иш юритиш интизоми ана шундай эди.

Соҳибқирон анъанага кўра салтанатнинг Мовароуннахрдан бошқа ҳудудларини фарзандлари, неваралари, қариндош-уруғлари ва садоқатли амалдорларига суюрғол қилиб берди. (Суюрғол – инъом, совға, ўрта асрларда қўшин бошлиқлари, кўзга кўринган сарой шоирлари, йирик мансабдорлар, руҳонийлар умуман давлат олдида хизмати бўлган шахсларга ҳукмдор томонидан қилинадиган инъом, ер-сув, мол-мулк ва бошқа). Суюрғол қилинган мулк авлоддан-авлодга кўчаверарди.

Соҳибқирон Кобул, Ғазна ва Қандаҳор вилоятларини, умуман Синд дарёсига қадар бўлган ерларни, ўн икки минг отлиқ навкар билан тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзога инъом этди. У 1376 йилда вафот этганидан сўнг бу вилоятларга Балхни кўшиб, унинг ўғли Пирмуҳаммад ихтиёрига топширди. Иккинчи ўғли Умаршайх Мирзо Фарғона ҳукмдори бўлди. Сўнгра уни 1393 йили Форс вилоятига кўчирди. Ихтиёрига ўн минг кишилик қўшин ҳам топширди. 1380 йилда Мироншоҳ Мирзога тўққиз минг кишилик қўшин билан Хуросон тегди. 1393 йилда Табризга ўтказилди. Элхоний Хулоқухон (1256–1265) тахти Мироншоҳга насиб этди. Унга тегишли улус – Ғарбий Эрон, Озарбайжон ва Ироқни ҳам ўз ичига олди. Кенжа ўғли Шохрух Мирзони саккиз минг кишилик қўшин билан Хуросон ҳукмдори этиб тайинлади.

Бу улуслар марказий ҳокимиятга бўйсунганликлари билан, маълум даражада мустақил ҳам эдилар. Уларнинг ўз давлат тизимлари, ҳазинаси ва қўшинлари бор эди. Марказий давлатга қарамлик хирожнинг муайян қисмини тўлаш ва лозим бўлган тақдирда хабар етиши ҳамоно қўшин билан етиб келишигина ифодасини топарди. Темур ҳали ҳаётлиги замонида улус бошлиқларининг мустақилликка интилишлари мутлақо сезилгани йўқ. Бундай бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Аммо Соҳибқирон вафотидан сўнг улуг салтанатда парокандалик бошланиб кетди.

Амир Темур бошқариш усулини азалий тажрибалар асосида ташкил этган бўлса ҳам ўз замони нуқтаи назарига кўра ихчам сарҳадларга бўлган эди.

Соҳибқироннинг ҳаммани лол қолдирувчи ҳарбий сиёсати жаҳоншумул тарихий аҳамиятга моликдир. Шунинг учун ҳам

ҳарбий тарихда ўрта асрнинг энг йирик лашкарбошиларида бири сифатида қайд этилади. Темур ёшлигидан ҳарбий маҳоратни эгаллашга қизиқди. Болалик пайтларидаги интилишлари, "уруш-уруш" ўйинлари ва унда тенгқурларига дарҳол лашкарбоши бўлиб олишлари бунинг бошланиши эди. Тўғри амирлар азалдан ҳам ҳарбийлардан чиқарди. Масалан, М. Иванин "Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур" номли асарида Соҳибқирон ҳарбий маҳоратни ўзидан олдин ўтганлар, биринчи навбатда, Чингизхондан ўрганди, дейди. Бу бир жиҳатдан балки тўғридир, ammo Темурнинг ўзида Оллоҳ берган истеъдод азалдан борлигини сира унутмаслик лозим.

М. Иванин яна шундай ёзади:

"Ҳали биронта ҳам халқ тўғри сафланишни билмай тартибсиз тактик ҳаракатларсиз, фақат ўзидаги жасорат даражаси билан узуқ-юлуқ жанг қилаётган бир пайтда Темурнинг тўғри сафланган, бир неча йўналишдан иборат мунтазам тартиб билан жангга кирувчи, кучли заҳирага эга бўлган интизомли армияси бор эди".

Темур юришларида бундан олдин кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жанговар услуб ва ҳийлалар ишлатгани маълум. Шунинг ўзи ҳам унинг ўзига хос тенгсиз савиядаги мухораба қобилиятидан далолат беради. Кўпгина масалаларда жангчиларга намуна қўрсата оларди. Шу ўринда баъзи бир мисолларни келтириш жоиздек кўринади. Ҳ. Вамбери асарида айтилишича, Амир Темур "Балх орқали Ҳиндикушнинг қорли чўққилари бўйича кетди. Киши вужудини зиркиратадиган совуқлар ҳамда тоғликлар билан бўлган қизиқ тўқнашувларнинг ҳеч бири Темурнинг юришига халақит бера олмади. У улкан қоялардан арқонга осилиб тушишга амр этди. Ўзи ҳам шундай тушди".

Манбаларда унинг ҳайратланарли даражадаги ишлари хусусида қизиқарли маълумотлар учрайди. М. Иванин ўзининг "Ҳарбий санъатнинг аҳволи" номли асарида шундай ёзади:

"... йигирма олтинчи январь куни (1398 йил) Темур ўз лашкарининг бир қисми билан Толонкур (Ҳиндистон) шаҳрига етиб келди. Бу ерда у Ганг дарёси бўйлаб 48 та кемада гебрлар (ҳиндистонликлар) сузиб келаётганидан хабар олиб, у ўз лашкарларини ҳужумга бошлади; унинг жасур аскарлари от устида жуда тез оқаётган дарёга ташланиб, кемалар сари суза бошладилар, етиб боргунча камонлардан ўқ ёғдириб, кемаларга етгач эса, унинг устига тирмашиб чиқиб, қиличлар билан душманга қирон келтирдилар, гебрлар шу қадар ўзларини йўқотиб қуйдиларки, ҳеч қандай қаршилик кўрсата олмадилар.

Темур лашкарлари ҳеч қийинчиликсиз кемаларнинг катта қисмини кўлга киритишди. Тез оқаётган дарёдан от устида сузиб келиб, кемадаги душман билан жанг қилиш ҳарбий тарихда ҳеч қачон учрамаган эди.

Темур лашкарбоши сифатида қанчалик эҳтиёткор ва мулоҳазакор бўлмасин, ammo баъзан Александр Македонскийга ўхшаб оддий навкар сифатида энг дадил тадбирларни амалга оширишни яхши кўрар эди. Масалан, бир куни у Ганг дарёсининг нариги қирғоғида ҳиндларнинг 10 минг пиёда ва отлик аскарлари тўпланганидан хабар топиб, ўз ихтиёридаги бор-йўғи минг отлик аскар билан (кейинроқ уларга яна беш юз аскар қўшилди) дарёни сузиб ўтиб, душман устига ташланади ва тум-тарақай қочиради.

Амир Темур ҳарбий сиёсатининг яна устунлик томони шундаки, унинг ҳарбий кўшинлари барча томондан чиниққан. ҳамма жойда ва ҳамма томондан жангга тайёр эди. Ибн Арабшоҳ асарида кўрсатилганидек, унинг аскарлари ва улар тутган йўллар, ўз подшоҳларининг йўлида бўлиб, ўзларига маълум бўлмаган воситалар орқали даражадан-даражага кўтарилар, ва гумон қилмаган томонларидан уларга ризқ келиб турарди. "Уларга пинҳона дафиналар мусаххар, яширин хазиналар очиб, бекик матлабу маъданлар уларга муяссар бўларди. Унинг аскарлари (қадами) барча томонларда жавлон уриб, савлат тўққан бўлиб, маломат йўлларида като (қуши)дан кўра ҳам тўғри йўл бошловчи бўлиб қолди. Улар (олдиндан) турли ишлар тадбирига шайланган, замон (барча) аҳволларини бошидан кечирган, давр танглиklarини қиёслаб ўлчаган, турли тузоқларни бошдан ўтказиб, ҳар қандай шиддатга илож топган, хилма-хил ишларга дуч бўлиб, турли-туман одамлар турмушини синаб кўрган, мушкул ишлар мадҳалу махражларига йўл топиб, (унинг) зинапояларидан кўтарилиб, чўққисига чиқишга идрок этгандилар. Гарчи (улар) тез-тез чўлу биёбонлардан ўтиб, дашту саҳроларни кезсалар ҳам, уларга ҳеч қанақа кулфат ёпирилмас ва ҳеч қандай туғёнчи ноҳақлик кўрсатмасди".

Яна бир томони ўша асарда зикр қилинишича Темур аскарлари ичида "одам аъзоларию ажинларига қараб фол кўрувчи одамлар ва ёлғончи завожирлар ҳам бўлиб, улар қўй куракларига қараб фол очар ва унда кўрган нарсалари билан дунёдаги турли ҳоллар ва етти иқлимнинг ҳар бир қаричида содир бўлган омонлигу хавф-хатар, адолату ноҳақлик, арзонлигу қимматчилик, нохушлигу шифо топишлик ва кейинчалик юз берадиган бошқа ишлар тўғрисида хукм чиқарардилар ва (бу хукмлар) камдан-кам хато қилардилар".

Булар Темур ҳарбий сиёсатининг ўша давр нуқтаи назаридан юқори даражада ва ўта малакали эканлигидан далолат беради.

Темур ўз давлатида ҳунармандчилик, тўқимачилик, савдо-сотиқ ва бошқа касбларни ривожлантириш борасида жиддий ҳаракат қилди. Мовароуннаҳр ва Самарқанднинг шуҳратини янада ошириш, уларни дунёга танитиш кўп жиҳатдан шуни тақозо этарди. Шу боис Темур забт этган мамлакатларидаги ҳунармандлар, қўли гул усталар, санъаткорлар, меъморлар, умуман қўлидан иш келадиган касб эгаларини ўз салтанатига, хусусан Самарқандга олиб келган эди. Вамберининг эътироф қилишича: Темурнинг амри билан Дамашқнинг энг моҳир тўқувчилари, Халабнинг моҳир йигирувчилари, Анқаранинг мовут усталари, Туркия ва Гуржистоннинг заргарлари, хуллас, саноатда қанча моҳир ишчилар бор бўлса, ҳаммаси Самарқандга кўчдилар. Ибн Арабшоҳ асарида уқтирилганидек, "хулласи калом, Темур ҳар бир (фойдали) жонни йғиб, нимаки нарса бўлса сарасини Самарқандга келтирди".

Натижада Самарқанд ҳунар масканига айланиб, дунёга донг таратди. Самарқанднинг тўқимачилик матолари шойи, атлас, кимхоб, банорас сингари нодир газламалари айниқса довруғ таратди. Темирчилик ҳам ривожланади. Усталар гуруҳларга бўлиниб ишлай бошладилар. Ўша пайтдаги "заргарон", "челангарон", "калонгарон", "сўзангарон", "камонгарон", "зингарон", "мисгарон", "сандиқсозлар", "тўқимдўзлик", "бўёқчилар" маҳаллалари, кўчалар ҳозир ҳам ўз номларини сақлаб турибди. Бу даврда металлга ишлов бериш яхши йўлга қўйилганди. Буни давр ҳам тақозо этарди. Ҳатто бу борада муайян буюмларни ясашда ихтисослашишнинг амалга ошганлигини ҳам кўриш мумкин. Бу зикр этилганлардан ҳам маълум.

Амир Темурнинг буюк Ипак йўли туфайли савдони ривожлантириш, унинг хавфсизлигини батамом таъминлаш, атрофини ободонлаштириш, савдогарлар учун шарт-шароитларни яратиш, унда Марказий Осиё аҳамиятини кучайтириш борасидаги ишлари айниқса ибратлидир. Темур Тўхтамишни бартараф этиш билан буюк Ипак йўли йўналишини Марказий Осиё халқлари манфаатлари томон йўналтирди. Бу буюк Ипак йўли харитасидан ҳам яққол маълум. Хуллас, Ипак йўли йўналиши Марказий Осиё халқлари манфаатларига бўйсундирилиши билан бу борада Шарқ билан Ғарб ўртасида алоқа боғланиб унинг хавфсизлиги тўла таъминланди. Шунинг билан бир қаторда карвонсаройлар, работлар қурилди, савдогарлар учун барча қулайликлар муҳайё этилди.

Натижада савдо қўлами кенгайди. Ҳатто чорвадорлар сурув-сурув қўй-эчки, моллар, йилқиларни ҳам хорижга сотиш учун ҳайдай бошладилар. Шуни уқтириш жоизки, қорақўлчиликнинг ватани Туронзаминдир. Эндиликда дунёнинг ўнлаб мамлакатларида қорақўл қўйлар урчитилгани билан қорақўл терининг сифати жиҳатидан улар Ўзбекистондан ўзиб кетолмадилар. Шундай қилиб Марказий Осиё қорақўли довруғининг ер шари бўйлаб таралишида ҳам Ипак йўлининг аҳамияти катта эди.

Де Клавихо ўзининг "Кундалиги"да Самарқанд бозорида дунёнинг турли бурчакларидан келган турли тилларда сўзлашувчи савдогарларни ва улар келтирган хорижий молларни кўплаб учратганлигини айтди. Шу асардаги маълумотлардан Самарқанднинг Осиё савдосида мол омбори бўлиб қолганлигини ҳам фаҳмлаш қийин эмас. Самарқандга Ҳиндистондан атторлиқ ва бўёқ буюмлари, Хитойдан ипак газламалар, ҳар хил чинниворлар, қимматбаҳо тошлар, шимолдан эса ноёб пўстинлар карвони кўплаб келарди. Бу ердан Осиёнинг бошқа шаҳарларига, Овropa мамлакатларига ҳам карвон-карвон моллар жўнатилад эди. Савдогарлар шу йўл билан Хоразм, Нижний Новгород, ҳатто Москвага ҳам борардилар. Иккинчиси Хитой-Қазвин-Трантун билан генуяликлар, венецияликлар савдо кемаларига тушиб Овropaга етарди. Ниҳоятда мудҳиш ва қўрқинчли, серуруш замонлар бўлишига қарамай Амир Темур ҳокимияти сояси тушган ерларнинг барчасида савдо жонли ва батамом хавфсиз бўлган эди. Бу хусусда ўша даврнинг машҳур муаррихларидан Низомуддин Шомийнинг "Зафарнома"сида шундай дейилади:

"... Унинг адолатию сиёсати ўрнатилган кунларда Мовароуннаҳрнинг энг чекка жойларидангина эмас, балки, Хотан чегарасидан Деҳли ва Канбойит атрофларигача, Бобул Абводдан то Миср ва Рум худудигача бўлган ерлардан савдогарлар у ёқда турсин, болалару бева хотинлар ҳам ипакли матолар, олтин-кумуш ва энг зарур тижорат молларини келтирардилар ва олиб кетардилар. Ҳеч бир кимса уларнинг бир дониға ҳам қўз олайтира олмайди ва бир дирҳамиға ҳам зиён етказмайди. Бу чексиз неъмат ва поёнсиз марҳаматлар Амир Соҳибқироннинг сиёсати ва адолати натижасидандир".

Буюк Ипак йўли савдони ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиш билан бирга давлатлар муносабатларини яхшилаш, янада ривожлантириш, илм-маърифат, маданият дурдоналари ва давлатчилик асосларини ривожлантириш ва янада мустаҳкам-

лашда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Умуман Ипак йўли ҳамма соҳаларда, жумладан Туронзаминни ва унинг пойтахти Самарқандни бутун жаҳонга танитишида сезиларли рол ўйнаган.

Соҳибқирон давлатида кишлоқ хўжалигини ривожлантириш, деҳқонлар ва ерга муносабат, солиқ сиёсати соҳасида ҳам ўта ибратли, ҳатто ҳозирги кунда фойдаланишга арзигулик ишлар кўп эди. Аввало, ерга эгаликнинг беш кўриниши мавжуд эди. 1. Суюрғол ерлар. Юқорида қисман айтилганидек, бундай ерлар давлат томонидан алоҳида шахсларга берилиб, авлоддан-авлодга кўчадиган мулклар эди. Улар солиқдан ҳам озод этиларди. 2. Тархон ерлар. Улар хусусий мулк бўлиб, муайян кишиларга хизматлари учун бериларди. 3. Ўша ерлари, яъни саййид ва хўжаларнинг ерлари. Улар олинган ҳосилнинг ўндан бирини давлатга берганлар. 4. Вақф ерлар. Масжид, хонақоҳ, мазор каби муқаддас жойларга тегишли ерлар. Бундай ер-сувлар, бозор, қул, пул ва бошқа турли мол-мулклар билан қўшиб инъом этиларди. Вақф ерларни ҳозир ҳам халқимиз шу ном билан атайди. 5. Аскарларга, умуман ҳарбийларга берилган ерлар.

Ер ва солиқ сиёсати хусусида "Тузуқлар"да ҳам қимматли маълумотлар келтирилади. В. В. Бартольднинг "Улуғбек ва унинг даври" номли асарида кўрсатилишича, Соҳибқирон замонида экин майдонларининг бекор қолиб кетишига мутлақо йўл қўйилмасди. Қўриқ, бўз ва ташландиқ ерларни ўзлаштирганлар ҳар томонлама рағбатлантирилар ва катта имтиёзлар берилар эди.

Дон, пахта, полиз ва мева-чева айниқса мўл бўлар, фуқаро бу неъматлар танқислигини сезмасди. Шаҳар аҳолиси ёз ойларида сувли ерларга чиқиб деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланардилар. "Бу ердагидек ширин қовунлар, – деб ёзади де Клавихо, – дунёнинг ҳеч ерида бўлмаса керак... Ҳар куни шу қадар кўп қовун ортилган туялар келар эдики, шу қовунлар қай йўсинда харид қилиниб, истеъмол этилишига ажабланмаслик мумкин эмас".

Чорвачиликнинг барча тармоқлари, жумладан йилқичилик ва туячилик ниҳоят ривож топди. Давр талаби ҳам аслида шунга тақозо этарди. Қўшинни от ва туя карвонлари билан таъминлаш, сафар чоғлари учун йилқи гўштини кўпайтириш айниқса зарур эди. Бундан ташқари йилқи гўшти жуда кўп истеъмол қилинган. Ҳатто қўшинларнинг махсус чорва моллари бўлган.

"Бу юрт, – дейилади де Клавихо асарида, – дон-дун, май, мева-чева, қўй гўшти, ҳар хил гўшт, қўйнингки ҳамма нарсага бой мамлакатдир. Қўйлари катта думбали, жуда йирик, думбаси одамлар кўтара олмас даражада оғир – ярим пуд, яъни саккиз – ўн килограмм келадиган қўйлар бор".

"Тузуқлар"да уқтирилишича, ташландиқ ерлар ёки чўлни обод қилган, кориз қазиган, боғ-роғлар бунёд этган, умуман хароб ерларни обод этганлар, уч йилгача ҳамма солиқдан озод этилган. "Амр этдимки, – дейилади "Тузуқлар"да, – раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш (давлат) хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб боради".

Соҳибқироннинг адолатли солиқ сиёсати, фуқаролар манфаатига тўла мос тушганлиги кўпгина манба ва адабиётларда ўз ифодасини топгандир. Жумладан, рус шарқшуноси Д. Н. Логофет ўзининг "Бухоро тоғликлари ва текисликларида" номли асарида бу ҳақда шундай ёзади: "... Унинг ҳокимиятида фуқароларга адолат билан муносабатда бўлинган. Ҳатто молиявий масалаларда ҳам қатъий тартиб ўрнатилган. Ўзингиз тасаввур қилинг, биз ҳозир зўр бериб интилаётган даромад солиғи деган нарса унинг ҳокимиятида ўшандаёқ мавжуд эди. Темур амалдорларидан иш юритаётганда қонун ва адолатга бўйсунини талаб қилган. Қамчи ва таёқ ишлатиш қатъий таъқиқланган, буни бажармаганлар ўлимга ҳукм қилинганлар". Темурнинг солиқ сиёсати ва бунга оид аҳкомларини ўрганиш ҳозирги кунда алоҳида аҳамият касб этади.

Темур давлатида қонун устуворлигига ва ҳамма масалаларда сўз ва иш бирлигига эришилганлиги туфайли тартиб интизом, осойишталик, мамлакат бўйича алоқа хизмати ибратли бўлган. Фақат Ипак йўлидагина эмас Соҳибқирон давлатининг ҳамма бурчакларида ҳам осойишталик ўрнатилганди. Мамлакатнинг ҳамма йўлларида маълум масофаларда махсус мусофирхоналар қурилиб у ерларда ҳамма шарт-шароитлар муҳайё этилганди. Бу хусусда де Клавихо қизиқарли маълумотлар келтириб, у Испаниядан келишида Амир Темур давлати чегарасига келиши билан бунинг гувоҳи бўлганлигини ёзади. Бу хусусда шундай дейилади:

"Йўлларга отлар тайёрлаб қўйиларди. Кимсасиз жойларда мусофирхоналар тарзида катта бинолар қурилиб, яқин шаҳар ва қалъаларнинг аҳолиси бу биноларни сув ва озиқ-овқат билан таъминлаб турар эди. Бу ерда отларни боқиб парваришловчи отбоқарлар тайинланган эди. Йўловчиларга махсус одамлар керак бўлганда қўшиб ҳам юборилар эди.

Фақат бу йўллар эмас, шоҳ тасарруфидаги барча ерлар ана шундай алоқа воситаси билан таъминланган. Шоҳ шу қадар тезлаштирилган алоқа воситаси орқали ўз ерлари ва чегараларининг ҳамма бурчакларидан бир неча кун ичида хабар олиб туради". Д. Н. Логофетнинг зикр этилган асарида уқтирилганидек, "у дунёда биринчи бўлиб хабар етказиш – почта хизматини тўғри йўлга қўйди". Булар Соҳибқирон давлатидаги йўлларда қатновни яхшилаш соҳасида қўрилган тадбирларнинг натижаси эди.

Соҳибқирон исломни тарғиб қилиш, унинг барча аҳкомларини сўзсиз бажариш айна пайтда илм-фан, санъат, адабиёт, умуман маданият ва қадриятларни ривожлантириш, тенгсиз меъморчилик услубини юзага келтириш ва бутун мамлакатни ободонлаштиришга алоҳида эътибор берди. Самарқанд, Кешни, умуман Туронзаминни жаҳон миқёсига кўтаришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Шу боис унинг замонида ислом дини кенг тарғиб қилинди, илм-фан, санъат, адабиёт, меъморчилик тараққий топди, халқимизнинг кўп анъаналари такомилга етди.

Соҳибқирон ўз даврида ислом динининг ҳақиқий ҳомийси эканлигини амалда тўлиқ намойиш этди ва бутун умри бўйи унга содиқ қолди. Отаси ва айниқса шайх Кулол, Тайободий, Мир Саййид Барака сингари пирлари таъсирида бундай туйғу ёшлигиданоқ унинг қонига синган эди. Шайх Кулолнинг Темур ҳақидаги башоратлари, исломий таълимотлари, Тайободийнинг ҳар қандай саёҳатда ҳам пайгамбардан ибрат ол, ҳар қандай ишни тангрининг номи ва марҳамати билан бошла деб ёзган хати Темур учун дастурул амал бўлди.

Бундан ташқари Темур мадраса таҳсилининг икки босқичида ҳам Қуръони каримни синчковлик билан ўрганди, тиловат қилди, мазмунини ўрганди ва шу тариха қалбига жо қилди. Мадрасани битириш маросимида Қуръондан тиловати ва қироатида, тафсирда ҳаммани лол қолдирганди. Соҳибқирон падари бузрукворидан ибрат олиб, ёшлигиданоқ азиз-авлиёлар, дин пешволари, уламолар, умуман аҳли исломни чексиз ҳурмат қиларди. Кўпчилигини пир тутиб қўл берди ва бир умр уларга содиқ қолди. Азиз авлиёларнинг муқаддас қадамжолари, буюк

инсонлар мазорлари зиёратгоҳи бўлди. Темур ҳарбий юришлардан қайтиши билан дарҳол Шаҳрисабздаги "шайх Кулол" мақбарасини зиёрат қиларди. Бу француз олими Люсьен Кэрэннинг "Темур хоқон салтанати" номли асарида ҳам қайд этилади. Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий мақбаралари ҳам унинг сажадоҳлари эди.

"Азиз авлиёлар, саҳобалар мақбараларини, қутлуг қадам-жоларни, – дейилади "Амир Темур ўғитлари"да, – зиёрат этмоқни ҳам фарз, ҳам қарз билур эдим. Қайда бўлмай, зиёратгоҳлар олдида отдан тушиб, таҳорат олгач, яланг оёқ билан бориб зиёратни ўринлатдим.

Аркони давлат, барча мулозимларим ҳам зиёратгоҳларни ана шундай тавоф этмоқни одат билишди".

"Пиру комил шайх Баҳовуддин Нақшбандийнинг: "Кам егин, кам ухла, кам гапир" деган панду насиҳатларига амал қилдим. Аркону давлатга, барча мулозимларга ҳам айтар сўзим шу бўлди: "Кам энглар – очарчилик кўрмасдан бой-бадавлат яшайсизлар, кам ухланглар – мукамалликка эришасизлар, кам гапиринглар – доно бўласизлар".

Соҳибқироннинг Аҳмад Яссавий ҳазратларига эътиқодлари ниҳоят баланд эди. Ҳокимият учун кураш бошланиши билан у ҳазрат қабрларини зиёрат қилиб, нақшбандийлик тариқати билан яқиндан танишиб олди, хароба ҳолига келиб қолган қабр устига мақбара қуришни ният қилди. Хуллас, Соҳибқироннинг исломга ихлос эътиқоди мустаҳкам эди. Бу ҳақда у: "Исломга оид ишларни мен ҳар доим кундалик ва дунёвий ишлардан устун қўйиб келдим. Аввал Тангри тоатини адо этиб бўлгандан кейингина кундалик ишларга қўл урдим...", – дейди.

"... Давлат ва салтанатимга боғланган менинг биринчи тузугим – Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг шариятига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим...

Яна тажрибамдан кўриб билдимки, давлат агар дину ойин асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат ялангоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса, назарини олиб қочади... Мен ўз салтанатим биносини дину ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришимда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида бажардим.

Дилимнинг машриқидан кўтарилган биринчи тузук шундан иборат бўлдики, ислом динини ёйиб, Муҳаммад... шариатини қувватладим. Жаҳоннинг турли мамлакатлари, катта ва кичик шаҳарларида ислом динини ва одамларнинг энг хайрлиси (ҳазрати Муҳаммад)нинг тўғри йўлларини тарғиб этдим. Ўз салтанатимни шариат билан безадим".

Ҳарбий юришлари чоғида Темур диний масалаларга ўта эҳтиёткорлик билан ёндашди. Яъни бошқа динларга тазйик ўтказмади. Буни Кавказ, Ҳиндистонга қилган юришлари мисолида яққол кўриш мумкин. Ҳар бир мамлакатда аҳли ислом учун саййидлар орасидан бошлиқлар тайинлади. Вақф аҳкомини жорий этди. Унинг даромадлари ҳисобидан мадраса, масжид, хонақоҳларни маблағ билан таъмин этди. Диний масалалар, хусусан исломий маросимлар, урф-одатлар ва шариат қонунларининг бажарилиши устидан назорат қилувчи мансаблар жорий этди. Бундай амалларга бообру, инсофли, диёнатли кишиларни тайинлади. Улар мутаваллий, муфтий, қози калон, мухталий сингари номлар билан аталарди. Аҳмад Яссавий қабри устига 1395 йилдан бошлаб Соҳибқирон улкан минора қурдира бошлади. Бу тарихий ёдгорлик ҳозир мусулмон оламининг зиёратгоҳларидан бири бўлиб турибди.

Темур фақат Туронзаминдагина эмас, балки улкан империясининг бошқа сарҳадларида ҳам масжид, мадраса, хонақоҳлар қурдирди. "Ҳар бир шаҳарда, – дейилади "Тузуқлар"да, – масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни... буюрдим.

Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: тафсир, ҳадис, фикҳдан дарс берсинлар деб ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим".

Профессор А. Ўраловнинг хулосасича, ўша давр Мовароуннаҳр шаҳарларида камид биттадан мадраса, мактаблар бўлиб, уларнинг малакали мударрислари бор эди. Самарқанд, Шаҳрисабз, Ҳирот шаҳарларидаги бундай мадрасалар айниқса нуфузли эди. Уларда Нишопур, Шероз, Бағдод, Марв, Хоразмдан жалб этилган уламо ва мударрислар оширилган маош ҳисобига таълим бериш билан машғул эдилар. Шероз ва Бағдод сингари шаҳарларда ҳам мадрасалар қурилганлиги ҳақида хабар берилсада, уларнинг фаолиятлари хусусидаги маълумотлар ҳозирча кўзга ташланмайди.

Қисқаси Темур исломни ўз ўрни ва йўриги билан бутун жаҳонга тарғиб этишга ҳам муносиб ҳисса қўшган буюк

инсонлардан бири ҳисобланади. У Қуръони каримнинг ноёб нусхаларини пойтахт кутубхонасига тўплатди. Улардан бири – ҳазрат Усмон Қуръони эди. Соҳибқирон юртдошлар келажагини ўйлаб уни Бурса кутубхонасидан олиб келганди. Бу бебаҳо хазина Россияга олиб кетилган эди: Оллоҳга шукурки, мустақиллик шарофати ила бу муқаддас ёдгорлик яна Ўзбекистонга қайтарилди.

Темур падари бузруквори Муҳаммад Тарағайнинг "Салтанатлар емирилади, олимларнинг ишлари абадий қолади" деган ўғитларига қатъий амал қилганлиги боис унинг даврида илм-фан, адабиёт, санъат, умуман маданий кадриятлар ниҳоят ривож топди. Ибн Арабшоҳ сўзлари билан айтганда, "Темур олимларга меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла-тўқис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддам кўрарди".

Соҳибқирон ҳамма илм-фандан мукаммал хабардор эди. Хусусан тарих, фалсафа, риёзиёт, ҳандаса, меъморчилик, фалакиёт ва бошқа илмлар, шунингдек шеърятни яхши биларди. Биргина мисол. Ибн Арабшоҳ қайд этганидек, "Темур эса подшоҳлар ва халқлар сийратларида билимдон, шарқу ғарб тарихининг отаси ва онаси эди".

Темур саройида уламою донишмандлар жуда кўп эди. Чунончи, Абдуҷаббор Хоразмий, Шамсуддин Муний, Абдулло Лисон, Бадриддин Аҳмад, Нуъмониддин Хоразмий, Хўжа Афзал, Олоуддин Коший, Жалол Хокий сингарилар илму-фаннинг турли соҳаларида мунтазам фаолият кўрсатардилар. Уларнинг кўпгина кашфиётлари дунёга машҳур бўлганди. Сарой алломаларига мунажжим Абдулло Лисон раҳбарлик қилар эди.

Темур саройидаги амалдорларнинг аксарияти истеъдодли кишилар эдилар. Улар орасида "Ҳидоя" муаллифи Бурҳониддин ал-Марғилоний авлодидан бўлган Абдумалик, шунингдек Нуъмониддин Хоразмий, Саъдуддин ат-Тафтазоний, Саййид Шариф Журжоний, шайх Шамсуддин Муҳаммад ибн ал-Жазорий, Зоҳид Бухорий, Абдуллатиф ат-Домгоний, Ҳофиз Ҳусайний, Алоуддин Табрзий ва бошқалар унинг ишончли салоҳиятли аъёнлари эди. Соҳибқирон уларни ҳар доим кадрлаб хурматларини жойига қўярди. Улар билан суҳбатлашганда тахтдан тушар, бу дамлар ниҳоят оддий ва самимий ўтарди. Отаси амир Тарағайнинг "кўп ўйлан, оз сўзлан, олим ва фозилларга эргаш, мурувват омилларида намуна ол" деган ўғитларига амал қиларди. Ибн

Арабшоҳнинг айтишича, Темур Алоуддинга "гўё мен мулк сиёсатида ягона бўлганим каби, сен ҳам шохмот оламида тенгги йўқсан", деркан.

Темур замонида меъморчилик ва ободонлаштириш ишлари айниқса ривож топди, дунёда тенгги йўқ обидалар яратилди. Самарқандда Гўри Амир, Ишратхона мақбаралари, Бибихоним ёдгорлиги, Жоме масжиди, Шаҳрисабздаги Оқсарой, "Дорут тиловат", "Кўк гумбаз", "Пиру муршид", "Шамсуддин Кулол" мақбаралари шулар жумласидандир. Улар жуда катта бойликлар, машаққатли меҳнатлар эвазига бунёд этилган бўлиб, Соҳибқирон ҳарбий юришларида эришган зафарлари билан боғлиқдир. У ҳар бир ғалабасини бирорта обида қуриш билан абадийлаштирарди. Чунончи Хоразми Мовароуннаҳрга бирлаштирганидан сўнг онаси Тегина бегим Моҳ шарафига 1380 йилнинг баҳорида Шаҳрисабздаги Оқсарой қурилишини бошлади. У йигирма йилдан ортиқроқ чўзилган. Муҳандиси эса Табризнинг қўли гул меъморларидан бири ва наққоши Муҳаммад Юсуф эди.

Қурилишнинг кўлами шу қадар кенг эдики, унда қарийб 30 минг ғишт терувчи, 20 мингга яқин кошникор усталар ишлаган эдилар. Улар учун ҳар куни 700 қозонда таом тайёрланарди. Бу обида ҳақида де Клавихо қизиқарли, ажойиб илмий ва тарихий қимматга эга бўлган маълумотлар беради. Темур Оқсаройнинг пештоқиға

"ҚУДРАТИМИЗГА ШУБЎАНГ БЎЛСА, БИЗ ҚУРДИРГАН ИМОРАТЛАРГА БОҚ" деб ёзишни буюрган экан. унинг қолдиқлари ҳамон сақланмоқда.

Шоҳ буйруғи билан, – де Клавихо асарида, – бунёд этилаётган мазкур сарой қурилиши, айтишларича, йигирма йилдан бери ҳар куни тинимсиз давом этаркан. Шу кунларда (1403 йил 26 август, пайшанба) ҳам кўплаб усталар ишлар эдилар. Саройға жуда узун йўлакдан ғоят баланд дарвоза орқали кирилади. Йўлакнинг икки томонидан ғиштин равоқ ҳар хил гулдор кошниклар билан қопланган. Одамлар шу жойда шоҳни кутиб оларканлар. Шундан сўнг бошқа эшикдан катта ҳовлиға чиқилади, ҳовли саҳниға оппоқ тоштахталар ётқизилган бўлиб, ҳашаматли нарсалар билан ўралган. Ҳовлининг ўртасида катта ҳовуз бор. Ҳовли саҳнининг кенглиги уч юз газ келади. Мазкур ҳовлидан кенг уйға кирилади. Уйнинг жуда баланд ва кенг эшигиға зарҳал ва ложувард бўёқлар ҳамда нақшинкор кошниклар билан сайқал берилган...

Бутун бўлинма ва хоналар олтин, зангори ва бошқа ҳар хил бўёқлар билан шу қадар мукаммал ишланганки, ғоят нозик дидли усталарға эға бўлган Париж аҳли ҳам буни кўриб хайратланган бўлар эди".

ТЕМУР МАЪНАВИЯТИ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Биз ким – мулки Турон,
Амири Туркистонмиз.
Биз ким – миллатларнинг
Энг қадимий ва энг улуғи
Туркнинг бош бўғинимиз
АМИР ТЕМУР

Мустаҳкам илдиларимизнинг бири ҳақли равишда жаҳон эътирофини қозониб келаётган Темур маънавиятидир. Бу қудратли манба инсоният тарихида тенгги йўқ марказлашган давлатчиликка, қонунчиликка асос солиш билан ер юзининг деярли ҳамма мамлакатларида ўрганилиб, ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ватани севиш, қадрлаш, унга сидқидилдан хизмат қилиш, уни жаҳон миқёсига чиқариш учун ҳаракат, озодлик, тенглик, ҳурфикрлилик, инсонпарварлик, ҳақиқий миллий ифтихор, меҳнатсеварлик, ахлоқий поклик, ҳалоллик, инсоф, диёнат, меҳр-оқибат, кексаларға ҳурмат, ёшларға иззат, орият, шарм-ҳаё, ҳақгўйлик, саҳоват, иффат, ибоилик, раҳм-шафқат, биродарлик, онглилик, илм-фанни қадрлаш каби маънавий фазилатларни қозониш ва уларни такомиллаштиришнинг муҳим манбаларидан бири бўлиб келмоқда. Соҳибқирон қолдирган маънавий мероснинг ўта қадр-қимматли эканлиги ҳам шунда.

Темур қолдирган маънавий мерос бир қадар таҳлил этилса, унинг барча улуг мақсадлар йўлидаги интилишлари, тенгсиз ақл-заковати, туғма қобилияти яққол кўзға ташланади. Амир Темур ҳаминша "ҳиммати баланд инсон халқ қалбида абадий сақланади" деган ҳикматға амал қилган ҳолда ғайрат, шижоат ва маҳорат билан ҳаракат қилди. Донишмандлар шижоат – богирлик, мардлик, матонат эса – бардошлилик, мустаҳкам ва қатъий иродали бўлишлиқдир дейдилар. Соҳибқиронда бу хусусиятлар тўлиқ мужассам эди.

Соҳибқироннинг саъй-ҳаракати билан Самарқанд атрофида бир қанча қишлоқлар бунёд этилиб, Султония, Миср, Шероз, Бағдод, Дамашқ деган дунёнинг машҳур шаҳарлари номлари

билан аталди. Манбалар Кўксаройда Темурнинг улкан кутубхона барпо қилганлиги ҳақида хабар беради. Унга дунёнинг турли бурчакларидан ноёб битиклар, бебаҳо қўлёзмаларни тўплади. Улардан фойдаланиш устидан қаттиқ тартиб ўрнатди. Муншйлик, хаттотлик, безак солиш намунали равишда йўлга қўйилди. Кутубхонадан олиму фозиллар, мударрислар, толиблар, умуман ижодкорлар, салтанат амалдорлари, уларнинг фарзандлари кенг фойдаландилар. Ўз навбатида улар Мирзо Улуғбекдек алломалар, олиму фозиллар, шоиру адиблар, санъаткорларнинг камол топишлари, дунёга довруғ таратишларига олиб келди.

Рус шарқшунослари Д. Н. Логофет ва А. Глуховлар Темур кутубхонаси ҳақида муҳим маълумотларни келтирадилар. Шунингдек, Шоҳрух Мирзо, Мирзо Улуғбек саройларида ҳам жаҳонга машҳур китоб хазиналари бўлганлигини қайд қилиб ўтадилар.

Энди Темур боғлари таърифига келсак. Жаҳонгир Самарқанд атрофида 12 машҳур боғ бунёд этганди. Улар – "Боғи Нақши", "Боғи Беҳишт", "Амирзода Шоҳрух боғи", "Боғи Бўлду", "Боғи Дилкуш", "Боғи Загон", "Боғи Баланд", "Давлат Обод", "Боғи Чинор", "Боғи Нав", "Боғи Шамол", "Боғи Жаҳоннома"лардир. Буларнинг ўзига хос оромгоҳу ҳашаматли саройлари бор эди. Улардан бутун эл, фуқаро баҳраманд бўларди.

"Темур, – дейилади Ибн Арабшоҳ асарида, – Самарқандда кўпдан-кўп бўстонлар барпо қилиб, баланд ва мустақкам қасрлар бунёд этди. Уларнинг ҳар қайсиси ғаройиботли тартибда, кўркам ва ажиб сувратда эди. Бўстонлар асосини мустақкам қилиб, мевали кўчатлар билан уларни беади. Уларнинг бирини Эрам боғи, иккинчисини Дунё зийнати, яна бошқасини Фирдавс жаннати, унисини Шамол боғи, бунисини Олий жаннат деб атади..."

Соҳибқироннинг Самарқанд атрофида барпо этган боғлари ўзининг тенгги йўқ таровати, ҳаловати, хушгаъм мевалари билан бошқа боғлардан ажралиб турарди. Буюк бобокалон фақат Самарқанддагина эмас, бошқа жойларда – Ҳиндистон, Афғонистон. Ҳиротда ҳам Марказий Осиё анъаналарига кўра боғ-роғлар, саройлар қурдирганлиги манбаларда қайд қилинади. Айни пайтда бу жаннатмонанд боғ-роғларнинг қайта тикланаётганлиги қувончлидир. Биргина Самарқанд вилоятининг ўзида фақат сўнгги йиллар қирққа яқин боғлар бунёд этилди. Чўпонота мевзесида барча туманлар боғбонлари иштирокида барпо этилаётган янги боғ, кенг ҳажмдаги ободончилик ишлари

шубҳасиз Соҳибқироннинг етти иқлимга машҳуру манзур "Боғи Баланд" боғининг қайта тикланаётганлигидан далолатдир.

Соҳибқирон томонидан она-Ватан учун қилинган бу ишларнинг замин, юртдошлари учун қанчалик муҳим аҳамиятга молик бўлганлигига тарихнинг ўзи гувоҳ. Булар эндиликда мустақил Ўзбекистонни бутун ер юзига танитишга беминнат хизмат қилмоқда. Хуллас Темур Она юрти, унинг фуқаролари, қолаверса бутун инсоният учун жуда кўп оламшумул ишлар қилди.

Инсоннинг олий фазилатларидан бири – инсонийликдир. Темур бу борада ҳам ўткир ақл-заковат билан иш тутди. Барча ҳукмдорлардан фарқли ўлароқ у ўз юртдошларига бир умр ўрнак бўладиган муҳим мерос қолдирган. Мусулмончиликда "энг яхши кишининг икки қўли ҳам тўғри бўлади, у бир қўли билангина эмас, икки қўли билан ҳам яхшилик қилади" дейилган ҳикмат бор. Темур ҳаммага, яъни дўстига ҳам, душманига ҳам худди ана шундай икки қўли билан яхшилик қилди. Бутун авлод-аждодни ҳам мудом шунга ундади. "Тузуқлар" ҳам, Ибн Арабшоҳ, Низомуддин Шомий, Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий асарлари ҳам, де Клавихо "кундалиги" ва сўнгги пайтлар чоп этилаётган бошқа асарлар ҳам буни яққол кўрсатиб турибди.

"Мен сифатларимнинг энг аввалида, – дейилади битикларда, – бегаразликни тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил жиддий ва одил қарадим, ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмадим, бойни камбағалдан устун қўймадим... Халойиққа раҳм қилдим, барчага наф еткурдим... Мендан ёрдам сўраб келганларнинг кўкрагидан итармадим... Адолат ва инсоф билан яратганнинг бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишлари билан одамлар кўнглидан жой олдим..."

Менга ёмонлик қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб, ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим. Мартабаларини оширдим, улар билан муомалада шундай йўл тутдимки, агар хотираларида менга нисбатан шубҳаю кўрқув бўлса, бутунлай унут бўларди... Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим...

...Улуғларни оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим... Турку тожик, арабу ажамнинг турли тоифа ва қабилаларидан бўлган ва менинг паноҳимга кирган кишиларнинг улуғларига ҳурмат кўрсатдим, қолганларини ҳам ўз ҳолига

яраша сийладим. Яхшиларига – яхшилик қилдим, ёмонларини эса, ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим.

... Кимки, менга душманлик қилса-ю, кейин пушаймон бўлиб, илтижо билан ҳимоя истаб, тиз уриб олдимга келса, душманлигини унутиб, мурувват ва дўстлик кўрсатдим... Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келгудек бўлса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга эса, шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди... Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни парвардигори оламга топширдим... Дуоғўй кишиларни қадрладим. Улар билан хилватда суҳбат қуриб, кўнглимдаги мақсадимни айтиб, дуо тилардим...

Темур ўз фаолиятида ана шундай улуғ, фақат Оллоҳ буюрган олий инсонийлик фазилатларига астойдил, собитқадамлик билан амал қилди. Авлод-аждоғлар, азиз фарзандларидан ҳам шуни талаб қилди. Аммо Темурни "золимлик"да айблаб ноҳақ қоралаган диёнатсиз "олимлар"у, шайтоний сиёсатдонлар нега булардан кўз юмдилар, яширдилар, ҳақиқатни айтишга интилганларни қатоғон қилдилар.

Мана унинг фарзандларига қилган васияти:

"Ўғилларим миллатнинг роҳати, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузуқларни яхши ўқинг, асло унутманг ва тадбиқ этинг.

Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсилларни зангинлар (бойлар) зулмига ташламанг. Адолат ва ийилик (яхшилик) қилмоқ дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин".

Турли манбалар, адабиётлар, халқ оғзидаги ҳикояту ривоятларда бобокалонимиз ҳазратнинг бундай олийжаноб инсоний фазилатларига оид аниқ гувоҳликлар, мисоллар жуда бисёр учрайдики, ҳаммаси унинг сўзи билан иши бирлигидан гувоҳлик беради.

Маълумки, инсон ҳазрат Одам Ато ва Момо Ҳаво авлодларидир. Ривоят қилинишича, Темурнинг невараси Иброҳим Султон "Зафарнома" муаллифи Али Яздийдан бобоси насабини Одам Атога қадар аниқлаб чиқишни сўраган экан. Шу боис бу асарнинг "Муқаддима"си – кўп замон ва воқеаларни қамраб олади. Бир ўринда Соҳибқироннинг ўзи ҳам аждодимиз Абул Турк Ёфаснинг ўғли, Нухнинг набираси ва туркларнинг буюк хони эрди деган эди. "Зафарнома"да эса шундай дейилади:

"Олам аҳлининг аксарияти Нух наслидандирлар.

...Ушбу сабабдан уни Одами Соний (ҳам) деб атайдилар. Унинг тўрт ўғли бўлган: Ёфас, Сом, Хом, Канон... Ёфас ибн Нух... ҳақиқий пайғамбардур. Унинг саккизта ўғли бўлган: биринчиси Турк... Искандар Зулқарнайн унинг тўртинчи ўғли авлодларидан бўлган.

Туркистон мамлакатадаги ўлкалар унинг фарзандлари номи билан аталгандир... Нух... Туронзаминни катта ўғли бўлмиш Ёфасга беради... Нухнинг катта ўғли Ёфасдир... Бизнинг "Жаҳонгирлик тарихи" деб аталмиш ушбу китобни ёзишдан мақсадимиз, турк султонлари тармоғини ёритиш – уларнинг насли эса Ёфас ибн Нухга бориб тақалади...".

Бу мулоҳаза Мирзо Улуғбек, Абулғозий, Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий асарларида ҳам шу зайл талқин этилади. Жумладан, Мирзо Улуғбек "Тўрт улус тарихи" номли асарида: "... Туронзамин ва Туркистонни Ёфас алайҳиссалом ўзига асраб қўйганди. Шу сабабли уни Абуттурк деб аташган". Абулғозий "Шажараи турк"да: "Ёфас ўларинда ўғли Туркни ўрнида ўлтуртуб, ўзга ўғлонларига айтдиким, Туркни ўзларингизга подшоҳ билиб, анинг сўзидан чиқманг. Туркка Ёфас ўғлони деб лақаб қўйдилар. Бисёр адаблик ва оқил киши эрди", деб ёзсалар, Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорийнинг "Абдуллонома" (шарафномаи шоҳий) номли асарида "Турон мамлақати(нинг) чеки бахтли (ва) қутли, фолли Ёфас номига тушди", – дейилади.

Кўриниб турибдики, келтирилган ихтибослар бир-бирларини тўлдириб, аниқлик киритиб турибди. Шундай қилиб Соҳибқироннинг шажараси Абул Турк ибн Ёфас орқали Нух алайҳиссалом ва ниҳоят Одам Атога бориб тақалади. Инсонлар бир ота-она фарзандларидирлар дейилган хулоса келиб чиқади. Соҳибқирон ҳаммага шу нуқтаи назардан муносабатда бўлар эди. Унинг буюклигини таъминлаган омиллардан яна бири шу эди. Туронзамин фуқаролари Соҳибқирон ва унинг салтанатини шунинг учун ҳам қўллаб-қувватлардилар, унга меҳрибонлик, вафодорлик қилардилар.

Бу ҳақда де Клавихо шундай ёзади:

"Бу халқ билан шоҳ кўплаб жасоратлар кўрсатди, кўплаб галабалар қозонди. Бу – меҳнатсевар, моҳир чавандоз, камондан отувчи мерган, умуман урушда сабот-матонатли халқ. У – бориға қаноат қилиб, нонсиз сут ва гўшт билан ҳам кун кечираверадиған, гўштли ёки гўштсиз овқат билан ҳам тирикчилик ўтказишга жуда ўрганган халқ. Иссиқ-совуққа, очлик ва

ташналикка жаҳондаги ҳар қандай элдан кўра саботли ва чидамли халқ".

Мана шундай халқнинг ҳозирги авлодлари ўз мустақилликларини мустаҳкамлаш йўлида астойдил ҳаракат қилиб, ўтиш даврининг барча қийинчиликларини мардонавор енгомқдалар. Жумхуриятдаги барча миллат вакиллари темуроно иноқлик билан бир ёқадан бош чиқариб буюк келажак томон дадил қадам ташламоқдалар. Соҳибқироннинг покиза руҳи шубҳасиз уларнинг тинчлик, осойишталик, тотувликларини қўллаб-қуватлаб турибди.

Соҳибқирон қомусий битикларида келтирилган мулоҳазаларнинг ҳаётий эканлигини тасдиқловчи мисоллар жуда кўп. Қайд этилганидек, Соҳибқирон назоратидаги вазирлар салтанатда дуруст фаолият кўрсатганлар. Хусусан арзбеги лавозимига кенгашда алоҳида ўрин ажратилганди. Арзбеги шоҳ ҳузурига шикоят билан келганлар ва умуман эл-юртнинг, фуқаронинг кундалик аҳволдан хабар олиб туради, ҳукмдорнинг фармон ва буйруқларининг қай тарзда бажарилаётганлигини назорат қиладди ва булар ҳақида муттасил ахборотлар бериб туради. Фуқароларнинг баъзи арз-додлари ҳатто кенгашларда кўрилиб, ўта одилона ҳал қилинади. Бундай пайтда оддий фуқаро ҳам, амалдор ҳам тенг эди. Мамлакат аҳкомлари олдида гуноҳкор бўлганларга кимлиги, амалидан қатъий назар аёвсиз чоралар кўрилар, ҳатто қатл этиларди.

Соҳибқирон анча вақт хорижий юришлардан қайтгач ода-тига кўра, давлат ишларига шўнғиб кетар, ҳамма соҳалардаги аҳволни миридан сиригача суриштирар, таҳлил қилар, керакли ўринларда аниқ кўрсатмалар берарди, камчиликларнинг охирига етмагунча тинмасди, де Клавихо, В. В. Бартольд, Люсьен Кэрэн, А. Ю. Якубовский, Т. Н. Грановский, В. Череванский, Хильда Хуххэм асарларида булар ҳаққоний қайд этилган. Чунончи, улардан бирини кўрсатилишича, бир юришдан қайтгач, Темур икки-учта арзчини қабул қиладди. Улардан бири самарқандлик бўлиб, ўз миробларининг суви йўлини тўсиб, уни пора эвазига бераётганликлари ҳақида шикоят қиладди. Сув тақсимоги қондасини бузиш у замонда одам ўлдириш ва талончилик билан тенг эди. Темур гувоҳлар чақиришни буюради. Гувоҳлар бундай масалаларда асосан саййидлар бўлардилар. Шикоят тасдиқлангач, гуноҳкор миробнинг боши ўша заҳоти танасидан жудо қилинади.

"Эртаси кунидан бошлаб, – дейилади Люсьен Кэрэн асарида. – Амир Темур салтанат юмушларига шўнғиб кетди; унинг қаҳри қаттиқлигини билган амалдорлар ва сипоҳийлар қалтириб

туришарди. Ўзи узоқ йўқлигида бўлиб ўтган воқеалар баёнини диққат билан тинглагач, нарх-наво ҳаддан ташқари ошиб кетишига йўл қўйган савдогарлар ва айбдорларни дорга остирди. Бева-бечораларга кийим-кечак, озиқ-овқат улашди, салтанат эса, уч йил давомида барча солиқлардан озод қилинди". Буни В. В. Бартольд ҳам ўз асарларида тасдиқлайди ва Самарқанд аҳлининг уч йил солиқлардан озод қилинганлиги ҳақида маълумот беради.

Темур жиноятчиларга шафқат қилмасди. Соҳибқироннинг етти йиллик юриши маҳалида Самарқанд ҳокими мансабини суистеъмол қилиб порахўрлик ва бошқа ножўя хатти-ҳаракатларга йўл қўяди. Темур сафардан қайтгач, ҳаммасини аниқ сарҳисоб қилиб, бу ҳокимни осийга буюради. Мовароуннаҳр ҳукмдорларидан бири орага тушиб, Самарқанд ҳокимининг жиноятидан ўтишини сўраб Соҳибқирондан авф этишини сўрайди. У бунинг эвазига ўша жиноятчининг барча бойликлари, мол-мулкани ваъда этади. Бундан ғазабланган Темур қўшимча фармон билан жиноятчини ҳам, орага тушган Мовароуннаҳр ҳокимини ҳам намойишкорона дорга остиради. Мамлакат ҳукмдори ана шундай қатъиятли бўлгач, хўш қайси бир амалдор мансабини суистеъмол қилиши, порахўрлик ёки бошқа бир ножўя иш қилишга журъат этади.

Бу воқеа тафсилоти яна бир манбада қуйидагача шарҳланади: "Мовароуннаҳр амалдорларидан бири бўлмиш Самарқанд ҳокими, – деб ёзади В. Череванский, – Соҳибқирон бу ерда бўлмаган пайтда пора олганликда айбланди. Ва шу кунгек деярли намойишкорона вазиятда осилди. Ҳокимнинг омонлиги учун катта товон тўлашни ваъда қилган унинг дўсти эса, кўшни дордан жой олди".

Де Клавихо "Кундалиги"да 1404 йилнинг кузида содир бўлган бу воқеа баён этилади:

"...Биринчи ҳукм бутун Самарқанд салтанатида бошлик ҳисобланган қози устидан чиқарилди. Темурбек бундан қарийб олти йилу ўн бир ой аввал Самарқандда мазкур шахсни қозикалон қилиб қолдирган эди. У мансабини суистеъмол қилди. Шоҳ унинг бутун мол-мулкани мусодара қилиб, ўзини шу ондаёқ осийга буюрди. Шу қозининг гуноҳидан ўтишни сўраган кишини жазога ҳукм қилди. Аёнлардан Мирзо Бурундуқ (де Клавихо Брода) ҳар бир пезанди кумуш реалга тенг бўлган тўрт юз минг кумуш пезант ҳисобига шоҳдан қозини авф этишини илтимос қилди. Давлатпаноҳ бу таклифга рози бўлди. Аммо Мирзодан тегишли пулни олгач, ўзини ...оёғидан осийга буюрди"

Хўш, буларнинг маънавиятга қандай алоқаси бор – деган савол туғилиши аниқ. Юқорида Соҳибқирон улуғ давлатчиликка асос солди, дейилганди. Ҳандай бир мураккаб шароитда омманинг ишончини қозонмоқ учун аввало қонун устуворлигини таъминламоқ бундай давлат учун ниҳоят зарур эди. Темур ҳукмдорга хиёнат, порахўрлик, мансабни суистеъмол қилиш, халқ манфаатидан ўз манфаатини устун қўйиш сингари ўта хавфли иллатларни фақат ана шундай қатъий чоралар билангина бартараф этиш мумкинлигини яхши биларди.

Соҳибқирон ўз амалдорларини қаттиқ назорат қилиш билан бир қаторда уларни барча масалаларда доим тўғри, одилона тадбир қўллаш, зийрак, эҳтиёткор бўлиш, олдинни кўра билиш, хушмуомалали бўлиш, фуқароларга бепарқ қарамаслик, уларга жабр-зулм, ситам ўтказмасликка ундарди. Бу борада аввало Соҳибқироннинг ўзи ўрнак ва намуна кўрсатарди.

Ривоят қилишларича Темур бир аёлнинг от етаклаб кетаётганлигини кўриб қолиб, бу билан қизиқибди. Бу эркак кишининг юмушику ахир, хаёлидан ўтибди. Воқеа сабабини суриштиргач, аёлнинг эрини чақиртириб, ундан сўрабди:

– Нечук завжангизга от суғоргани буюрдингиз бу эркак кишининг ишику?

– Э, Соҳибқирон, – жавоб берибди ул киши, – от боқиш ҳам, от суғориш ҳам эркакнинг юмуши эканлигини биламан, аммо уйимга қоплонсифат турк навкарларинг тушиб эрди. Унинг нияти нима эканлигини билмасман. Шунинг учун аёлимни от суғормоққа йўллаб ўзим уйда қолган икки қизимни қўриқламоқ истадим...

Шундан сўнг Темур навкарларини хонадонларга жойлаштирмаслик ҳақида буйруқ берган экан.

...Кўкбулоқ қишлоғига қуёш мўраламасданок, – дейилади "Амир Темур ўғитлари"да, – навкарларни хонадонлардан чиқариб, чодирларга жойладим ва шу тариқа осойишталикни таъминладим.

Темур ўз душманларига нисбатан ҳам инсоний муносабатлар даражасидан чиққан эмаслиги, амир Ҳусайн, Тўхтамыш, Йилдирим Боязидлар билан ўрталарида бўлиб ўтган муносабатлар ҳақида гапирган эдик. Уларни яна тақрорламасдан шунга оид баъзи бир мисолларга эътиборни қаратайлик.

Амир Ҳусайн ва Темур авлиё-анбиёлар, шайх Кулол мазорига бориб ва ҳатто Қуръони каримни ўртага қўйиб бир-бирларига хиёнат қилмаслик ҳақида неча бор ахдлашган эдилар. Бундан

мақсад ўртадаги қариндошлик муносабатларини бузмаслик, аксинча уни янада мустаҳкамлаш эди. Бундай тадбир ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун зарур аҳамият касб этарди. Аммо амир Ҳусайн айёрлик йўлига кириб ҳаммасини, ҳатто Қуръони каримни ҳам унутдию Соҳибқиронни бартараф қилиш пайига тушди. Сарбдорларнинг бошлиқлари Кониғилда қатл этилганидан сўнг, ҳукмронликни қўлга олиб барча бойликларни пойтахт Балхга йиғди. Балх қалъасини мустаҳкамлаб, жангга тайёргарлик кўра бошлади.

Амир Ҳусайн шу қадар манманликка берилдики, Али Яздийнинг ёзишича Соҳибқироннинг синглиси Ширинбека оғони Балхга элтинглар, деб одам жўнатади.

Хуллас, ўртадаги вазият тобора мураккаблашди. Темур қанчалик оғир ва машаққатли бўлмасин сабр қилади. Аёнлари, дўстлари билан бамаслаҳат бирор хулосага келишга жазм этади. "Кенгашда ҳозир бўлганлар, – дейилади Али Яздийнинг "Зафарнома"сида, – бу сўзларни эшитгач, амир Мусо (бошқа) амирлар ва ул ҳазратнинг арқони давлати – амир Довуд, амир Сори Буғо, амир Жуку, амир Муайяд, Ҳусайн баҳодир, Али амир Сайфиддин, Аббос Баҳодир, амир Оқ Буға, Элчи баҳодир, шайх баҳодир, Давлатшоҳ баҳши уйғур кабилар ҳаммалари бир овоздан шундай дедилар: "Амир Ҳусайн аҳдига ишонч йўқ, у ғараз ва макр асири бўлган. (Худо) кўрсатмасин, агар фурсат бой бериладиган бўлса, уни эпақага келтириб бўлмай қолади, надомат фойда бермайди. Сўзсиз унга қарши курашда бир жону, бир тан бўлмоқ лозим, барча саъй ҳаракат унинг ишини бир ёқли қилишга йўналтирилмоғи керак".

Шундай қарорга келингач, аҳдига вафосиз амир Ҳусайн устига, яъни Балхга юриш бошланди. Али Яздий хабар беришича амир Ҳусайн мағлубиятга учраб, таслим бўлади. Ўзи жон сақлаш умидида қалъага яшириниб, катта ўғлини Темур хузурига юборадия авф этишини сўрайди. Яна бир киши орқали Соҳибқиронга мактуб йўллайди. Унда: "Давлат мендан юз ўғирмиш ва сенинг даври-давронингга яқин бўлмиш... Дилмин мулк ва мол, ҳашамат ва иқболдан бутунлай узмишмен ва кўнглимни ранж ва захмат, машаққат ва балога бағишламишмен. Энди истагим шудурки, менга йўл берсанг, чиқиб кетсам ва улуғ Каъба (зиёрати) томон юзлансам", – дейилган эди.

Соҳибқирон Ҳусайннинг талабини қабул қилади. Аммо Ҳусайн бу аҳдини ҳам бажармайди, кечаси шаҳар жомеъ масжиди минорасига яшириниб олади. Уни тутиб Соҳибқирон

хузурига келтирадилар. Ўшанда ҳам Темур ваъдасига вафо қилиб, аҳдини бузмай амирларга: "Мен унинг қонидан кечганман ва ундан интиқом олиш тарихига чизик торганман", – дейди.

Амир Кайхусрав Хутталоний Ҳусайн укаси Кайқуботни ўлдирганлигини айтиб, Соҳибқирондан уни ихтиёрига беришни сўрайди. Аммо Темур Кайхусравга таскин беради: "Сен бу давводан воз кечгил, сенинг биродарингнинг қони шундоқ ҳам уни тинч қўймайди", – дейди. Бу воқеаларни ёстиқдоши Ўлжой Туркон оғони, ўртадаги муносабатларни эслаб ҳатто кўзига ёш олади.

Амир Ҳусайн барибир қатл этилади. Аммо Темурнинг амри билан эмас. Баъзи бир адабиётларда бу қатлни Соҳибқиронга олиб бориб тақашади. Бу батамом нотўғри.

Олтин Ўрда хони нонкўр Тўхтамишга нисбатан ҳам Темур худди шундай йўл тутди. Тўхтамиш Соҳибқирондан бир неча марта сўраган кечиримларни ҳам эсдан чиқариб Мовароуннаҳрга қанча кулфатлар келтирсада, унинг ўзини батамом тарих саҳнасида суриб ташлаш Соҳибқироннинг фикрида бўлмаган. агар у кўрнамаклик қилмай, ҳукмронлигини тинчгина давом эттирверганда Олтин Ўрда Темур давлатининг бир қарам ўлкаси (вассали) бўлиб қолавериши ҳеч гап эмас эди.

Боязид билан бўлган муносабатларда Темурнинг чин инсонийлик фазилатлари айниқса ёрқин намоён бўлади. Чунончи, Анқара яқинидаги Айқардаги жангда Боязид енгилди. Соҳибқирон уни тирик тутиб келишни буюради. Оёқ қўллари боғланган Боязидни Соҳибқирон хузурига келтирадилар. Баъзи манбаларда асир олинган Боязид олтин қафасга солинганлиги таъкидланади. Олмониянинг Потсдам шаҳридаги тарихий музейда сақланаётган бир сурат ва инглиз драматурги Кристофер Марлонинг 1587–1588 йилларда ёзилган "Соҳибқирон Темур" ("Тамбурлайн зе Грейт") фожиасида ва бошқа адабиётларда ҳам шундай тасвирланади. Аммо бу тарих ҳақиқатига батамом зиддир.

Мана холисона фикрлар. Француз шарқшуноси Л. Лянглэ "Темур ҳаёти" номли асарида "Темурнинг ўта шафқатсизлиги, хусусан асирга тушган турк султони Боязидга муносабати ҳақида Темурнинг ашаддий душманлари ёзган айбномалар ҳақиқатга тўғри келмайди", – дейди.

Темур асир олинган Боязидга ҳам, унинг фарзандлари ва авлодларига ҳам меҳр-шафқат кўрсади. Бунини тасдиқловчи манбалар анчагина. Чунончи Л. Лянглэ юқоридаги мулоҳазасини шу воқеаларни ўз кўзи билан кўрган, шоҳиди бўлган Али

Яздийнинг "Зафарнома"си асосида айтган эди. "Шарафуддин Али, – дейилади ўша асарда, – Темурнинг Боязидга нисбатан шафқатсизларча муносабати ҳақида эмас, аксинча унга ўз тенги сифатида муомала қилиб, унинг мағлубият аламини унутиш учун, жуда катта иззат-икром ва меҳрибонлик кўрсатгани ҳақида ёзади. Темурнинг ўзини бундай тутиши "Темур тузуқлари"даги фикрларга ҳам жуда тўғри келади".

Яна бошқа манбаларда хабар берилишича, Боязид асир олинishi билан уни Темур хузурига келтирадилар. Жаҳонгир Султонга тикилиб қарайдию кулиб юборади. Боязид алам билан шундай дейди:

– "Темур менинг бошимга тушган бахтсизликдан кулма. Ҳамма нарса Оллоҳнинг қўлидадир. Оллоҳ бугун мендан олиб сенга берган нарсасини эртага сендан ҳам тортиб олиши мумкин".

Темур чеҳраси бирдан жиддий тус бериб, ўта юмшоқлик билан дейди: "Сенинг бошинга тушган бахтсизликдан кулишдан худо асрасин, Боязид! Мен сенинг устингдан эмас, дунёнинг ишларига кулаяпман.

... Темур Боязидни чуқур қайғу оғушидан чиқариш учун қўлидан келганча ҳаракат қилди. Ҳатто, Боязидга Анатолияни ва тожини қайтариб берди. Аммо кўп ўтмай, қайғуга дош беролмай, Боязид ўлди. Темур, ўлимига ўзи сабабчи бўлган бу ҳукмдор устида кўз ёш тўқди. У Боязиднинг фарзандларига катта ғамхўрлик кўрсатиб, уларни барча зарур нарсалар билан таъминлади ва бу билан уларнинг бахтсиз отаси олдидаги сўнгги бурчини адо этди".

Профессор Т. Н. Грановский ҳам Соҳибқирон ва Боязид борасида холисона мулоҳаза билдиради. "Замонавий ёзувчиларнинг, – деб ёзади у, – Темур Боязидни қафасга солиб қўйгани, унга шафқатсизларча муносабатда бўлгани ҳақидаги гаплари мутлақо ҳақиқатга тўғри келмайди. Ўша даврда яшаган биронта ҳам муаллиф бундай муносабат ҳақида ёзиб қолдирмаган. Аксинча, бизнинг қўлимизда Темурнинг султонга нисбатан чуқур ҳурмат билан қарагани ҳақида ишончли далиллар бор".

Темур Боязид ва унинг авлодига улкан марҳаматлар кўрсади. ўғилларини ҳокимликка тайин этади, ҳарамиддаги бекалар тинч-омон озод этилади, вафот этганида уни Бурсада дафн этиш ва ҳурмати учун ўша замон урфига кўра, намаз ёқали, кўк либослар кийиб мотам тутишга ижозат беради.

Ҳозирги Туркия фуқаролари шунинг учун Темурга нисбатан гина ҳасрат сақламайдилар. Адиб Холдин Тапорнинг гувоҳлик беришига қараганда турк халқининг асл фарзанди Мустафо

Камол Ота Турк Соҳибқиронни буюк ҳарбий саркарда сифатида тан олган эди. Генерал Дониел Юрда Топанинг ёзишича, Ота Турк бир суҳбатида шундай деган экан: "Менинча, дунёдаги энг улуғ саркарда Амир Темурдир. У ҳеч қачон бир жангни омадга кўз тутиб, таваккал қилиб бошлаган эмас. Ҳар бир ишга йиллаб тайёргарлик кўриб, ишнинг миридан-сиригача пухта режа-лаштирарди".

Мазкур асарнинг муқаддима қисмида Олмония шарқшуноси Гомер асаридан парчани келтириб Соҳибқиронни Александр Македонский билан қиёсланганлиги айтилади. Наполеон ва Суворов сингари саркардалар ҳам Темурнинг ҳарбий йўл йўриғи ва услубларини қўллаганликлари ҳам адабиётларда учрайди. Ҳа, Соҳибқирон катта маънавий мерос қолдирди. Буни ҳис этмоқ учун ўша лашкарбошилар фаолиятлари билан солиштириб, холисона таҳлил қилмоқ ва тўғри, одилона хулоса чиқармоқ даркор. Шундай қилинган тақдирдагина ҳақиқат юзага чиқади "Темурни Чингиз ила бир сафда қўйиб, уни ваҳший, золим, қароқчи деб атаган кишиларнинг фикрлари икки марта хатодир". – деб хулоса чиқарган Ҳерман Вамбери икки юз фоиз ҳақ эди. Қандай бўлмасин, буюк бобокалонимиз ўзининг беқиёс устунлигини кўрсатиб турганлиги билан чексиз фахрлансак арзийди. Амир Темур ҳаммадан, фарзандлари ва невараларидан ҳам оилавий масалаларга ҳамиша шаръий ёндошишни, покиза, ҳалол бўлишни қаттиқ талаб қилган. Темур ҳаром муносабатдан нопок зурриёт пайдо бўлиши, бу эса авлоднинг тубанлашиб кетишига олиб келишини яхши биларди.

Мусулмончиликда хотини ёки оилавий ҳаёти тўғрисида гапириш азалдан одобсизлик саналади. Фарб мамлакатларида эса, бунинг аксини кўрасиз, шу туфайлими Темурнинг хотинлари ҳақида Али Яздий ва Низомуддин Шомий сингариларга кўра кўпроқ де Клавихо маълумотлар беради. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Соҳибқирон ҳузурда аёлларни ғийбат қилиш, уларни хўрлаш ва зўрлаш ҳақида гапириш таъқиқланган эди. Бу хусусда четга чиқувчилар бўлса аёвсиз жазоланган. У келинларига нисбатан ниҳоятда меҳрибон ва меҳр-шафқатли эди. Ҳомиладор келинларини ўз эътиборига олиб, уларга гамхўрлик қилишни шахсан оқила Бибиҳоним зиммасига юкларди. Улар учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё бўларди.

Давлатшоҳ Самарқандий ва де Клавихоларнинг маълумотларига кўра Мироншоҳ Мирзо отдан йиқилиб, бир қадар савдойроқ бўлиб қолади. Хотини Хонзодани калтаклаб, танига

қароҳат етказди. У қонга беланган кўйлагини олиб қайнотаси Темур ҳузурига келади. Соҳибқирон келинидан воқеа тафсилотини эшитгач, қаттиқ таъсирланиб, кўзларига ёш олади ва бир ҳафта ҳеч ким билан гаплашмайди. Худди шу воқеа "Уч йиллик уруш"ни анча эрта бошлашига сабаб бўлади. Йўл-йўлакай ўғли Мироншоҳни ҳузурига бориб, уни жазолайди ва ҳокимликни неварасига олиб беради.

Темурнинг хотин-қизларга муносабати тамоман ўзгача, одилона эдики, мисоли Туронзамину бошқа сарҳадларда кўрилган эмас. Манбаларнинг хабар беришича у маликаларни тўрт девор орасига қамаб, паранжи-чачвон ёпинтириб тутқунда сақлагани йўқ. Де Клавихонинг айтишича, Соҳибқироннинг хотинлари, келинлари тўй-томошолар ва байрамларда эркаклар билан бирга иштирок этаверганлар. Бундай пайтлар уларнинг базму суҳбатлари Бибиҳоним бошчилигида ўтарди, зиёфат дастурхонларига хатто шароб ҳам қўйиларди. Сарой хонимлари орасида бирор кўнгилсиз воқеа содир бўлганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Салтанат ишлари билан ниҳоят банд бўлишларига қарамай Темур бўлғуси хотини Хизрхўжанинг қизи Тўқал оғо ҳурмати учун узоқ йўл юриб Туркистон шаҳрига боради, йўл-йўлакай Хожа Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилади ва унинг устига улуғвор хилхона бунёд этишга фармойиш беради.

Булардан ташқари Соҳибқирон қизлари, неваралари ва хотинлари шарафига улуғвор боғ-роғлар, масжид ва мақбаралар бунёд қилдиргани ва бунинг темурийлар даврида аънамага айланганлиги ҳаммага аён. Самарқандда Туман оғога бағишлаб Ёсҳишт боғини, Тўқал хонимга атаб Дилкушо боғини ва невараси, Мироншоҳнинг қизига атаб Боғишамолни бунёд қилдиради. Уларни ўз кўзи билан кўрган, уларда ташкил қилинган бир неча зиёфатлар, тўй-маъракаларда қатнашган де Клавихо жумладан Дилкушо ҳақида "боғ ва сарой гоёт гўзал, Дилкушо боғи олдида кенг майдон бўлиб, дарё ва кўплаб каналлар оқиб ўтарди" деб ёзган эди.

Темурнинг Самарқандда тўнгич опаси Қутлуғ Туркон оғо, синглиси Ширинбека оғоларга ва Бибиҳонимнинг онасига атаб мақбаралар қурдиргани ҳам тарихий ҳақиқатдир.

Боязидни мағлуб этгач ҳарамидаги барча хонимларни, жумладан, Юнон ҳукмдорининг зўрлик билан келтирилган қизлари Анжела, Кателина ва Мария исмли гўзалларни ҳам озод қилиб юртига жўнатганлиги ва уларнинг бахтли ҳаёт қуриб кетганлиги ҳам рост.

Буларнинг тўғрилигини ривояту ҳикоятлар ҳам тасдиқлайди. Шу ўринда Аҳмаджон Нарзиқулнинг Амир Темур ҳақидаги ривоятлари асосида ёзилган "она ва ҳукмдор" номли ҳикоятдан қуйидаги парчани келтириш жоиздир. Юнонистонлик онанинг боласи Боязидга асир тушгач, Соҳибқирон ғалабасидан сўнг она боласини излаб пиёда Самарқандга келади. Темур билан юнонистонлик она ўртасидаги мулоқотдан ҳам Темурнинг хотин-қизларга, оналарга ўта мурувват билан қараганлигини билиш мумкин. Онага Соҳибқирон шундай савол билан мурожаат қилади:

- Юнонистондан пиёда келмишсан. Бу осон эмаску, йўлингда денгизлар, дарёлар, тоғлар, ваҳший ҳайвонлар кўп. Улардан нечук ўтдинг она?

- Ана холос, ажиб бир гапни айтдинг-да, Темур. Буни сендан кутмаган эдим. Билансанку ахир ният холис бўлса Худонинг ўзи асрайди. Ҳа, унутма, ҳаммаси унинг хоҳиш-иродасига боғлиқ. Ниятинг пок ва қўлингдаги қиличнинг адолатлидирки, Танграм сенга шохликни насиб этди. Шунга яраша салоҳият, куч-қувват, жасорат берди. Мана айт, ўзинг машриқдан мағрибга, Ҳинд мулкидан Москвага қадар бўлган буюк сарҳадни қандай босиб ўтдинг? Бирор жойда Парвардигори олам измидан, унинг муқаддас каломидан четга чиқмадинг. Сенинг ниятинг пок, Темур! Менинг ҳам пок ниятим Худога хуш келгандирки, даргоҳингга, тахтинг пойига етказди. Онаман дедим, денгизлар йўл берди, онаман дедим, дарёлар тўхтади, онаман дедим қоялар чекинди, тоғлар бағридан йўл очди, онаман дедим, ўрмондаги дарахтлар бошимга соя солди, онаман дедим, барча ҳайвонлару паррандалар илгимдан тутиб раҳнамолик қилди. Энди сен ҳам ўғлимни тезроқ топиб бер, Темур!

Онанинг бу сўзларидан гўё олам ларзага келгандай бўлди. Ер силкинди. Денгизлар, дарёлар тўлқини қирғоқларга урилди. Жаҳонгир Темур тахтдан тушиб кўпчиликнинг кўзи ўнгида аёлга - мўътабар онага таъзим қилди.

- Зудлик билан ўғли топилсин. Онанинг ўзига шохона иззат-икром кўрсатилсин! - амр этди Жаҳонгир...

Орадан кунлар ўтди. Она билан бола бир қадар ўзларига келишгач, жаҳонгир ўз ҳузурига чорлаб олгину совға-саломлар инъом этди. Сўнгра Истамбулга йўл олган карвонлар ҳамроҳлигида улар ва бошқа барча юнонистонликларни юртларига жўнатди.

- Буни мудом ёдингизда сақланг, - хайрлашаётиб муҳри зарб этилган олтин ёрликни Онага узатди Темур, - тасарруфнингиздаги барча мамлакат подшоҳларни бекларга кўрсатиб, номимиздан амрфармон беришга ҳақлидирсиз.

- Қуллук, Темур, ўнг қўлини кўксига қўйиб, хиёл эгилди Она. - Парвардигори олам салтанатингни тагин ҳам зиёда қилсин. Мени авф эт, бундай адолату заковат ҳамма подшоҳларга ҳам насиб этавермайди. Тенгсиз лутфу караминг билан Она муносини олдинг. Оқ сутим ҳурмати барака топасан, номинг эл орасида абадий барҳаёт қолади. Асло ўлмайсан, бағри кенг, мурувватли фарзанд!...

Ривояту ҳикоятларда ҳам Соҳибқироннинг хотин-қизларга, оналарга муносабати шу тарзда берилдики, бундан унинг бу масалада ҳам ўта инсоний нуқтаи назардан ёндашганлиги, Қуръони карим, Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари асосида иш тутганлиги кўзга ташланади. Уларда ҳеч қандай салбий фикрлар деярли билдирилмайди.

Шунинг билан бир қаторда Темур хотин-қизларга нисбатан ўта талабчан ҳам эди. У аёлларнинг покиза, шарм-ҳаёли, инфатли, хушёр, оқила бўлишини истарди. Ўзи бу борада: "Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишининг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан камолатини аниқладим. Келин бўлмиш насли-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча кусурлардан холи бўлсагина эл-юртга катта тўй-томошо бериб, келин туширдим". "Ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб ичиб, хотинларига яқинлашишни манъ этдим. Зеро, шаробнинг таъсирида бунёдга келган фарзанд насл-насабнинг бузилишига таъсир этгай, дебон шу покиза йўлни тутдим", - дейди.

Буларнинг ҳаётий, тўғрилигига тарихнинг ўзи гувоҳ. Мироншоҳ ва Хонзоданинг ўғли Халил Султон Соҳибқироннинг жияни амирзода Алининг қизи Жаҳон Султон бегимга уйланганди. Бир куни овдан қайтишда соҳибжамолликда тенгги йўқ Шодимулк исмли гўзалга Халил Султоннинг кўзи тушиб, уни севиб қолади. Ибн Арабшоҳда Шодимулк Сайфиддиннинг хотини эди, деб хатога йўл қўйилади. Шодимулк амир Сайфиддиннинг канизақларидан бири эди. Унинг насл-насаби ҳам Халил Султонга сира тўғри келмасди. Хуллас, Шодимулк Халил Султонни тузоққа илинтиради. Охир оқибатда сир фош бўлиб, воқеа Соҳибқиронга етади.

Соҳибқирон неварасининг бу ишидан жуда ғазабланади. Иккаласини ҳам топтириб келиб, Халил Султонни қамаш,

Шодимулкни гуломлардан бирига зудлик билан эрга бериб юборишни буюради. Лекин улар аллақачонлар яшириниб улгуришгандилар. Вазиятдан қутулиш учун Халил Султон Бибиҳоним, Тўқал хоним, амир шоҳ Малик ва шайх Нуриддинларни ишга солади. Улар пайт пойлаб, Соҳибқироннинг кайфияти дурустлигидан фойдаланиб уни кўндиришади. Соҳибқирон рози бўлишга мажбур бўлсада, лекин Халил Султонни валиаҳдликдан маҳрум этади.

Ибн Арабшоҳнинг гувоҳлик беришича, охир оқибат Халил Султон хотин тили билан сўзлаб, хотин эса Халил Султон тили билан сўзлай бошлади. Соҳибқирон вафотидан сўнг бобо тахтига ноқонуний йўл билан чиққан Халил Султон вазиятни янада чигаллаштириб юборади. Шодимулк туфайли унинг хизматкори Бобо Тармиш мамлакат вазири – бош вазири даражасигача кўтарилди. У "адабсизликда шу даражага бориб етдики, ҳатто улар ҳузурда оёғини узатиб ўтирар ва уларга заррача ҳам ҳурмат вожибани кўрсатмас эди. Кейин Бобо Тармиш ўзининг машваратсиз биронта ҳам масаланинг бўлишини манъ қилди агар у ғойиб бўлса, унинг келишини кутсинлар ёки ҳузурига борсинлар (деди)".

Ер юзини титратган салтанатнинг аҳволи Темур вафот этиши билан шу даражага етди. Бунинг устига Ҳ. Вамбери одилона қайд этганидек, "сўнгра Шодимулк ҳукмдор хотини сифатида, ўзларининг аввалги содиқ тарафдорларини эрига қарши қуроллантирди".

Маълумки, Бибиҳоним Халил Султонни энага сифатида тарбиялаганди. Унинг Шодимулк билан турмуш қуришга Темурни зўрға кўндирган эди. Охир оқибат Шодимулк Бибиҳонимни заҳарлаб ўлдиради. Соҳибқироннинг бир неча хотинларини зўрлаб эрга бердиртириб юборади. Хуллас, нобоп Шодимулк Соҳибқирон салтанати инқирозининг илк бошловчиси бўлди. Аммо ҳақиқат яшириниб қолмади. Уни улуғ Соҳибқироннинг покиза руҳи урди, сирлар очилди. Шодимулкнинг бурни, қулоқлари кесилди, шарманда-ю шармисор бўлди. Лекин афсуски кеч бўлганди.

Бу ғамгин сатрлар баъзи бир жиддий хулосалар чиқаришга ҳам ундайди. Агар Соҳибқироннинг айтганлари амалга оширилганда бу мудҳиш воқеалар эҳтимол содир бўлмасди. Бўлган тақдирда ҳам бу даражага етмаган бўларди. Темурнинг йўли тўғри эди.

Бундан тегишли хулосалар чиқармоқ келажак авлод учун қарз ва фарз бўлмоғи керак.

Улуғ бобокалонимизга ҳамиша ва ҳамма ишларда Оллоҳ ёр бўлди. Қуръони карим улуғ салтанатнинг барча аҳқому қонун-қондалари асосини ташкил этди. "Оллоҳ, – деган эди Соҳибқирон, у ҳар нарсага қодир куч, сидқидилдан сиғинсанг истаган муроду мақсадинга етказди". Шундай, Темур қалбига Оллоҳ меҳрини жо қилиб тўрт томонга от сурди. Мудом ғалабага эришдию, мағлубиятни билмади. Мағрибу машриқнинг улуғ хоқони бўлди. Инсонлар ундан фақат меҳру-оқибат, раҳм шафқат кўрдилар.

"Етти ёшдан етмиш ёшимгача, – дейилади "Таржиман ҳол"да, – бутун умр бўйи йўқсилларга инъом ва хайр-эҳсонлар қилдим. Бир марта кийган кийимимни иккинчи марта киймас эдим, уни йўқсилларга ҳадя қилардим. Мен қудрат ва шуҳратга эришганимда болалигимдаги дўстларимнинг мавқеини кўтардим, улуғладим. Ҳар куни бир қўйни камбағаллар учун сўйдирардим; уни етти нимта қилиб аҳволи энг ночорларга улаштирадим".

Мустақиллик талаби асосида ислом динига ана шу нуқтаи назардан ёндашилиб, исломий кадрятлар тикланмоқда. Бундай ёндашишлар жумҳурият аҳлини иймонли, диёнатли, вафоли бўлишда, осойишталикни таъминлашда, меҳру оқибатни оширишда муҳим омил бўлмоқда ва аждодлар руҳи шод этилмоқда. Булар Ўзбекистон мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Булар ҳали бобокалонимиз маънавияти бебаҳо дурдоналаридан атиги бир шингил, холос. Шундай бўлсада унинг ҳозирги кунимиз, хусусан миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслигимиз керак. Темур маънавияти улкан манба, туганмас булоқдир. Улар бундан буён ҳам жаҳон халқлари диққат эътиборини тортиш билан бир қаторда Темур ва теурийлар фаолиятини атрофлича ўрганиш ва иложи борича кўпроқ баҳраманд бўлишга қаратаверади. Юртимизнинг истиқболи ва порлоқ келажаги учун хизмат қилаверади.

Сўз боши	3
Амир Темур таваллуд топган оила	5
Амир Темурнинг болалиги	11
Амир Темур якка ҳукмронлигининг ўрнатилиши	24
Амир Темурнинг қудратли давлати	39
Темур давлатининг ташқи ва ички сиёсати	55
Темур маънавияти ва ҳозирги замон	77
Хулоса	94

Қадимий Туркистону Туронзаминнинг буюк фарзанди Темур тарих сахнасига келгач, қарийб бир ярим асрлик мўғуллар ҳукмронлиги ва феодал тарқоқликни бартараф этиб, ўзининг қудратли империясини вужудга келтирди. Унинг давлати ижтимоий-сиёсий жараёнда жуда тез кўзга ташланди. Энг муҳими осойишталик ўрнатилиб катта сарҳадда янги бир ривожланиш даври бошланди. Темур давлати тарихига бутун жаҳон жиддий эътибор бераётганлигининг сабаби ҳам шундадир.

Савдо-сотик, деҳқончилик, ҳунармандчилик умуман ҳамма соҳа жадал ривожланиб, халқаро миқёсга кўтарилди. Соҳибқироннинг саъй-ҳаракати туфайли буюк Ипак йўли йўналишининг Туронзамин томон бурилиб, унинг сарҳадларидан ўтиши бу борада айниқса муҳим аҳамият касб этди.

Темур ҳомийлигида ислом дини инсонлар қалбидан янада мустаҳкам ўрин олди, илм-фан, адабиёт, санъат, ҳунармандчилик, маданият ривожланди, меъморчилик, ободонлаштириш, йўллар, ўз даври учун муҳим бўлган кўприк ва сув йўллари қурилиши борасида жаҳонни лол қолдирадиган ишлар қилинди. Натижада Соҳибқирон Темурнинг орзулари рўёбга чиқиб, унинг улкан давлати танилди, Самарқанд ва Кеш эса донгдор шаҳарлар қаторидан ўрин олди. Хуллас Президент И. Каримов сўзлари билан айтганда, "кўҳна тарих саҳифалари буюк бобомизнинг миллат ва эл-улус манфаати бобида чеккан мислсиз заҳмат ҳамда кўрсатган шижоатларига гувоҳлик беради"¹.

Темурдан жуда катта маънавий мерос ҳам қолди, унинг бу борадаги хизматларини башарият тан олди. Ҳозирги пайтда улар жаҳон халқлари маънавий бойлигининг ажралмас қисми бўлиб турибди. Темур маънавияти бундан буён ҳам мустақил юрт истиқлол мафқурасининг бой ва асосий манбаси бўлиб қолаверади. Темур ва темурийлар даври маънавиятининг мана шундай салоҳияти билан ҳар қанча фахрлансак айрзийди.

Мана, Амир Темур ҳақида баҳоли қудрат сўз айтдик. Унинг порлоқ ҳаёти, серқирра фаолияти, суронли юришлари баёнини юзлаб китоблар, рисоаларга сиғдириб бўлмайди. Булар ҳали тарихий изланишларнинг иқтисодидир.

1. И.А.Каримов. Соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанادا 1993 йилнинг 31 августида сўзлаган нутқи. "Ўзбекистон овози", 1993 йил, 1 сентябрь.

Н. АҲМЕДОВ

АМИР ТЕМУР: РИВОЯТ ВА ҲАҚИҚАТ

Қомуслар Бош таҳририяти

Мухаррир Г. Хўжаева
Техник муҳаррир Миржаёд Олим
Рассом А. Бурҳонов

Теришга берилди 05.03.1996 й. Босишга рухсат этилди 16.04.1996 й.
Бичими 84x1081/32. Нашриёт ҳ.т. 5,5. Босма табоқ 3,0 Буюртма № 191. Тиражи
5000. Баҳоси шартнома асосида.

Қомуслар Бош таҳририяти Тошкент - 129, Навоий кўчаси, 30-уй.

Рангли босма фабрикаси, У. Юсупов кўч., 86 уй. 1996.